

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЧЕКЛАНГАН СУВ ТАҚСИМОТИ ШАРОИТИДА  
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИНИНГ  
ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ**

( монография)

Тошкент 2019

УДК: 631.587(575.1)

Чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжаликлари ерларининг қийматини баҳолаш (монография). Доцент А.Р.Бабажановнинг умумий таҳрири остида. Тошкент, ТИҚҲММИ, 2019, 141 бет

Мазкур монография республикамизнинг бугунги кундаги чекланган сув тақсимоти шароитида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ерларининг қийматини баҳолашга бағишиланган. Унда сугориш сувининг тупроқлар унумдорлигига таъсири асосида юз берадиган ўзгаришлар ва шунга мос тарзда суғориладиган экин ерларини иқтисодий унумдорлигининг норматив қийматини баҳолаш, шунингдек ушбу ер баҳолаш маълумотларидан хўжалик масалаларини ҳал қилишда фойдаланишнинг назарий ва услубий жиҳатлари ёритилган.

Монография қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолаш билан шуғулланадиган илмий ва лойиҳалаш ташкилотларининг мутахассислари, ер ресурсларини бошқариш билан шуғулланадиган маҳсус ваколатли бошқарув органлари раҳбарлари, магистрантлар, тадқиқотчилар, ушбу йўналишда таълим олаётган олий ўқув юртларининг талабалари ва таълим бераётган педагогларга мўлжалланган.

**Тақризчилар:** Парпиев Ф. -“Ўздаверлойиҳа” республика илмий лойиҳалаш институти Бош директори ўринбосари  
Мусаев И.М.- ТИҚҲММИ доценти, т.ф.н.

*Институт илмий Кенгашининг қарори билан чоп этишига тавсия қилинган  
( 2 баённома, 2019 йил 26 сентябрь)*



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, 2019

## **КИРИШ**

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан оқилона, самарали ҳамда имкони борича тўлароқ фойдаланиш энг аввало, яни биринчи галда унинг асосий ва муҳим ҳусусиятларини билиш, ўрганишга, шунингдек уларни ўз жойида қўллашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу қоида бошқа ишлаб чиқариш воситалари қатори ерга, яни ишлаб чиқаришнинг ажралмас бўлаги хисобланган ер ресурсларига ҳам тааллуқли бўлиб, Республика худудларида жойлашган турли туман шартшароитларига эга бўлган, ранг-баранг ҳуқуқлар асосида фойдаланилаётган ерларни ўрганиш, уларни баҳолаш, ушбу ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланган холда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқ жойларидағи аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашни талаб қиласди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу худуддаги мавжуд ишлаб чиқарувчи кучларни бозор муносабатларига мос равишда ривожланишини, асосий миллий бойлигимиз ҳисобланган ердан фойдаланишни ташкил этишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади. Шундай экан, ердан фойдаланишни, айниқса қишлоқ хўжалигидаги ерлардан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, миқдорий ва сифат хисобини доимий равишда юритиб бориш, уларни баҳолашни амалга ошириш, хуллас бундай ерлар тўғрисида ҳуқуқий, миқдорий, сифат ва қиймат ахборотларини шакиллантириш давлатнинг асосий тадбирларидан бири хисобланган ер кадастрларида амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг янада эркинлаштиришнинг пировард натижалари кўп жиҳатдан соҳада амалга оширилаётган ислоҳатларнинг муваффақиятини белгилайдиган муҳим объектив муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ бўлиб

қолмоқда. Ушбу муаммолар тизимида ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш – иқтисодиёт тизимининг ажралмас ва узвий таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларниг янада чуқурлашиши иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг барқарорлашиши ва ўсиб боришини таминлаш кўп жиҳатдан муҳим ишлаб чиқиш воситалари хисобланадиган ердан фойдаланишнинг ўзига хос масалаларини тадқиқ этишга объектив боғлик бўлмоқда. Бундай масалалар тизимида айниқса бугунги суғориш сувидан чекланган тарзда фойдаланиш шароитида фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланишни мумкин қадар самарали ташкил этишни киритиш мумкин. Бунда, албатта, шундай шароитда ерларни қийматини баҳолаш ҳам ҳал қилиниши зарур бўладиган муаммолардан хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 53 – моддаси, «Фермер хўжалиги тўғрисида» қонуннинг 11 – моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476- сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2004 йил 24 декабрдаги 607 – сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» қарорларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини бериш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 2378 – сонли буйруги билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» асосида амалга оширилган. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилган. Бугунги кунда бундай хўжаликлар мамлакатимизда асосий товар қишлоқ хўжалии маҳсулотларини

етиштирувчи хўжаликларга айланган. Аммо сўнгги йилларда ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланмаслик, ерларга органик ва минерал ўғитлар солишда уларнинг миқдорига амал қилмаслик, шунингдек, мелиоратив тизимлар ҳолатини яхшилаш борасида кескин чоралар кўриш зарурлиги, ер ресурсларини тармоклараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасизлиги, ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерларни тақсимлашда иқтисодий ва технологик чуқур асосланмасдан ўтказиш ва бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида сугориш сувидан самарали фойдаланмаслик оқибатида ерларни унумдорлигининг кескин пасайиб кетиши кузатилмоқда.

Хозирги кунда ер муносабатларини ислоҳ килишнинг асосий мақсади – иқтисодиёт тармоқларида ердан фрайдаланиш самарадорлигини тубдан оширишдан иборат. Бу йўналишда кейинги йиллари хукуматимиз тамонидан қатор ҳуқукий норматив хужжатлар қабул қилинган ва амлга киритилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони бу йўналишдаги муҳим хужжатлардан бири хисобланади. Ушбу “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3-бўлимида қишлоқ хўжалигини мадернизация қилиш ва янада ривожлантириш, хусусан таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини изчил ривожлантириш, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, эқологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш қўзда тутилган. Бу эса, сўзсиз ер ресурсларидан фойдаланишнинг оқилона ташкил этиш билан боғлиқ.

Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазифаларни, мустақил суверен давлат сифатида сиёсий ва давлат тизими муаммоларини ҳал этиў ердан фойдаланишнинг қўп укладли шаклларини ривожлантириш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерга оидмасалаларни ҳал этишда муносиб ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратишга ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер кадастри, ер тузиш ва ерлар мониторингини юритиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи иқтисодий сиёсатнинг уйғунлаштирувчи муҳим ҳужжатлари бўлиб қолмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фекмер хўжалиги тўғриси”даги, “Деҳқон хўжалиги тўғриси”даги, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмларини такомиллаштириш нафақат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқаришсамарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, республикамиз озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Зоро, қишлоқ хўжалдан игида энг муҳим ва асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланувчи ер ресурсларидан фойдаланиш тизими умум иқтисодий, шунингдек агро саноат тармоқлари яхлит тизимининг ажралмас ва узвий таркибий қисми бўлиб, у ўз навбатида соҳани инновацион ривожлантириш босқичлари талаблари ва тамойилларига мос келадиган механизмларни яратишини ва уларни амалиётга самарали татбиқ этишини тақозо қиласди. Шу боисдан ҳам ер русурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларининг истиқболли янги таркибий элементлари ва илғор технологияларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар манфаатларига мос ҳолда яратиш ва татбиқ этиш зарурати вужудга келмоқда.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни ташкил этишда айниқса давлат ер кадастри муҳим ахамиятга эгадир. Давлат ер кадастри буерларнинг ҳуқуқий холати, миқдори, сифати ва қиймати туғрисидаги мужассамлашган маълумотлар тўлалик бўлиб, у турли ер эгаликлари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер мулкдорларини, шунингдек давлат бошқарув органларини ер тўғрисидаги турли – туман маълумотлар билан тамиnlашга йўналтирилган. Давлат ер кадастрини юритишда унинг ҳуқуқий

асослари хисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўгрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 21- декабрдаги 543 сонли “Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини тартиби тўгрисида”ги қарор ва бошқа норматив – ҳукуқий хужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ер кадастри асосан қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: ер участкаларга бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш ерларни миқдорий ва сифат хисобини юритиш, тупроқ бонитировкаси, ерларни иқтисодий (норматив) баҳолаш. Ушбу таркибий қисмлар бир-бирдари билан узвий боғлиқ бўлганлари холда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг ташкил этишда ер тўғрисидаги муҳим ахборотлар манбаи сифатда кенг кўлланилмоқда. Бу хусусда, айниқса, ерларни баҳолаш ишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай ишлар тупроқ бонитировкаси ва ерларни кадастрили норматив қийматини аниқлаш кўринишларида ўтказилмоқда, улар услугиятларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу йўналишда қайд қилиш зарурки, кейинги йиллари дунёда глобал иқлим шароитининг ўзгариши ва бошқа қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра суғориш сувининг камайиб кетаётганлиги сабабли республиканизнинг асосий қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусан, фермер хўжаликлари чекланган сув тақсимоти шароитига ўтказилган. Ушбу шароитда хар бир фермер хўжалиги ўзига ажратилган сувдан самарали фойдаланиши наинки режалаштирилган маҳсулотларни етиштиришга имкон беради, балки, шу билан бир қаторда улар фойдаланаётган ер майдонларининг унумдорлигини юқори даражада ушлаб туришга имкон беради, аксинча, яъни, суғориш сувидан тўғри фойдаланмаслик ерлар сифатини пасайишига олиб келади. Бу эса, охир оқибатда, фермер хўжаликлари ер майдонларининг умумий ишлаб чиқариш салоҳиятини

пасайишига замин яратади. Шундай экан, бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжаликлари ерларини қийматини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш маълум амали аҳамият касб этади.

Мазкур монография ТИҚҲММИ “Ердан фойдаланиш” кафедраси томонидан давлат бюджети асосида бажарилаётган шундай мавзудаги илмий тадқиқот ишларининг натижаси сифатида тайёрланган. Унда ерларни, хусусан, сугориладиган ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида назарий жиҳатдан ўрганилган, шу кунгача республикада мавжуд бўлган ер баҳолаш ишларининг услубиятлари таҳлил қилинган, сугориладиган тупроқлар унумдорлигини сугориш суви билан боғлиқлиги кўриб чиқилган, тупроқ бонитировкасини ўтказиша сугориш сувининг амалдаги истеъмоли бўйича тегишли тузатма коэффициенти қўллаш тавсия қилинган ва шу асосда сугориладиган ерларнинг норматив қийматини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографияни тайёрлашда кафедра профессор-ўқитувчиларидан Бабажанов А.Р., Хафизова З.Х, Мукумов А.И, Сулаймонова М.Х, Шарипов С.Р, Абдуқодирова С, Рўзибоев С.Б лар қатнашдилар.

Китобни техник жиҳатдан расмийлаштириш кабинет мудираси Х.Исмоилова томонидан амалга оширилган.

Монография тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни қуидаги манзилга юборарсиз:

Тошкент Қ.Ниёзий, 39 уй, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, “Ердан фойдаланиш” кафедраси.

## **1 БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида ерларни баҳолашнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишни ишлаб чиқариш воситаларига, ерга мулкчиликнинг ягона давлат шакли ҳукм сурган, режалаштирилган хўжалик тизимидан бошлади. Иқтисодий ислоҳот йилларида давлат органларининг тузилиши тубдан ўзгарди. Республиkanинг иқтисодиётида ҳам жуда муҳим ўзгаришлар юз берди. Ислоҳотларнинг кейинги даврларида ҳам иқтисодиётда хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши натижасида, ҳам тадбиркорлик ташаббуси учун имкониятлар яратилиши ҳисобига мулкчиликнинг қатор нодавлат хусусий шакллари қарор топди. Тармоқ бозорларини монополиядан чиқариш изчиллик билан амалга оширилди ва рақобатчилик муносабатлари ривожланиши учун зарурий шароит яратилди. Энг муҳими – ислоҳотлар жараёнлари ривожланиб боргани сари тобора оммалашди, уларга мамлакатдаги барча аҳоли жалб қилинди. Кишилар, бериб қўйилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз корхоналарини ташкил этдилар, яхши натижаларга эришиш мақсадларида меҳнатни ўzlари ташкил этдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда шу билан чабарчас боғлиқ бўлган тадбиркорлик доирасида, айниқса ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва умуман ер ислоҳотини амалга ошириш алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Ер ислоҳоти – бу бозор иқтисодиёти ҳарактерига мос келувчи янги ер муносабатларига ўтишни мажмуали тарзда амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий, техник ва ташкилий тадбирлар йиғиндисидир. Ер ислоҳоти – бу бир вақтнинг ўзида ўтказиладиган тадбир бўлмасдан, балки у узоқ муддатга мўжалланган бўлиб, аҳолининг деярли барча гурухлари

манфаатларини қамраб олади. Шундай экан, давлатимизнинг тарихий тажрибасини, ижтимоий қийматларини, демографик жараёнлар тарзини ҳисобга олган ҳолда ер ислоҳотларини амалга оширишнинг мавжуд шароитларини ҳаққоний равишда баҳолаш лозим. Қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ер ислоҳотларининг пировард натижаси – бу мавжуд майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш асосида саноатни хом-ашё ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан юқори даражада таъминлашдан иборатdir.

Эътироф этиш жоизки, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг энг муҳим хусусиятлари қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганилганига боғлиқdir. Бу қоида, энг аввало, қишлоқ хўжалиги ер майдонларига тааллуқли бўлиб, ундан тўғри фойдаланиш илмий асосланган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишига изчиллик билан ёндошиш ва ердан фойдаланиш амалиётида тўпланган тажрибаларга риоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик ерларининг хусусиятларини ўрганиш асосида ташкил этилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитда ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Буни ҳал қилиш, энг аввало, мавжуд ер майдонларини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, улардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва шу асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолатига баҳо бериш ҳамда истиқболдаги самарали йўлларини белгилашдан иборат. Бунда айниқса ер баҳолаш ишларининг натижаларидан фойдаланиш катта амалий аҳамият касб қиласи.

Ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш натижаларидан фойдаланиш бўйича ўтган асрнинг 80 йилларида қатор услубиятлар яратилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ва ердан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш баҳоларини табақалаштириш, хўжаликларо ва ички ер тузишни асослаш каби масалаларни ер баҳолаш материаллари асосида илмий ҳал қилиш бўйича И.В.Дегтярев , Т.П.Магазинников, С.А.Ткачук , В.А.Руди, А.А.Абдуганиев , Р.А.Сафагариев, А.Р.Бобоҷоновлар ўзлари тадқиқот олиб борган мінтақалар бўйича қатор услубиятлар ишлаб чиққанлар. Аммо ерга давлат томонидан якка ҳокимликнинг мавжудлиги, ҳосилдорликни режалаштиришда, маҳсулотларни сотиш баҳоларини белгилашда асосий кўрсаткичларни юқоридан директива шаклида туширилиши , қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларини объектив бўлмаганлиги натижасида юқоридаги услубиятлардан ушбу даврда амалда тўла фойдаланилмаган.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, кўп укладли хўжалик юритиши шаклларини вужудга келиши, ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига давлатнинг якка ҳокимлигини тутатилиши, иқтисодиётда рақобатни вужудга келаётганлиги энг биринчи галда юқоридаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини мумкин қадар ошириш, имкони борича камрок харажатлар сарфлаган ҳолда кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланган баҳоларда сотиш имкониятларини ва шароитларини яратди. Шу

нуқтаи назардан ҳам айнан бозор иқтисодиёти шароитида ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш ислоҳотлар жараёнинин тезлаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, кейинги йиллари ердан фойдаланишда, бозор муносабатларини шакллантириш бўйича қатор масалаларни ҳал қилишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланилмоқда. Жумладан, ер солиги ставкаларини ва ижара ҳақи миқдорларини белгилаш, аукционлар орқали ер участкаларини реализация қилишда бошланғич баҳони белгилаш, ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун қишлоқ хўжалигида ер ажратишида қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган иқтисодий зарар миқдорини асослашда, қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкатларга айлантиришда, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини режалаштиришда ва бошқа масалаларни ижобий ҳал қилишда ер баҳолаш маълумотлари муҳим бўлмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарадорлигини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса сугориладиган минтақада, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, ер ва сув ресурсларидан, асосий ва айланма ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат ресурсларидан ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг жойлашган ўрни, табиий- иклим шароитларидан самарали фойдаланиш, мазкур ресурслар сарфини камайтириш ҳисобига кўпроқ ва сифатлироқ қошлиқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида алмаштириб бўлмайдиган ўзига хос асосий восита ва меҳнат предмети ҳисобланадиган ер ресурслари ва унинг энг фаол ҳамда юксак самарадорликни таъминловчи қисми бўлган

сугориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўплаб омиллар таъсирида юз беради. Булар ичида мулкий муносабатларни шакллантириш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бозор талаблари даражасида олиб бориш, сугориладаиган ер майдонларини кўпайтириб бориш, ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш билан бир қаторда ер баҳолаш маълумотларидан илмий-асосланган ҳолда фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жамиятни ривожланиши унумдорлиги юқори бўлган майдонлар билан бир қаторда унумдорлиги нисбатан паст бўлган ерлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиш заруриятини туғдиради. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини ер майдонларининг унумдорлигига қараб табақалаштириш заруриятини туғдиради. Ҳақиқатдан ҳам 80 баллга teng бўлган ер майдонларида етиштирилган бир бирлик маҳсулотга сарфлаган харажатлар билан 40 баллга teng бўлган ерда етиштирилган шундай миқдордаги маҳсулотга сарфланган харажатлар миқдори билан бир хил эмас, албатта. Агарда бундай ҳолда маҳсулотларни сотиш баҳолари бир хил бўлса, унумдорлиги паст бўлган ерда фаолият кўрсатаётган хўжаликлар манфаатларига маълум даражада зарар етказиши мумкин. Бу эса охир-оқибатда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. “Ислоҳотлардан мақсад- кишиларнинг меҳнатга муносабатларини ўзгартириш, ҳақиқий мулқдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканлигини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳак

олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билиб қўйинглар қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришларга эришиб бўлмайди” – деган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов [ 8 ]. Шундай экан, унумдорлиги паст ерларда маҳсулот етиштираётган дехқонларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилаш, уларни рағбатлантириш учун ер баҳолаш маълумотлари асосида маҳсулотларни сотиш баҳоларини табақалаштириш зарурдир. Тўғри, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш баҳоларини табақалаштириш бўйича амалий тавсияномалар ишлаб чиқилган, баъзи вилоятларнинг табиий ҳамда иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалда вилоятлар бўйича табақалаштирилган. Аммо бизнинг фикримизча бу етарли эмас, негаки битта вилоят ва ҳатто битта туман ҳудудида бундай шароитлар турлича бўлиши мумкин.Шунинг учун ҳам ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда маҳсулотларнинг сотиш баҳоларини табақалаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиши ҳамда амалда ундан фойдаланиш сўзсиз сугориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, тупроқлар унумдорлигини кўпайтириш учун манфаат вужудга келтиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва шу асосида ишлатилмаётган ички имкониятларни қидириб топиш ҳамда истиқболга ушбу имкониятлардан фойдаланиш йўлларини белгилашда ҳам ер баҳолаш маълумотларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай услубият ҳам мавжуд [32 ]. Аммо олдинги даврларда бу имкониятлардан амалиётда деярли фойдаланилмаган.Хўжалик юритишнинг турли-туман шакллари фаолият кўрсатаётган бугунги бозор шароитида хўжалик юритишнинг қай шакли қайси ҳудудларда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан самаралироқ фойдаланилаётганлигини

объектив равища аниқлаш учун ҳам айнан шундай услубиятдан фойдаланиш тўғри бўлади. Тўғри, қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш наинки фақат ер баҳолаш маълумотларига, балки, суғориш суви билан таъминланганлик, солинадиган органик ва минерал ўғитлар миқдори, моддий ва меҳнат харажатларнинг ва бошқа амалларнинг миқдорига ҳам боғлиқдир. Бундай асосий ишлаб чиқариш омилларини ердан фойдаланиш даражасига боғлиқлигини аниқлаш учун математик-статистик усулдан фойдаланиш тавсия қилинади. Илғор ахборот технологияларининг ривожланиб бораётган бугунги кунида бу мураккаб масала эмас.

Ер баҳолаш маълумотларидан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштиришда ҳам фойдаланиш бугунги бозор шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади. Экинлар ҳосилдорликларини режалаштириш бўйича ҳам услубиятлар мавжуд [ 32]. Ушбу услубиятлардан фойдаланган ҳолда бугунги фермер кунда фермер хўжаликлари етиширадиган асосий экинлар ҳосилдорликлари режалаштирилади ва бу режалар бажарилиши нарорат қилинади. Аммо қайд қилиш зарурки, бу услубиятни ҳам маълум даражада такомиллаштириш зарур, негаки ушбу услубият бўйича экинлар ҳосилдорлиги шу жойдаги мавжуд тупроқларнинг табиий унумдорлиги, яъни тупроқларнинг табиий имконияти бўйича ҳосилдорлик миқдори белгиланади. Аммо тупроқшунослик назариясидан маълумки, ерга ишлов бериш илғор агротехник тадбирларни амалга ошириш, суғориш суви билан ўз вақтида таъминлаш натижасида тупроқлар унумдорлиги ошади, бундай унумдорликни кўтарилиша баъзи ҳолларда икки баробарга ҳам етиши мумкин. Шунинг учун ҳам ер баҳолаш маълумотлари асосида экинлар ҳосилдорлигини режалаштиришда тупроқнинг табиий

унумдорлик имкониятларига қўшимча радиша махсус коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, дехқончилик маданиятини ошириш, ер майдонларининг ҳолатини яхшилаш ва умуман, суғориладиган ерларнинг самарадорлигини оширишда алмашлаб экишни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Алмашлаб экишни жорий этиш натижасида чорвачиликни ем-хашак базаси яхшиланади, тупроқлар унумдорлиги тикланади. Аммо кейинги йиллар қишлоқ хўжалигига юз берган туб ўзгаришлар, хўжалик юритиш шаклларинин жадал ўзгариши натижасида алмашлаб экишни жорий этиш даражаси анча пасайди. Натижада Республикаизнинг суғориладиган минтақаларидағи ем-хашак экинларининг майдони камайди. Агарда 1985 йили ем-хашак экинларининг майдони ялпи экин майдонларининг 22,0-23,0 % ини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич бор-йўғи 11,0%ни, 2016 йилда эса 4-6 ни ташкил этди [ ]. Бу ем-хашак экинларининг таркибида ҳам айниқса беданинг миқдори камайиб кетган. Агарда 1985 йилда умумий ем-хашак экинлари таркибида беда 65,0-66,0 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилга келиб 46,0-48,0% га, 2016 йилга келиб 20-21 % га тушиб қолган [ 36]. Аммо шунга қарамасдан республика бўйича йирик шохли қорамолларнинг бош сони деярли 2 баробарга ошган ва улар қўлида умумий қорамоллар сонининг деярли 80,0 фоизи тўпланган [36 ]. Булардан кўринадики, республикада чорвачиликни ривожлантириш, мавжуд чорва молларини тўйимли ем-хашак билан таъминлаш учун ҳам алмашлаб экишни жорий этиш зарур. Бунда ҳам ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Юқорилардагидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида асосан қуидаги масалаларни түғри ҳал қилишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- ер солиғи ставкалари, ижара ҳақи микдорларини белгилаш;
- хўжалик юритиш фаолиятига баҳо бериш ва ердан фойдаланиш даражасини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштиришни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш баҳоларини илмий асосланган ҳолда табақалаштириш;
- алмашлаб экиш схемаларини танлаш ва жорий этишн такомиллаштириш;
- хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш ишларини асослаш;
- ерларнинг унумдорлигини оширган субъектларни рафбатлантириш ва айниқса, тупроқ унумдорлигини пасайтирган субъектларга жарима солиш ва бошқалар.

Тўғри, ер баҳолаш маълумотлари бозор иқтисодиёти шароитида ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтириладиган муҳим омиллардан биридир. Аммо шуни қайд қилиш жоизки, ушбу ерларни баҳолаш маълумотлари, ўз навбатида, тўғри бўлиши, жойда тарқалган тупроқларнинг ҳақиқий сифат ҳолатини, ер майдонларининг ҳақиқий имкониятларини ёритиши зарур. Бунинг учун ерларни сифат ҳолатини баҳолаш мавжуд ишларга алоҳида тўхталиш жоиз бўлади.

Аҳоли сонининг тез равишда кўпайиши, суғориладиган ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун, кўп ҳолларда, асоссиз ажратиш ва ер майдонларидан хўжасизларча фойдаланиш натижасида ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқиб кетиши кузатилмоқда. Бу эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерлар майдонини камайишига олиб келмоқда. Олинган расмий маълумотларга қараганда, агарда ўтган асрнинг 60 йилларида бир одамга ўртacha 0,17 га суғориладиган экин ери тўғри келган бўлса, бу рақам 1990 йилда 0,14 гани, 2000 йилга келиб 0,12 гани ва 2016 йилга келиб 0,10 гани ташкил этган [ 11 ]. Натижада бу республика иқтисодиётiga салбий таъсир кўрсатиб аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни қийинлаштиради.

Суғориладиган ерларни баҳолаш бўйича юқорида қайд қилинган таклиф ва тавсияларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, уларда ерни баҳолашда иқтисодий ёндошув устунлик қилган, бу ерда қишлоқ хўжалик экинларини ўсиши ва ҳосил беришига муҳим замин бўладиган тупроқ унумдорлиги тўлалигича ва ҳар томонлама ҳисобга олинмаган. Ернинг қиймати ижтимоий эҳтиёж ва маданий ўсимликларни ҳосил беришини табиий хусусиятлари билан, яъни тупроқнинг унумдорлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ерларнинг иқтисодий жиҳатдан қийматини аниқлаш бўйича шундай услубият ишлаб чиқиш зарурки, ундан фойдаланган ҳолда аниқланган ер қиймати бугунги кунда қишлоқ хўжалик ерларидан турли мақсадларда фойдаланишда юз берадиган камчиликларга барҳам беришга имкон яратсин.

## **1.2. Ерлар сифатини баҳолашнинг илмий ва амалий масалалари**

Юқорида таъкидланганидек, республика ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари

хосилдорлагини илмий асосланган ҳолда режалаштириш ҳамда бошқа масалаларни ҳал қилиш, биринчи, навбатда, ер майдонларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг сифатини тўғри баҳолашни тақозо қиласди.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларига қараб ерларни сифат жиҳатидан аниқ баҳолаш усулларидан бири – унинг табиий унумдорлигини баҳолаш(бонитировка қилиш), яъни ерни энг муҳим агроэкологик хусусиятларига қўра баллар асосида солиштирма баҳолашдан иборатdir.

Тупроқ бонитировкаси деб, деҳқончилик самарадорлиги ва агротехникасининг тенглаштирилган даражасидаги тупроқ унумдорлиги бўйича унинг таққосланган баҳосига айтилади [ 20 ]. У тупроқларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектив табиий белгилари ва хусусиятлари асосида аниқланади.

Ернинг қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти – бу унинг унумдорлигидир. Одатда, ер майдонини унда экилган ўсимликларни зарур бўлган озуқа моддалари ва намлик билан ўз вақтида таъминлай олиш қобилиятига тупроқнинг унумдорлиги дейилади[ 20 ]. Инсон тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерга турлича таъсир ўтказади: ерни ҳайдайди, юмшатади, суғоради, тупроққа органик ва минерал ўғитлар солади ва бошқа агротехник тадбирлар ўтказади. Булар натижасида у тупроқдаги озуқа моддалар микдорини оширади ва уларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилишига имкон яратади. Тўғри, тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятини берадиган бошқа қатор тадбирлар ҳам мавжуд. Лекин қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган ер

сифатининг барча ижобий ўзгаришлари қўшимча меҳнат ва моддий маблағлар сарфи билан боғлиқdir.

Иқтисодиёт фанида одатда қуйидаги тупроқ унумдорликлари ажратилади: табиий, сунъий, потенциал ёки ҳақиқий ҳамда иқтисодий. Тупроқнинг табиий унумдорлиги табиатнинг ўзи орқали ҳосил бўлади. У узоқ давом этадиган тупроқ пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнида иқлим, ўсимликлар, жойнинг реьефи, она жинсларининг таъсири остида пайдо бўлади ҳамда ривожланади. У одатда тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари билан тавсифланади. Аммо табиий унумдорликка асосланиб ернинг ҳақиқий сифатига баҳо бериб бўлмайди. Тупроқда ҳақиқатда жуда кўп миқдорда озуқа моддалар бўлиши мумкин, аммо турли объектив ёки субъектив сабабларга кўра(намлик, ёруғлик ва бошқалар) улар ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган ёки кам ўзлаштирадиган шаклларда бўлиши мумкин. Сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлган ер участаларида тупроққа инсон меҳнатининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсон фаолияти учун меҳнат предмети ҳисобланади. Тупроқдаги мавжуд озуқа моддаларини ўсимликлар ўзлаштиришига зарур шароит яратишда айниқса сунъий суғориш тадбирларининг аҳамияти каттадир. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлигини оширишда, экинлар ҳосилдорлигини кескин оширишда ерларни суғориш катта имкониятлар манбаидир. Шунинг учун ҳам профессор О.Рюле(Германия) суғоришни “асримизнинг буюк имконияти”, деб бежиз айтмаган[ 9 ,48б]. Сунъий суғориш наинки, юқори ҳосил олишни таъминлайди, балки шу билан бир қаторда унумдорлиги паст, фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тортишга ва шу асосида майдонларни қимматли қишлоқ хўжалик ерлари сирасига

киритишига ҳам имкон беради. Масалан, К.П. Лапкиннинг маълумотларига кўра [ 14 ,956], пахтақилик минтақасида жойлашган бир гектар сугориладиган ҳайдалма майдон 100 га чўл яйловида, ёки 7,5 га лалми экин ерида етишириладиган маўсулотларга тенг миқдордаги маҳсулотни беради. Бундан яна бир катор сугориш сувини тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятини кўришимиз мумкин бўлади. Ҳақиқатдан ҳам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасидаги чегара кўп жиҳатдан шартли, абстракт ҳисобланади. Чунки унумдорликлар соф ҳолда алоҳида намоён бўлмайди. Турли табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги маҳсус қишлоқ хўжалик экинлари ўзларининг бутун ўсиш варивожланиш даврида фақатгина табиат инъом этган озуқа моддаларини ўзлаштирибина қолмасдан, балки улар ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига кетадиган кўшимча сарф-харажатларни тупроқни юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига қоплайди. Масалан дехқончилик маданиятининг ошиши, алмашлаб экиш тизимининг оқилона қўлланилиши натижасида тупроқлар наинки ўзларининг унумдорлигини пасайтиради, балки аксинча тупроқнинг структурасини яхшилади, ундаги чиринди миқдорини, ундаги органик элементлар миқдорини оширади[ 20 ]. Натижада ушбу омилларни оқилона қўлланилиши тупроқ унумдорлигини пасайтиrmайди, аксинча, унинг унумдорлигини оширади. Шундай қилиб, ердан фойдаланиш оқилона ташкил этилганда у ишлаб чиқаришдан чиқиб кетмайди, аксинча, экинлар тупроқни бойитади ҳамда шу орқали табиий унумдорлик яртилади.

Табиий-иклимий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тупроқни қишлоқ хўжалик экинларин озуқа моддаларига бўлган талабини қондириш қобилияти унинг потенциал ёки ҳақиқий унумдорлигидир[ 27 ]. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг асосий вазифаси шу жараённи

тўғри бошқариш, тупроқни ишдан чиқишига йўл қўймаслик, ундаги мавжуд озуқа моддаларини ўсимликлар томонидан эркин ўзлаштирилишига имконият яратишдан иборатдир.

Ер майдонларининг чегараланганлиги, тупроқнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг доимо ошиб бориши сифат жиҳатидан афзал бўлган ерлар билан бир қаторда сифат жиҳатидан афзал бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб қиласди. Бу эса ўз навбатида капитал маблағлар ошириш ва шу билан маълум бир потенциал унумдорликка эга бўлиш эвазига эришилади. Шу асосида тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги вужудга келади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гавдаланади ҳамда у дехқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифтида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдорига, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқаларга боғлиқдир. Албатта, юқорида санаб ўтилган унумдорликлар даражаларини аниқлаш мақсадида ерларни баҳолаш, яъни тупроқ бонитировкасини ерларни иқтисодий баҳолаш каби мураккаб, аммо бозор иқтисодиёти қарор топаётган бугунги кун учун ўша зарур бўлган ишларни ўтказиш зарурияти туғилади.

Бонитировка килишининг асосий мақсади тупроқларнинг табиий унумдорлиги бўйича нисбий ҳамда барқарор хусусиятларига бир тупроқ хилининг иккинчисидан яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборатдир. Бонитировкалашнинг обьекти бўлиб жойда аниқланган, қатъий таксономик бирликларда ифодаланган тупроқ хиллари хизмат қиласди.

Тупроқ хилларини баҳолаш мінтақавий ҳарактерга әга бўлиши, яъни маълум бир мітакаларга, қишлоқ хўжалик экинларига боғланиши зарур. Шунинг учун ҳам илмий асосланган табиий-қишлоқ хўжалик районлаштиришни ўтказиш услугиятини ишлаб чиқиш, маъмурий чегаралардан қатъий қўлланиш мақсадида йирик мінтақалар учун ўзларининг тупроқ бонитировкасини ўтказиш услугиятини ишлаб чиқиш зарур.

Тупроқ бонитировкаси асосан уларнинг табиий унумдорлигининг сифат жиҳатидан баҳолашга асосланади. Табиий тупроқ пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли алаоҳида ер участкаларида турли-туман тупроқ хиллари шаклланган. Бу тупроқлар турли миқдорлардаги ўсимликлар учун зарур бўлган озуқа элементларига әга, турли физик ва агробиологик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Натижада бу ер участкалари турли унумдорликларга әга бўлади.

Ерларни сифатини аниқлашни дунёда биринчи бўлиб ишлаб чиқсан ва унинг илмий тамойилларини қўллаган В.В.Докучаев тупроқнинг барқорор, қисқа вақт ичиде инсон таъсирида ўзгармайдиган табиий хусусиятларини асос қилиб олган ҳолда уларни сифат жиҳатидан баҳолаш ишини ўтказиш зарурлигин қўрсатиб ўтган. У ёзган эдики, “ энг биринчи галда тупроқни табиий тана сифатида, инсоннинг муносабати ва вақт шароитидан қатъий назар баҳолаш зарур; яъни тупроқ таркибини тадқиқ қилиш, унинг физик хусусиятлари ва тупроқ ости қатламини билиш ва шу асосида фактгина битта шунинг асосида тупроқларнинг таққосланган баҳосини аниқлаш мумкин”[32].

Тупроқ бонитировкасини уларнинг табиий хусусиятлари бўйича ўтказиш зарурияти тўғрисидаги В.В.Докучаевнинг назарий қоидалари унинг издошлари томонидан ривожлантирилди. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг суғориладиган миңтақалари тупроқларини сифат жиҳатидан баҳолаш бўйича ҳам юқоридаги тамойиллар асосида қатор услубиятлар яратилди. Тупроқшунослик институти ва “Ўздаверлойиҳа” институтининг биргаликдаги тадқиқотлари натижасида 1966 йили “Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларидаги суғориладиган тупроқларнинг бонитировкасини ўтказиш бўйича муваққат услубий кўрсатмалар” тузилди. Бу услубият асосида А.С.Генусов, В.В.Горбунов, И.В.Кимберг, Г.Н.Конобоева, М.И.Кочубей, С.П.Сучковлар томонидан ишлаб чиқилган, суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш тамойиллари ётади. Янги ер майдонларининг ўзлаштирилаши ва суғорилаши, бу майдонларда тарқалган тупроқларда қисман гипс қатламларининг мавжуд бўлганлиги ҳамда уларни ҳисобга олиш зарурияти туғилганлиги сабабли 1989 йили бу услубият такомиллаштирилди.

Тупроқларнинг сифат жиҳатидан баҳолашнинг ушбу услубияти улар унумдорлигини аниқлайдиган тупроқнинг хусусиятлари ва диагностик белгиларини ҳисобга олган. Бундай хусусият ва белгиларга асосан қуидагилар киритилган: тупроқнинг генетик мансуълиги, суғориш даври, маданийлашганлик даражаси, механик таркиби, тупроқ пайдо бўлувчи қатламларининг генезиси, тупроқ ости қатламишининг дренланганлиги, шўрланиши ва эрозияга учраш даражаси ( 1-8 иловалар).

Суғориладиган тупроқларни бонитировка қилиш асосий қишлоқ хўжалик экини ҳисобланган пахтанинг талабларига биноан ишлаб чиқилган. Бунда асосан 100 баллик ёпиқ шкала қабул қилиниб, энг унумдор тупроқлар юқори балларда баҳоланган. Бу шкалани тузишда қишлоқ хўжалик

корхоналари ерларида ўтказилган агротупроқ, агрокимёвий ва агрохўжалик кузатувлари материаларидан, илғор хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш, турли тажриба станцияларидағи ўғитлардан қўлланиш бўйича дала тажрибаларининг натижаларидан ҳамда суғориладиган дехқончилик районларининг агроиклим шароитларидан фойдаланилган.

Бонитировканинг асосий шкаласида тупроқнинг сифат жиҳатидан баҳоси уни генетик мансублиги, суғориш даври ва маданийлашганлик даражасига нисбатан бонитировка балларида акс эттирилган. Ушбу базавий шкаладаги кўрсаткичларга қўшимча тариқасида тупроқ шўрларини баҳолаш учун уларнинг механик таркиби, тупроқ ости қатламининг дренланганлиги, шўрланиш, эрозияга учраганлик даражаси, термик ресурслар билан таъмилангандиги, гипс қатламининг қалинлиги ва бошқалар бўйича тузатма коэффициентларидан фойдаланилган.

Юқоридаги услугият асосида то 2000 йилга қадар Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида тарқалган тупроқларни сифат жиҳатидан баҳолаш амалга оширилиб келинган, бу маълумотлар халқ хўжалигининг ва умуман ерлардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда қисман бўлсада фойдаланилган. Аммо шу билан бир қаторда, олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида кейинги йиллари, яъни, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти ва “Ўздаверлойиха” илмий лойихалаш институти томонидан суғориладиган тупроқларни сифат жиҳатидан баҳолашнинг анча такомиллашган, мавжуд тупроқларнинг асосий хусусиятларини ҳисобга олинишини таъминлайдиган услугият яратилди.

Шуни қайд қилиш зарурки, сугориладиган жадаллашган дәхқончилик шароитида тупроқлардаги барча жараёнлар ҳаракатта келади, тупроқнинг кўп хоссалари қисқа вақт ичидаги ўзгарувчан, доимий бўлмайди. Шу сабабли тупроқларни баҳолаш мезонлари тупроқларни кам ўзгарувчан, уларни генетик гурухлари, типлари, анимланиш қаторлари ва механик таркибига кўра баҳоланишини тақозо этади [27]. Г.Г.Решетов, В.Р.Шредер(1977), Р.К.Кўзиев(2000) ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда арид минтақа тупроқларининг бонитировка қилишда тупроқларни ишлаб чиқариш хусусиятларига катта таъсир этувчи уларнинг механик таркиби эканлиги қайд қилинади[25]. Буни В.Н.Лининг олиб борган тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди[26].

Юқоридаги тадқиқот антижаларидан келиб чиққан ҳолда янги услубият бўйича баҳолаш мезонини таналашда имкони борича кам ўзгарувчан шу билан бирга қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги билан узвий боғлиқ бўладиган тупроқларнинг хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Суғориладиган дәхқончилик шароитида тупроқнинг механик таркиби ана шундай хусусиятни ўзида жамлаган. Буни Митмиерлик, Рассел, Вильямс, Качинский тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди [22]. Шуларни ҳисобга олган ҳолда янги услубият бўйича тупроқларни сифат жиҳатидан баҳолашнинг базавий шкаласи 100 баллик ёпиш шкала тарзида тупроқларнинг генетик гурухлари ва механик таркибиغا қараб тузилган. Маълум бир худудда тарқалган тупроқ турларини сифат жиҳатидан баҳосини аниқлаш ушбу базавий шкаладан олинган баллни тупроқларнинг бошқа қатор хусусиятлари бўйича қабул қилинган тузатма коэффициентларига кўпайтириш йўли билан амалга оширилади( 1-8 иловалар)

$$B_i = B_6 * K_1 * K_2 * \dots * K_n, \quad (1)$$

Кейинги йилларда олиб борилган тупроқшунослик тадқиқотларидан кўринадики [22, 27 ], тупроқнинг энг мураккаб агрофизик хусусиятларидан бири тупроқ қатлами ning зичлигидир. Тупроқнинг зичлиги қанчалик юқори бўлса, унинг структураси шунчалик камаяди, сув ўтказувчанлиги пасаяди, фойдали микроорганизмларнинг фаолияти учун шароит ёмонлашади ва натижада унинг унумдорлиги пасаяди.

Ўзбекистонда тарқалган суғориладиган чўл ва чала чўл минтақасининг тупроқ ҳосил қилиш жараёнларида ва унумдорлигига гумуснинг роли жуда каттадир[14 ]. Гумус катта сингдириш қобилиятига эга ва унда сингдириш сифими юқори, ўсимлик учун катта микдорда озуқа моддалар ва намликини ўзида жамдлайди ва сақлайди. Шундай экан, тупроқнинг гумус заҳираси қанчалик катта бўлса у шунчалик унумдор ва аксинча, гумус заҳираси кам бўлса унумдорлиги паст бўлади.

Республикада тарқалган гидроморф, яъни ер ости сувлари саёз жойлашган тупроқларда глейли қатламлар мавжуд. Бу қатламлар структурасиз, берг, оғир механик таркиблидир. Бу қатламнинг мавжудлиги тупроқнинг сув-физик хоссаларини ёмонлаштиради.

Юқоридагилар билан бир қаторда, суғориладиган тупроқлар унумдорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан шўрланиш, эрозияга учраганлик, тупроқнинг тошлоклиги, гипс қатлами ning чуқурлмги ва микдори ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Буларнинг барчаси бўйича ерларнинг сифат баҳосини аниқлашда маълум бир тузатма коэффициентлардан фойдаланилади.

Шуни қайд қилиш зарурки, ерлар сифатини баҳолаш бўйича яратилган кейинги услубият бизнинг фикримизча, олдинги услубиятга нисбатан

ўзининг амалий жиҳатдан бугунги кун шароитига мос келиши билан ажралиб туради. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланишга тортилган сұғориладиган тупроқларни сифат жиҳатидан баҳолашда айнан янги услубиятда ҳисобга олинган тупроқларнинг барча хусусиятлари муҳим ўрин тутади. Сұғориладиган тупроқлар бонитировкаси ишларининг натижалари фермер хўжаликари ер майдонларини иқтисодий қийматини аниқлаш учун бирламчи асос бўлиб хизмат килади.

### **1.3. Сұғориладиган ерларни иқтисодий баҳолашнинг мавжуд услубиятлари**

Қайд қилиш зарурки, ўтган асрнинг 70 йилларида собиқ иттифоқ бўйича “Ерларни иқтисодий баҳолашнинг муваққат умумиттифоқ услубияти” [ 18] яратилган ҳамда ушбу услубият асосида шу даврда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш ишлари олиб борилган.

Услубиятга мувофиқ, қўйилган мақсад ва талабларга биноан ерларни иқтисодий баҳолаш умумий ва хусусийга ажратилган. Хусусий баҳолаш – турли тупроқ шароитларида аниқ бир экин турини етиштиришнинг самарадорлигини аниқлашга, умумий баҳолаш эса дехқончиликнинг жадаллашганлигини мавжуд ҳолатида қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлашга мўлжалланган.

Ерларни иқтисодий баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида, умумий баҳолашда – ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм/га), харажатларни қоплаш, табақаланган даромад, яъни сифати ва жойлашган ўрни бўйича мақбул ерлардаги соғ даромаднинг қўшимча қисми(минг сўм/га), хусусий

баҳолашда – ҳосилдорлик (ц/га), харажатларни қоплаш, табақаланган даромад (минг сўм/га) қабул қилинган.

Умумий баҳолашдаги ялпи маҳсулот қиймати қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади [ 18 ]:

$$ЯП = \frac{Y_1*C_1*P_1 + Y_2*C_2*P_2 + \dots + Y_{\Pi}*C_{\Pi}*P_{\Pi}}{P_1 + P_2 + \dots + P_{\Pi}} = \sum_{i=1}^n \frac{Y_i*C_i*P_i}{P_i}; \quad (2)$$

бу ерда:

$Y_1, Y_2, \dots, Y_{\Pi}$  – экинлар ҳосилдорликлари, ц/га;

$C_1, C_2, \dots, C_{\Pi}$  – экинларнинг кадастр баҳоси, яъни ишлаб чиқаришнинг паст даражасида ижтимоий зарур харажатларга асосланган баҳо;

$P_1, P_2, \dots, P_{\Pi}$  – экин майдонлари, га

Харажатларни қоплаш(ХК) кўрсаткичи қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланган [1]:

$$ХК = \frac{ЯМ}{X}; \quad (3)$$

Бу ерда: X – сарфланган умумий харажатлар миқдори, минг сўм/га

Табақаланган даромад (ТД) кўрсаткичи қуйидаги тенглик орқали аниқланади [18]:

$$ТД = СД - СД_{н} \quad (4)$$

бу ерда: СД- соф даромад, минг сўм/га

СД<sub>н</sub>- норматив соф даромад, минг сўм/га

Норматив соф даромад( $СД_{н}$ ) эса қуйидагича аниқланади [18]:

$$СД_Н = 0,15 * (\Phi_{ac} + \Phi_{айл}), \quad (5)$$

бу ерда:

$\Phi_{ac}$ - асосий фондларнинг қиймати, минг сўм/га (1га ҳайдалма ер ёки

1га экин майдони);

$\Phi_{айл}$ - айланма фондларнинг қиймати(1га экин майдони ёки 1га ҳайдалма ерга)

Айланма фонднинг қиймати асосан қуидагича аниқланган [1]:

$$\Phi_{айл} = X - A, \quad (6)$$

Бу ерда: А- асосий фондлар амортизацияси(умумий баҳолашда дехқончилик бўйича; хусусий баҳолашда- аниқ экинлар бўйича).

Баҳолаш кўрсаткичлари абсолют қийматларда (натурал ёки қиймат) ва нисбий қийматларда(балларда) ёритилган. Улар асосан ишлаб чиқаришнинг ўртача жадаллашган келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган. Шу сабабли ҳам ер баҳолаш кўрсаткичлари вакт ўтиши билан эскирган ва натижада уларни ҳар 5 йилда бир марта янгилашиб туриш талаб қилинган.

Қишлоқ хўжалик ерларини ушбу услубият бўйича баҳолашнинг марказий звеноси- бу баҳолаш учун базис кўрсаткичларни аниқлашдир. Улар қанчалик тўғри ва аниқ ҳисобланса, баҳолаш натижалари ҳам шунчалик объектив бўлади. Баҳолаш шкаласини тузиш учун иқтисодий баҳолашнинг объекти бўлиб ер баҳолаш гурухлари хизмат қилган. Ҳар бир гуруҳ учун иқтисодий-статистик маълумотлар бўйича калит қишлоқ хўжаликлар танланган ва ушбу кўрсаткичларнинг нисбатан бошқа хўжаликларнинг ер майдонлари баҳоланган.

Республикада кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилишига киришилиши, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам ердан фойдаланиш шаклларининг ўзариши, кўп укладли хўжалик юритишга ўтилиши, қишлоқ хўжалиги ерларини иқтисодий баҳолашнинг янги, бозор муносабатларига мос услубиятларини яратишни тақозо қилган. Бундай услубиятлардан бири профессор Қ.А.Чориев томонидан илгари сурилган ғояга асосланган. У асосан қишлоқ хўжалик ерларини ерларини ресурс салоҳиятини баҳолашни таклиф этган. Унинг фикрича: “ Қишлоқ хўжалигининг ресурс салоҳияти – бу ички муқобил таркибдаги миқдор ва сифат жиҳатидан хисобланган, бир бутун ҳолатда баҳоланган табиий, меҳнат ва моддий-техника ресурсларининг энг юксак ишлаб чиқариш қобилиятларининг йифиндисидир”[17]. Ушбу ресурсларнинг бири сифатида у қишлоқ хўжалик ерларини эътироф этгани ҳолда “Ўздаверлойиҳа” институти томонидан бажарилган баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш асосида ерларни иқтисодий жиҳатдан қиймат баҳосини аниқлашни таклиф қиласди. Бунда у харажатларни қоплаш, ялпи маҳсулот қиймати ва табақалашган даромад кўрсаткичларидан фойдаланиб қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий қийматини қўйидаги тенгликлар ёрдамида аниқлашни тавсия қиласди:

а) сугориладиган экин ерлари ва кўп йиллик дарахтзорлар билан банд ерлар учун [2]:

$$\mathbb{K}B_i^c = \left( X\mathbb{K}_i^c \div X\mathbb{K}_p^c \right) * 100 * T\mathbb{D}_p^c , \quad (7)$$

б) лалми ерлар учун [2]:

$$\mathbb{K}B_i^l = \left( X\mathbb{K}_i^l \div X\mathbb{K}_p^l \right) * 100 * T\mathbb{D}_p^l , \quad (8)$$

Бу ерда:

$\mathbb{K}B_i^c, \mathbb{K}B_i^l$  – і хўжалик ёки туман учун мос равища 1га суғориладиган ва лалми ерларнинг қиймат баҳоси, сўм;

$\mathbb{X}K_i^c, \mathbb{X}K_i^l$  –і хўжалик ёки туманда суғориладиган ва лалми ерлардаги харажатларни қопланиши, сўм;

$\mathbb{X}K_p^c, \mathbb{X}K_p^l$  – юқоридаги ерлар учун республика бўйича харажатларни ўртacha қопланиши, сўм;

$T\mathbb{D}_p^c, T\mathbb{D}_p^l$  – 1га суғориладиган ёки лалми ерлар бўйича табақаланган даромаднинг республика кўрсаткичи, сўм.

Эътироф этиш зарурки, ушбу услугият асосида мамлакат қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтишининг бошланғич даврида қишлоқ хўжалик корхоналарининг умумий қийматида ернинг улушкини аниқлашга ҳаракат қилинган ҳамда шу асосида ер акцияларини чиқариш ҳамда уларга дивиденdlар ҳисоблаш тавсия қилинган. Лекин аграр ислоҳотларнинг жадаллашуви, қишлоқ хўжалик кооперативлари(ширкатлар), деҳқон ва фермер хўжаликларини ри ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар ҳаётга тезкор равища тадбиқ қилиниши қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий қийматини баҳолаш бўйича янги услугиятни яратиш зарурятини туғдирди. Бундай услугият 1998 йили ишлаб чиқилган ва амалга киритилган.

Қишлоқ хўжалик ерларининг норматив қийматини аниқлаш бўйича яратилган ушбу услугиятдан фойдаланган ҳолда 1999-2002 йиллар давомида республикада фаолият кўрсатган жамоа ва бошқа хўжаликлар қишлоқ хўжалик кооперативлари(ширкат)ларига айлантирилди, кейинги йиллари фермер хўжаликларини ташкил этиш, улар ер майдонларини

оптималлаштириш, товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчиларга ягона ер солиги ставкаларини белгилаш каби масалалар ҳал қилинди.

Услубиятга биноан, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастрили нормтаив қиймати шу жойда тупроқларнинг ўртача бонитет балли, ноорматив соғ даромад, фойда нормаси, хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси, ер участкасининг жойлашган ўрни ва маҳаллий шароит бўйича киритиладиган тузатма коэффициетлардан фойдаланган ҳолда хисобланади. Жумладан норматив соғ даромад ( $C_{Д_Н}$ ) куйидаги тенглик ёрдамида аниқланади[1]:

$$C_{Д_Н} = \frac{ЯM_Н * P}{100}, \quad (9)$$

бу ерда:

$ЯM_Н$  – ялпи маҳсулотнинг норматив қиймати, минг сўм/га;

$P$  – турлича унумдорликка эга бўлган ерларга тўғри келадиган фойда нормаси, %

Асосий экинлар бўйича ялпи маҳсулотнинг норматив қийматини аниқлаш куйидаги тенглик билан амалга оширилади[4]:

$$ЯM_Н = \frac{\Pi * P_1 + Д * P_2 + К * P_3}{(\Pi + Д + К)}, \quad (10)$$

бу ерда:  $\Pi$ - пахта хом ашёсининг қиймати, минг сўм/га ;

$Д$ -доннинг қиймати, минг сўм/га

$К$ -озуқа экинларининг қиймати, минг сўм/га<sup>4</sup>

$P_1, P_2, P_3$  – экинларнинг фоиз ҳисобидаги солиштирма миқдори.

Фойда нормаси бонитет баллари бўйича маҳсус ишлаб чиқилган миқдорларда қабул қилинади.

Юқоридагилар асосида 1га қишлоқ хўжалик ерларининг базавий норматив қиймати қуидаги тенглик билан аниқланади[4]:

$$K_H = \frac{CD_H * K}{B} * 100 , \quad (11)$$

бу ерда:  $B$ - капитал қўйиладиган банк ссудасининг фоизи(одатда 5% қабул қилинади);

$K$ - хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг жадаллашганлик даражаси бўйича тузатма коэффициентлар(вилоятлар бўйича маҳсус қабул қилинган).

Қишлоқ хўжалик ерларининг ҳақиқий норматив қийматини аниқлашда ер участкасини ахоли пунктларига ва маҳсулотларни сотиш бозорларига нисбатан узок-яқинлиги, шунингдек маҳаллий шарт-шароитлар бўйича қабул қилинган коэффициентларлардан фойдаланилади.

Шуни қайд қилиш зарурки, услугият бўйича асосан норматив кўрсаткичлардан фойдаланилади. Шу сабабли ҳам аниқланган ернинг қиймати норматив қийматни ташкил этади. Ушбу услугиятни такомиллаштириш мақсадида 2014йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 235-сонли қарорига биноан янги “Низом” қабул қилинди ва ушбу йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик ерларини норматив баҳоси ушбу “Низом” га мувофиқ аниқлана бошланди[10]. Аммо фикримизча кўриб чиқилаётган услугиятда хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси бўйича

вилоятлар кесимида қабул қилинган тузатма коэффициентлар паст ва етарли асосланмаган. Хусусан, мавжуд услубиятда бу Қорақалпоғистон Республикаси учун – 0,7; Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Сирдарё вилоятлари учун- 0,8; Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун-1,1; Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари учун -1,2; Сурхондарё вилояти учун-1,3 ни ташкил этади.

Ҳар қандай амалга ошириладиган ерларни яхшилаш фақат ерларнинг қийматини ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам хўжалик юритиш даражасини ҳисобга оловчи коэффициент  $K > 1,0$  талабини қондириши керак. Бундан келиб чиқадики,  $K=1,0$  хўжалик юритишнинг энг паст даражаси учун қўлланилиши ва ушбу даражанинг ошишига қараб мазкур коэффициент тегишлича ошиши мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, агарда ушбу коэффициент Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 1,0 га teng деб қабул қилинса, қолган вилоятлар бўйича ҳам шунга мос қўйидаги янги тузатма коэффициентларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ: Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари учун-1,15; Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун-1,3; Наманган ва Фарғона вилоятлари учун -1,5; Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари учун-1,6; Сурхондарё вилояти учун-1,7.

Албатта хўжалик юритиш даражасини ҳисобга оловчи коэффициент ер ресурслари қиймат баҳосини катта қисмини ташкиллаштиради. Шу сабабли ҳам уни тўғри белгилаш муҳимдир. Бунда ушбу коэффициент баъзи вилоятларнинг алоҳида минтақалари ва асосий белгилари бўйича табақаланиши зарур бўлади. Масалан эскидан суғориладиган минтақа, янгидан суғориладиган минтақа ва ҳакозо.

## **1.4.Фермер хўжалиги – қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулот ишлаб чикарувчи субъекти сифатида.**

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ килиниши ва хўжалик юритишнинг бозор механизмларини шакллантиришни жамлаш ҳаёт ва фаолиятининг турли соҳаларини тўла қамраб олди. Ушбу жараёнларга ҳар қандай иқтисодий тизимда муҳим ўрин тутадиган ер муносабатлари ҳам жалб қлинди. Ер ресурслари, табиат маҳсули сифатида, ҳар қандай моддий ишлаб чиқаришнинг зарурий табиий асоси, агарар соҳада еса, асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок етади. Шу сабабли ҳам, ушбу салоҳиятдан фойдаланиш даражасида юзага келадиган агарар – ер муносабатлари иқтисодий муносабатлар тузишда муҳим ўрин тутади. Агарар – ер муносабатларининг моҳияти қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқиши воситалари ва ерга бўлган мулкчилик шакиллари билан белгиланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг бугунги босқичида ер ислоҳати режали иқтисодиётда юзага келган ер муносабатларини босқичма – босқич ўзгартиришдан иборат бўлмоқда. Айнан худди шундай тарзда агарар ислоҳатлар – яъни олдинги йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи янги типдаги қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш, уларни иқтисодий жихатдан мустаҳкамлашдан иборат бўлмоқда, бундай хўжалик сифатида айнан мустақил равишда хўжалик юритувчи, давлат учун товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс мақомига эга бўлган фермер хўжаликлари катта мувофақият билан фаолият юритмоқдалар. Бунда ҳам, албатта, ердан фойдаланиш, хусусан ер муносабатларини тартибга солиш амалга оширилаётган ислоҳатларнинг муҳим бўғинини ташкил этмоқда.

Ер ислоҳотининг муҳим жиҳатлари ичида ер ресурсларига нисбатан турли – туман шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантириши алоҳида ўрин тутади. Бунда шуни таъкидлаш зарурки, барча ривожланган мамлакатларда ерга мулкчиликнинг турли – туман шакллари карор топган ва ривожланган. Адабиётлар ва бошқа турли илмий манбаларни ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, масалан, Америка Кўшма Штатларида бугунги кунда ерга давлат мулкчилигининг улуши 59.3 фоизни, хусусий мулкчиликнинг улуши 11.5 фоизни ташкил этади. Айнан худди шундай Ўзбекистонда ҳам амалга оширилган ер ислоҳати натижасида ерга бўлган мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди ва ривожланмоқда. Булар ичида, юқорида қайд қилинганидек, ижара асосида ердан фойдаланиб товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштираётган фермер хўжаликлари алоҳида аҳамиятга ега бўлмоқда.

Маълумки. 1998 йилда республикамиизда “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонуни қабул қилиниши аграр ислоҳатларни амалга оширишга туб ўзгаришлар киритди. Бунинг натисида қишлоқда фермер хўжаликлари асосий товар маҳсулотлари етиштирувчи, бозор шароитига тўла жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги сифатида тан олинди ва бундай қишлоқларни ташкил этиш ҳамда уларни ҳар тамонлама ривожлантириши устувор вазифа деб белгиланди. Натижада олдинги давлат ва жамоа хўжаликлари худудларида фермер хўжаликларини ташкил этиш, улар майдонларини оптималлаштириш, уларни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш жараёни кескин кучайб кетди. Баъзи бир маълумотларга мурожат қиласиз. Агарда 1992 йили фермер хўжаликларининг сони республика бўйича 5942 тани ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бундай хўжаликларнинг сони 72406 тани, 2008 йилга келиб 217000 тани, 2016 йилга келиб эса (қайта ташкил

етилганларидан кейин ) 100716 тани ташкил этади. Жумладан, республика бўйича фермер хўжаликларига 1992 йили 45 минг гектар ер майдони ажратилган бўлса, бу рақам 2002 йилда 5462,6 минг гектарни ва ниҳоят 2016 йилда 5994,4 гектарни ташкил этди. Шундан 3541,3 минг гектари экин ерларини, 292,5 гектарини кўп йиллик дaraohтзорлар, 33,6 минг гектарини бўз ерлар ва 1505,6 минг гектарини яйлов ва пичанзорлар ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ килиш бўйича аниқ мақсадларга қаратилган ишлар олиб борилиши натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Фермер хўжаликлари, ўз мақсадларига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришнинг таъминлайдиган етакчи, кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигида ҳақиқий мулкдор – ер эгаси пайдо бўлди.

Сўнгги йилларда фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, фермерлар фаолиятини, самарадорлигини янада ошириш фермерларни, ернинг ҳақиқий эгалари сифатида ҳолис ва ошкора танлаб олиш, шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида хосилдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжаликларининг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида улар ер майдонлари оптималлаштирилди ҳамда кейинги 2-3 йил ичida дехқончилик фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Умуман қисқача қилиб айтганда, бугунги кунда фермер хўжаликлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий хўжалик юритувчи субъекти

сифатида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Бунда албатта, биринчи галда, ер ва бошқа табиий, иқтисодий, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини йилдан-йилга ошириб бориш улар олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

## **2 БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **2.1. Республика ер фонди ва ундан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий - иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чукурлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш тизимида мамлакатни 2017-2021 йилларга ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси муҳим амалий аҳамият касб этади. Ундан кўзланган асосий мақсад - олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, Республигадаги барча соҳаларни модернизация қилиш бўйича энг устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат. Айнан шундай устувор йўналишлар тизимида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш иқтисодиётда ва ижтимоий хаётда ўзининг муҳимлиги билан ажralиб туради. Ушбу қайд қилинган йўналишларни муваффақиятли амалга оширишда мамлакатнинг асосий миллий бойлиги бўлган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишга мўлжалланган тадбирлар тизимини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш, яъни бугунги шароитга мос тарзда уларни

барқарор бошқарувини амалга ошириш яқин истиқболда кутилган натижаларни бериши табиийдир.

“Давергеодезкадастр” давлат құмитасининг расмий маълумотларига қараганда, 2018 йил 1январ ҳолати бүйича республиканинг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил этади. Мамлакат бүйича корхона, муассаса- ташкилотлар, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишдаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан сугориладиган ерлар эса 4311,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,6 фоизни ташкил этади. Республика жами ерларини ер тоифалари бүйича тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги, 1-жадвалда келттирилган.

1-жадвал

#### **Республика ер фондини ер тоифалари бүйича тақсимланиши**

№	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон	
		Жами	Фоиз ҳисобида
1.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	45,13
2.	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	0,49
3.	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	857,1	1,91
4.	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	1,57
5.	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	0,03
6.	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	24,84
7.	Сув фонди ерлари	833,7	1,86
8.	Захира ерлар	10846,8	24,16
	Жами ерлар:	44892,4	100,0

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, мамлакат жами ер майдонларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ташкил этади. Қоидага биноан, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлари учун белгиланган ерлар ҳисобланади. 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда 166708 та бўлиб, уларга бириктирилган ер майдонларининг миқдори 20261,6 минг гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони 15543,7 минг гектарни, шундан 3702,4 минг гектари суғориладиган ерлариган ерларни ташкил этади. Аҳоли пунктларининг ер майдонлари 221,2 минг гектарни ёки жами ерларининг 0,49 фоизини ташкил этади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг умумий миқдори 857,1 минг гектарни(1,91 фоизни), табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга анча аниқликлар киритилгани ҳолда уларнинг майдони бугунги кунда 704,4 минг гектарни, тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар майдони 14,3 минг гектарни, ўрмон фонди ерлари 11153,3 минг гектарни, сув фонди ерлари 833,7 минг гектарни ва захира ерлар майдони 10846,8 минг гектарни ташкил этади.

Республика ер майдонларини ер тоифалари бўйича тақсимланиши тўғрисида юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, асосий ер майдонларини турли мақсадлар учун фойдаланилаётгани ва бунда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг йўналишлари яққол сезилиб туради.

Мамлакат ягона ер фонди юқоридаги ер тоифалари билан асосий ер турлари бўйича тақсимланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ҳам уларни бугунги кундаги фойдаланиш даражасини белгилайди. Бундай маълумотлар қуидаги, 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдаги маълумотлардан қўринадики, қишлоқ хўжалик ер турлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг умумий майдони бугунги кунда 25614,0 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 57,0 фоизини, шундан суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами 3734,2 минг гектарни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда қайд қилиш зарурки, 2018 йилга келиб 2017 йилга нисбатан жами қишлоқ хўжалик ерларнинг майдони 11,2 минг гектарга, суғориладигани 2,0 минг гектарга, асосий ер тури бўлган экин ерлари 8,9 минг гектарга, суғориладигани эса 8,4 минг гектарга камайган. Кўп йиллик дaraohтзорлар майдонини 6,0 минг гектарга, суғориладиган кўп йиллик дaraohтзорлар майдонини 4,7 минг гектарга кўпайганини шу билан изоҳлаш мумкинки, экин ерлари ва суғориладиган экин майдонларини бир қисми, демак кўп йиллик дaraohтзорлар майдонларини кенгайтиришга сарфланган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисида сўз кетганда, биринчи галда суғориладиган экин ерлари тўғрисида тўхталиш жоиз бўлади. Жумладан бундай суғориладиган экин ерларининг майдони 2018 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича 3271,4 минг гектарни ташкил этади. Бу барча қишлоқ хўжалиги ерларининг 12,4 фоизини ташкил этади.

Маълумки, янги ерларни суғориш асосида қишлоқ хўжалиги аборотига киришиш билан бир қаторда бундай ерларни аксинча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан асоссиз тарзда чиқиб кетиши ҳам тез-тез кузатилади. Кўпчилик ҳолларда бу қонуний жараён сифатида эътироф этилган, негаки

бундай сугориладиган ерлар саноат корхоналарини, магистрал йўл тармоқларини ва бошқа инженерлик коммуникацияларини қуриш учун, ички хўжалик қурилишларини бунёд қилишга ва томорқа ердан фойдаланишга, ихота ўрмонзорларига ва бошқаларга ажратилган. Аммо шу билан бир қаторда сугорилиб экин экиладиган ерларни асоссиз равишда бошқа ер турларига ўтказилиши ҳам кузатилган. Хусусан, расмий маълумотлар шуни кўрсатадики, 1990-2010 йиллар давомида республика ҳукуматининг алоҳида қарорлари асосида 240,0 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерлар бошқа ер турларига ўтказилган ва қишлоқ хўжалиги ерлари туркумидан чиқарилган. Бундай ерлар таркибида бир пайтлар сугориб экин экилган ва кейинчалик сугориш ва коллектор зовур тармоқларини қайта қурилиши ҳамда қайта таъмирланиши натижасида ўзларининг сув йўлларини йўқотган ерлар билан бир қаторда нотўғри сугориш ва ердан фойдаланиш натижасида ботқоқлашган, шўрланган, бузилган ерлар ҳам мавжуд бўлган. Шулар билан бир қаторда 12,4 минг гектардан ортиқ эрозияга учраган ерларни ҳам шу гурухга киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида сугориладиган экин ерларининг бир қисми замонавий сугориш технологияларига асосланган интенсив боғ ва узумзорларга ажратилди. Бундай майдонларнинг миқдори биттагина Тошкент вилоятида 2,6 минг гектарни ташкил этади. Натижада бундай экин ерлари кўп йиллик дараҳтзорларга айлантирилди. Кўп йиллик дараҳтзорлар майдонларини бундай кенгайиши, иккинчи томондан, жаҳон бозорларида Республикализ етиштириладиган мева ва узумга бўлган талабларни ошганлиги билан асослаш мумкин.

## **2.2. Фермер хўжаликлари ер майдонларидан фойдаланиш**

Мамлакат аграр соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларни амалётга тадбиқ этилиши, хусусан ер майдонларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу борада мавжуд сугориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, улардаги тупроқлар унумдорлигини саклаш, қайта тиклаш ва ошириш, уларни муҳофаза қилиш ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари бўлиб қолган фермер хўжаликлари ер майдонларининг иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор фермер хўжаликларини шакллантириш, уларни моддий ва молиявий ҳолатини яхшилаш, ер васув ресурсларидан оқилона фойдаланишларини таъминлаш, шунингдек, меҳнатни илғор шакллантиришда ташкил этиш имкони яратилди, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигига изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари - фермер ва дехқон хўжаликларини бошқариш тизимини яратиш ва фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўзгариши ҳисобига ҳалқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган сугориладиган ерларга бўлган эътибор кучаймоқда ҳамда шу билан моддий манфаатдорликка эришилмоқда.

## Мамлакат ер фонди таркибини асосий ер турлари бўйича тақсимланиши

№	Йиллар	Жами ерлар		Кишлоқ хўжалик ер турлар		Экинерлар		Кўп йиллик дараҳтзорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Томорқа ерлари		Ўрмонзорлар		Боғдорчилик ва сабзавотчи-лик уюшмаларининг ерлари		Мелиоратив курилиши холатидаги ерлар	Бугазорлар
		Жами	шундан сугориладигани	Жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	шундан сугориладигани	жами	
1	2013 йил	4441 0,3	4312 .2	25251 .5	3738, 2	4062, 5	3305, 2	358, 3	343,0	80,4	47, 0	20750, 3	43, 0	691, 7	514, 8	3335 ,3	52,6	7,4	6,6	72, 7	15051, 7
2	2017 йил	4489 2,4	4312 .9	25625 .2	2736, 2	4035, 3	3279, 4	385, 6	367,0	79,9	46, 8	21124, 4	43, 0	695, 3	516, 4	3586 ,3	53,9	7,3	6,4	72, 1	14906, 2
3	2018 йил	4489 2,4	4311 .5	25614 .0	3734, 2	4026, 4	3271, 7	391, 6	371,7	80,8	47, 8	21115, 2	43, 0	696, 6	516, 6	3595 ,3	54,4	7,3	6,3	72, 0	14907, 2
	2018 й.2017йи лга нисбата н фарки	0	-1,4	-11,2	-2,0	-8,9	-8,4	6,0	4,7	0,9	1,0	-9,2	0	1,3	0,2	9,0	0,5	0	-0,1	-0,1	1,0

2-жадвалдаги маълумотлардан кишинадики, қишлоқ хўжалик ер турлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг умумий майдони бугунги кунда 25614,0 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 57,0 фоизини, шундан сугориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами 3734,2 минг гектарни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулқдор - ер эгаси пайдо бўлди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, бу фермерлар фаолиятининг самарадорлигини оширилишининг муҳим омили бўлди. Таҳлил шуни кўрсатдики, барқарор фермер хўжаликларини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини сезиларли даражада ошириш, ерлар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Фермер хўжаликларининг тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фермерларни, ернинг ҳаққоний эгалари сифатида холис ва ошкора танлаб олиш, шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжаликларнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ер майдонларини мақбул ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи гуруҳлар билан ишлар олиб

борилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ишлари якунланди.

2012 йил 1 январ ҳолатига кўра, фермер хўжаликларнинг умумий сони 70096 тани, шу жумладан ихтисослиги: пахта-ғаллачилик йўналишида 37861 та, чорвачилик йўналишида 5482 та, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида 17656 та, сабзавотчилик-полизчилик йўналишида 3592 та ҳамда бошқа йўналишда 5505 та ни ташкил қилди. Республикаизда 2012 йил 1 январъ ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 5916,9 минг гектарни, шу жумладан экин ерлар 3569,4 минг гектар, кўп йиллик дараҳтзорлар 284,6 минг гектар, бўз ерлар 33,7 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1357,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 672,1 минг гектарни ташкил қилди.

Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан улар фаолияти смарадорлигини янада ошириш, фермерларни ернинг ҳақиқий эгалари сифатида тшғри танлаш, шу асосида, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини ошириш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжаликларнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолисини даромадларини ўсишини яхшилаш мақсадида кейинги йилларда мавжуд фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштириш ишлари яна давом эттирилди.

Олинган расмий маълумотларга қараганда фермер хўжаликларининг умумий сони 2018 йилнинг 1 январига 153385 тани, шу жумладан пахта-ғаллачилиқда 50651 та, ғаллачилиқда 7914 та, чорвачилиқда 8915 та, боғдорчилиқда 48159, узумчилиқда 13441 та, сабзавотчилик-полизчилиқда 6772 та, тутчилиқда 3372 та ҳамда бошқа йўналишларда 14161 тани ташкил этади. 2018 йилнинг 1 январъ ҳолати бўйича уларга берилган умумий ер майдони 6839,4 минг гектарни, шу жумладан, экин ерлари 3400,9 минг гектарни, кўп йиллик дараҳтзорлар 290,2 минг гектарни, бўз ерлар 32,7 минг гектарни, яйлов ва пичанзорлар 2522,9 минг гектарни ва бошқа қишлоқ хўжалигида

фойдаланилмайдиган ерлар 592,7 минг гектарни ташкил этади. Қуйида, 3-жадвалда республика вилоятлари бўйича фермер хўжаликларини тақсимланиши ва ер турларининг майдонлари келтирилади.

3-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, республика чегарасида мавжуд бўлган суғориладиган экин ерлари ва кўп йиллик дарахтзорларнинг асосий майдонлари фермер хўжаликлари тасарруфида фойдаланилмоқда. Уларни фойдаланиш даражаси кўп жихатдан ушбу майдонларда тарқалган тупроқларнинг унумдорлигига боғлиқдир.

Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини ошириш, фермерларни ернинг ҳақиқий эгалари сифатида холис ва ошкора тан олиш, шу асосда, ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, уларнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ўсишини яхшилаш мақсадида ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ишлари давом эттирилмоқда. Шунга асосан, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, фермерхўжаликларининг умумий сони 154331 тани ташкил этган. Уларнинг 48874 таси пахта-ғаллачилик, 10783 таси ғаллачилик, 9265 таси чорвачилик, 49155 таси боғдорчилик, 13050 итаси узумчилик, 7239 таси сабзавот-полизчилик, 1946 таси тутчилик ҳамда 13659 таси бошқа йўналишларни ташкил этади. Уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 6847,2 минг гектарни, шу жумладан, экин ерлари 3322,2 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 279,3 минг гектарни, бўз ерлар 31,3 минг гектарни, яйлов ва пичанзорлар 2603,0 минг гектарни ҳамда қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган бошқа ерлар 610,9 минг гектарни ташкил этади.

Юқорида қайд қилинганидек фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш, улар самарадорлигини ошириш тизимида улар худудларида тарқалган тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичлари билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланишни, таҳлил ишлари республикада олиб борилаётган ер баҳолаш, хусусан, тупроқлар бонитировкаси ишлари билан узвий боғланган.

Тупроқнинг унумдорлиги бўйича баҳолаш агротехника тадбирларини ва деҳқончиликни жадаллаштиришнинг ўртacha даражасини ҳисобга олган ҳакмда бажарилмоқда. Жумладан 2018 йилда Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг суғориладиган худудларида тупроқ бонитировкаси ишларининг навбатдаги тур ишлари бажарилган. Натижалар шуни кўрсатадики, 2009-2010 йиллардаги тупроқларнинг ўртacha бонитетидан Самарқанд вилояти тупроқларининг ўртacha бонитети 1,0 баллга, Тошкент вилоятида 1,2 баллга ошган [\* 32,36 б]. Бундай ҳолатни кейинги йилларда давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ерларида ўтказилаётган мажмуали ишларнинг натижаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини динамикаси кейинги мавзуда анчагина тўлиқ ўрганилган.

### **З-жадвал**

#### **Республика вилоятлари бўйича фермер хўжаликларининг сони ва ер майдонларини тақсимланиши**

№	Вилоятлар	Фермер хўжалик лари сони	Умумий ер майдони, минг.га	Шу жумладан				Жами қишлоқ хўжалик ерлари
				Экин ерлари	Кўп йиллик дараҳт зорлар	Бўз ерлар	Яйлов ва пичанзор лар	
1.	Қорақолпоғистон Республикаси	6154	734,9	295,0	3,4	5,7	297,7	601,8
2.	Андижон	13892	244,1	196,6	23,0	1,0	3,3	219,9
3.	Бухоро	7762	880,1	187,8	18,6	6,0	578,7	791,1
4.	Жizzах	12087	501,1	393,2	11,2	1,7	72,9	479,0

5.	Қашқадарё	20343	793,5	546,8	27,5	5,0	174,3	753,0
6.	Навоий	4362	845,9	86,0	7,9	4,3	735,6	833,8
7.	Наманган	10043	266,8	176,9	21,9	1,4	21,0	221,2
8.	Самарқанд	22300	568,5	239,4	59,7	1,0	90,9	538,5
9.	Сурхондарё	10465	723,7	209,9	19,4	0	406,5	662,1
10.	Сирдарё	6038	220,5	189,4	5,5	3,4	6,5	204,8
11.	Тошкент	16404	444,1	280,1	37,5	1,0	94,7	413,3
12.	Фарғона	14603	338,3	241,9	45,4	0	1,4	288,7
13.	Хоразм	8932	277,9	188,1	9,2	2,2	39,4	238,9
	Жами	153385	6839,4	3400,9	290,2	32,7	2522,9	6246,7

### **2.3 Суғориладиган тупроқлар ва уларнинг унумдорлик динамикаси**

Маълумки, тупроқнинг энг муҳим хусусияти унинг унумдорлигидир.

Тупроқ унумдорлиги – тупроқнинг ўсимликларга зарур миқдордаги сув ва озуқа моддаларига бўлган талабини бутун вегетация даврида айни бир вақтда ва максимал даражада қондириш қобилиятидир. Ҳар бир тупроқнинг унумдорлиги бевосита уни вужудга келиш жараёни билан боғлик бўлиб, тупроқни ривожланиш жараёнида унинг унумдорлигига доимий равишда ўзгариб туради. Унинг ўзгариши айниқса инсон фаолияти таъсирида тезроқ кечади.

Республикмизнинг тупроқ-иқлимий, геоморфологик ва гидрогоеологик шароитлари ўзига хос хусуситларга эга, яъни тупроқлар унумдорлиги қўп жиҳатдан инсон фаолияти билан бир қаторда табиий омилларга ҳам боғлиқдир. Бу жараёнлар минтақавий хусусиятларга эга, яъни сизот сувларининг табиий оқими чегараланган ҳудудларда иккиламчи, яъни қайта шўрланиш асосий салбий таъсир этувчи омил бўлса, нишаблиги катта ерларда сув эрозияси жараёнлари тупроқ унумдорлигига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда барча суғориладиган ерларда ўз салбий таъсирини кўрсатувчи бошқа қатор омиллар ҳам мавжуд.

Тупроқ – иқлим шароитига, ўсимлик талабига мос равишда сугориши меъёрларига ва муддатларига риоя қилмаслик ҳам қатор салбий оқибатларга,

хусусан тупроқлар унумдорлигини пасайишига, тупроқларнинг сув-ҳаво режимини бузилишига олиб келади.

Кейинги йиллар республикамизнинг суғориладиган минтақаларида тарқалган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш сувидан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйич маҳсус давлат Дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, 2007 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғориладигна ерлар ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан 2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат Дастури 2013 йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда суғориш сувидан фойдаланишни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан 2013-2017 йилларга мўлжалланган давлат Дастури ва бошқа норматив хужжатларга биноан ўтган давр мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив тармоқларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, суғориш каналларини қайта қуриш, бетонлаштириш, қатор гидротехник иншоотлар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш бўйича катта ҳажмлардаги ишлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда тупроқ-иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда агромелиоратив, агротехник ва агрокимёвий чора-тадбирлар мажмуини табақалаштирилган ҳолда қўллаш ва қишлоқ хўжалик экинларини тупроқ-иқлим шароитларини ва экинлар таркибини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Республика ҳудудларида тарқалган суғориладиган тупроқлар табиатан кам гумусли бўлишига қарамасдан, унинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти каттадир. Тупроқлардаги мавжуд гумус ва озуқа моддаларини экинлар эркин ўзлаштирилишида суғориш сувининг ўрни алоҳидадир. Шу сабабли экинларни вегетация даврида ўз вақтида суғориш тупроқлар унумдорлигини оширади,

тупроққа солинган органик ва минерал ўғитларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилишига имкон яратади.

Шуни қайд этиш зарурки, суғориладиган дәхқончилик шаротида тупроқларни сифат жиҳатидан баҳоси доимий равища ўзгариб туради. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳисобига уларнинг уларнинг унумдорлик даражаси ва сифат жиҳатидан баҳоси ҳам ошиши мумкин. Бунда суғориш суви билан далаларни меъёрида таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи томондан, далаларга экилган қишлоқ хўжалик экинларини ҳам суғориш сувига бўлган талаби ҳисобга олиниши зарур. Масалан, ғўза экини ўзининг вегетация даврида навига қараб, тарқалган тупроқларга қараб 4000-6000 м<sup>3</sup> сув талаб қилинади, шоли экини эса бундан анчагина кўпроқ сув сарфини талаб қиласди, маккажӯҳори экини аксинча, бирмунча камроқ сув талаб қиласди. Экинларнинг сув сарфи меъёрлари ҳам ушбу жойда тарқалган тупроқлар унумдорлиги билан узвий боғлиқдир.

Тадқиқотлар жараёнида Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги суғориладиган ерларда тарқалган тупроқлар бонитировкаси ишларининг ҳам натижалари таҳлил қилинди. Хусусан, охирги марта Самарқанд вилоятининг суғоридладиган тупроқлари бюонитировкасини ўтказишга 316845,6 гектар ер майдони тортилган. Бажарилган ткпроқ бонитировкаси ишларининг натижаларига кўра, вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг ўртача бонитети 60,3 баллни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2007-2010 йилларда ўтказилган бонитировка ишларининг натижаларидан 1,0 баллга баланд эканлигини кўрсатди.

Тупроқ бонитировкаси ишларининг натижаларидан шуни кўриш мумкинки, вилоят бўйича 41-60 баллик ерлар майдони баҳолашга тортилган жами ерларнинг 50,93 фоизини, 61-80 баллик ерлар 42,69 фоизини, 81-100 баллик ерлар 4,96 фоизини ташкил этган. Бу натижаларни олдинги тур натижалари

били таққослаш шуни кўрсатдики, охирги тур бўйича яхши сифатли ерлар (61-80 балл) вилоят бўйича 3,0 фоизга ортган ва бугунги кунда 13509,6 гектарни ташкил этди. Энг яхши сифатли ерлар ( 81-100 балл) майдони ҳам олдинги турга нисбатан 315,0 гектакрга ортган. Булардан шуни хулоса қилиш мумкинки, кейинги йиллари республикамиз хукумати томонидан сугориладиган ерларни мелиоратив холатимни яхшилаш ва суғориш сувидан фойдаланишни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурлари ўзларининг ижобий натижаларини бера бошлаганини кўриш мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ҳам сугориладиган тупроқлар бонитировкасини ўтказиш ишлари 2018 йилда бажарилган. Бу ишлар вилоятнинг 341347,4 гектар ер майдонида бажарилган. Ушбу ишлар натижасига кўра вилоят бўйича сугориладиган тупроқларнинг ўртача бонитети 59,9 баллни ташкил этган. Бу кўрсаткич олдинги тур баҳолаш натижаларига нисбатан тупроқларнин табиий унумдорлигини 1,2 баллга ошганлигидан далолат берди. Жумладан, яхши сифатли ерлар вилоят сугориладиган ерларининг 46,5 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич олдинги тур баҳолаш ишларининг натижаларидан 2,3 фоизга ошганлигини кўрсатди. Умуман, баҳолаш натижалари кўрсатдики, Охангарон тумани тупроқларининг бонитети 2,3 баллга, Бекобод туманининг тупроқларини бонитети 2,2 баллга, Қиброй туманининг туздроқларини бонитети 2,2 баллга, Ўрта Чирчик тумани тупроқларининг бонитети 1,9 баклла ошган. Бу кўрсаткичлар яна бир карра юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Биз, қуидаги 4-жадвалда республика вилоятлари бўйича тупроқ бонитировкаси ишларининг охирги натижаларини келтирамиз.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кшринадики, республика бўйича сугориладиган тупроқларнинг ўртача бонитети бугунги кунда 54 баллни ташкил этади. Бу кўрсаткич тупроқлар унумдорлигини унчалик баланд эмаслигини кўрсатади. Жадвалдан кўринадики, мавжуд тупроқлар асосан 10 та кадастри класслирига бўлинган. Бунда ҳар бир класснинг бонитети 10 балл бўлиб, энг

унумдор тупроқлар бонитети 91-100 балл ичида, унумдорлиги энг паст бўлган тупроқлар бонитети 0-10 балл ичида баҳоланган. “Тупроқшунослик ва агрокимё” институти, “Ўздаверлойиха”институтининг “Тупроқ бонитировкаси” шўйба корхонаси томонидан олиб борилган тупроқларни бонитировкалаш ишларининг юқоридаги натижалари шуни кўрсатадики (4-жавал), республика бўйича 91-100 баллик сугориладиган тупроқлар майдони, бор-йўғи 2018,0 гектарни ташкил этади. Бу майдонларнинг ҳам аксарият қисми(1729,0 гектар) Наманган вилоятига тўғри келади. Сифати бўйича энг яхши тупроқлар гуруҳига кирган 81-90 баллик тупроқлар майдони 71073,0 гектарни ташкил этади. Бундай тупроқларнинг нисбатан катта майдонлари Наманган (19195,0 гектар), Самарқанд (15264,0 гектар) ва Тошкент (9623,0 гектар) вилоятларида тарқалган. Агарда ушбу турда 3669,6 минг гектар сугориладиган тупроқлар баҳолашга тортилган бўлса, 81-100 баллик тупроқларнинг умумий улуши жами майдонларда бор-йўғи 1,9 фоизни ташкил этади. Холбуки, юқорида келтириб ўтилган илмий тадқиқот институтларининг маълумотларига қараганда, ўтган асрнинг 80-йилларидағи тупроқ бонитировкаси ишларининг натижалари мамлакатимиздаги сугориладиган тупроқларнинг 81-100 баллик майдонларининг жами сугориладиган ерларнинг 30,0-31,0 фоизи атрофида бўлган [36]. Ушбу маълумотлар сугориладиган тупроқлар унумдорлигини анчагина пасайиб кетганини яна бир карра тасдиқлайди. Бунда, албатта, сугориладиган тупроқларни сув билан таъминланиш даражаси ҳам олдинги ўринларда туради. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда фаолият юритаётган фермер хўжаликларидағи сугориладиган ерларнинг қиймат баҳосини аниқлашда ушбу омилни албатта ҳисобга олиш зарур бўлади.

Маълумки, бугунги кунда фермер хўжаликларининг сугориладиган ерларини норматив қийматини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2014 йил 18 августда қобул қилинган 235 сонли Қарорига мувофиқ холда амалга оширилмоқда. Фикримизча ушбу Қарорда

қайд қилинган услубиятга қишлоқ хўжавлик корхоналари, яъни фермер хўжаликлари майдонларини суғориш суви билан ҳақиқий таъминланиши бўйича ҳам тегишли коэффициентлар қобул қилган холда улар фойдаланишидаги суғориладиган ерларни қийматини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **2.4 Фермер хўжаликлари ерларида тарқалган тупроқлар ҳолатини ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ -1958 сонли “2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига биноан, фермер хўжаликлари ер майдонларини суғориш суви билан таъминланиш масалаларини ўрганиш бўйича қатор вилоятларда, жумладан, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Наманган, Тошкент ва Андижон вилоятларининг жами 16 та туманидаги 32 та фермер хўжаликларида суғориладиган ерларнинг тупроқлари ҳолатини ўрагниш бўйича ишлар олиб борилди.

Олиб борилган тупроқ изланишлари ишлари “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланишини ҳисобга олиш бўйича услубий кўлланма” асосида бажарилди.Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани ва Шўрчи туманида фаолият юритаётган пахта-ғаллачилик фермер хўжаликлари суғориладиган экин майдонларини суғориш суви билан таъминланиши кейинги 3-5 йил давомида 93,2 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат жойдаги тупроқлар унумдорлигини пасайишига, ерларни қисман шўрланишига олиб келган. Бундай ҳолат Бухоро вилоятининг фермер хўжаликлари ер майдонларида ҳам кузатилди.Жумладан, втлоятнинг Жондор ва Шоғиркон туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида ҳам кузатилди.Ушбу ҳудудларда тарқалган ерларни суғориш суви билан таъминланганлиги кейинги 5 йил давомида ўртacha 84,0-85,0 фоизни ташкил этган.

**Республикамиз сүғориладиган тупроқларининг сифат баҳоси маълумотлари\***

№	Вилоятлар	Кадастр гурухлари										жами	Ўртacha балл, 2016й		
		Ёмон ерлар		Ўртacha паст		Ўртacha		Яхши		Энг яхши					
		Кадастр класслари													
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X				
		0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100				
1.	Қорақалпоқистон Республикаси.		181	25506	224917	142079	39126	11860	1396			445065	41,3		
2.	Андижон			844	22346	51597	52837	62741	36573	5857	67	232862	57,5		
3.	Бухоро		263	15374	48791	53826	51309	46752	12714	81		229110	51		
4.	Жиззах			2132	22885	144602	60894	29045	10170	1347		271075	51		
5.	Қашқадарё			354	40743	207262	111117	67181	26402	7060		460118	52,5		
6.	Наманган			4597	41141	48808	39359	46533	33581	19195	1729	234943	60		
7.	Навоий		59	5320	20387	20619	25388	22622	10603	1437		106435	53,2		
8.	Самарқанд			19	10543	59999	98800	84987	37801	15264	171	307583	59,3		
9.	Сурхондарё			3592	33964	75733	79767	53376	18773	5886		271091	56		
10.	Сирдарё			489	26537	105386	69828	58603	6542	9		267394	53		
11.	Тошкент		23	2471	15115	59433	96186	103023	40033	9623	2	325909	59		
12.	Фарғона			5557	44499	79437	58661	74163	29300	5268	49	296934	56		
13.	Хоразм			2837	36095	45591	69981	57666	8832	47		221049	54		
Жами			526	69093	587963	1094372	853253	718552	272720	71073	2018	3669568	55		

“Давергеодезкадастр” маълумотлари

Бу ҳолат сугориладиган ерларни шўрланишига ва охир-оқибатда тупроқлар унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлган.

Олиб борилган кузатувлар Фарғона вилоятининг туманларида ҳам шундай ҳолатлар борлигини қўрсатди. Хусусан, чекланган сув тақсимоти шароитини эътиборга олмаслик вилоятнинг Тошлоқ ва Бувайдা туманларида фаолият олиб бораётган пахта-ғаллачилик фермер хўжаликларининг мавжуд тупроқлари унумдорлигига салбий таъсир қўрсатган. Бу ҳудудларни суғориш суви билан таъминланиши кейинги 3 йил мобайнида ўртacha 69,071,0 фоизни ташкил этган. Бунинг натажасида асосий қишлоқ хўжалик экини ҳисобланган пахтанинг ҳосилдорлиги ушбу давр ичидаге гектарига 5,0-6,0 центнерга пасайган, тупроқларда шўрланиш жараёни кузатилган. Суғориш суви билан ҳар йили яхши таъминланган Ёзёвон туманидаги фермер хўжаликларида, аксинча, юқори кўрсаткичларга эришилган. Хусусан, пахта, ғалла, сабзавот ва картошка экинларининг ҳосилдорликлари ошган, натижада тупроқларни шўрланиши ва бошқа салбий жараёнлар кузатилмаган.

Андижон вилоятининг Андижон, Асака ва Марҳамат туманларида фаолият юритаётган 8та фермер хўжаликлари ер майдонларининг суғориш суви билан таъминланиш даражасини ўрганиш шани кўрсатадики, суғориш шахобчалари, лоток тизимлари, ариқ ва каналлар бут бўлган, насослар яхши ишлаган ҳудудларда сув билан таъминот юқори даражада бўлган, ва аксинча, суғориш каналларининг аҳволи яхши бўлмаган, натижада бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориш суви билан таъминланиш “Мустақиллик”, “Машъал”, “Мозийдан сабоқ”, фермер хўжаликларида 69,0-76,0 фоизни ташкил этган. Бунинг натажасида суғориладиган ерларнинг шўрланиши қузатилган. Бу салбий ҳолатдир, негаки суғориш даврида суғориш суви кам етиб боргнлиги ва буни ўрнини коллетор-зовур сувлари билан қоплашга уриниш ерларни шўрланиш даражасини оширади. Хусусан, “Давергеодезкадастр” давлат

қўмитасининг маълумотлари бўйича вилоятнинг жами 26,7 суғориладиган экин майдонлари турли даражада шўрланган [55 б]. Худди шундай ҳолатларни Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Пскент, Бўка ва бекобод туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ер майдонларида фаолият юритаётган фермер хўжалик ер майдонларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Оққўрғон туманидаги “Рахим ота”, “Ишончли йўл”, Пскент туманидаги “Бахтли йўл”, “Шонли ҳаёт йўли”, Бўка туманидаги “Прогресс”, “Мустақил диёр”, Бекобод туманидаги “Само юлдузлари”, “Рахимахон ая”, “Мехрибон” фермер хўжаликлари ерларини суғориш суви билан таъминланиш даражаси 96,0-98,0 фоиз атрофида бўлган. Бу ҳолат ерларда тарқалган тупроқлар унумдорлигини олдинги ҳолатда ушлаб туриш имконини берган. Бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориш сувини бу даражада бўлишида ушбу туманларда ташкил этилган ва бугунги кунда фаолият олиб бораётган Сув истеъмолчилар уюшмалари (СИУ)нинг роли катта бўлмоқда.

СИУ ларни ташкил этишдан мақсад қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланишини қуий боғинидаadolатли сув тақсимоти ва ирригация-мелиорация тармоқларидан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уюшма худудидан сувдан самарали фойдаланиш учун истеъмолчиларнинг техник-молиявий имкониятларини бирлаштиришдан иборат.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, СИУларининг сув хўжалиги тармоқларидан фойдаланиш кўрсаткичлари давлат ташкилотларига нисбатан кўпроқ самара беради. Жумладан, сув тақсимотини тезкор, объектив амалга ошириш, эксплуатация ва таъмиглаш харажатларини нисбатан камайтириш имконини бериши аниқланган.

Қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланишнинг қуий бўғинида СИУлар фаолиятининг зарурлиги кўп жиҳатдан мамлакатимизда сув

ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бундай хусусиятлар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- сугориладиган дехқончилик шароитида сув ресурсларининг аҳамияти катталиги билан бир қаторда, сугориш учун яроқли сув заҳираларининг талабга нисбатан анча камлиги;
- аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида ва экин майдонларининг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра фойдаланишдан чиқиб кетиши сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугориладиган ер майдонларини камайиб бориши;
- глобал иқлим ўзгариши таъсири сифатида ва умуман турли табиий оғатлар, қурғоқчилик оқибатида қишлоқ хўжалигида сугориш суви балансининг бузилиши кузатилаётган бир пайтда республикамизга оқиб келаётган сув манбаларининг трансчегаравий дарёлар билан бевосита боғлиқлиги.

Қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун сув етказиб берувчи ва сув истеъмолчилари ўртасида ердан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро ички хўжалик, иқтисодий, шартномавий муносабатлар талабга жавоб бермаслиги СИУ лар фаолияти самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сугориладиган экин майдонларида тарқалган тупроқлар унумдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида республика худудларида сув танқислиги ҳолатларини тез-тез кузатилиши, дунёning деярли барча мамлакатларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини кескин кўтарилаётганлиги сугориш сувининг аҳамиятини янада оширади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлари оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4041сонли Фармони ёки 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”

юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда маълум амалий аҳамият касб этади.

### **3 БОБ. ТУМАНДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА УЛАРДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОЛАТИ**

#### **3.1. Тумандаги фермер хўжаликлари сугориладиган ерларидан фойдаланиш**

Республикамида қишлоқ хўжалигидаги олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, айниқса ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тамоилларига алоҳида эътибор қаратилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада мавжуд сугориладиган ва лалми ерлардан унумли фойдаланиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ҳимоя қилиш ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ислоҳотлар натижасида, хусусан ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигига изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари - фермер ва дехқон хўжаликларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида устувор субъектлар сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди. Шунингдек, мазкур субъектларни бошқариш тизимини яратиш ва улар фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўзгариши ҳисобига ҳалқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган сугориладиган ерларга бўлган эътибор кундан-кунга қучаймоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги кооператив(ширкат)ларни фермер хўжаликлариға айлантириш тадбирларини амал ошириш ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик

ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулқдор - ер эгаси пайдо бўлди. Сўнгги йилларда фермер хўжаликларининг ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш), изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда, улар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йириклиштирилган, янада барқарор фермер хўжаликларини шакллантириш, уларнинг молиявий маблағларини сезиларли даражада ошириш, ер-сув ресурслари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ўз навбатида уларнинг ташкилий-иқтисодий фаолиятини самарадорлиги янада ошди.

2008-2009 йилларда амалга оширилган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг ўtkазилиш жараёнида кузатилган камчиликлар ва эришилган ижобий натижалар чуқур таҳлил қилингани ҳолда 2010 йилда мазкур тадбирларнинг янги бир босқичи бошланиб юборилди. Яъни, фермерларни ернинг ҳаққоний эгалари сифатида холис ва ошкора танлаб олиш, шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини қўпайтириш, хўжаликларининг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги — “Фермер хўжаликларининг ер

участкалари ҳажмларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Ф-3512-сонли Фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ер майдонларини мақбул ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи комиссиялар билан ишлар олиб борилиб, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш ишлари якунланди.

Республикамиз миқёсида олиб борилган мақбуллаштириш якунларига кўра, фермер хўжаликлар сони 66134 тани, шу жумладан пахта-ғаллачилик йўналишида 35896 та, чорвачилик йўналишида 5329 та, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида 16820 та, сабзавотчилик-полизчилик йўналишида 3647 та ҳамда бошқа йўналишда 4442 та ни ташкил қилди.

Республикамизда 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 5987,8 минг гектарни, шу жумладан экин ерлар 3603,0 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 286,8 минг гектар, бўз ерлар 47,2 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1387,1 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерлар 663,7 минг гектарни ташкил қилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фермер хўжаликларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тадқиқот обьекти бўлган Самарқанд вилояти Иштихон туманида ҳам амалга оширилган бўлиб, унинг натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатида жами 538 та фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Фаолият кўрсатаётган 285 та фермер хўжалиги, яъни жами фермер хўжаликларининг 53 фоизи асосан пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳисобланади (5-жадвал).

Туманда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъект сифатида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишлари асосида 2008-2010 йилларда туманда фермер хўжаликлари экин майдонларини муқобиллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Шундан келиб чиқкан ҳолда биринчи муқобиллаштириш тадбирларидан сўнг 2014 йил 1 октябр ҳолатида 707 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, иккинчи мақбуллаштиришдан сўнг, яъни 2017 йилнинг 1 январига туманда 538 та фермер хўжаликлари қолди.

## **5-жадвал**

### **Самарқанд вилояти Иштихон туманида мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларининг сони (2017 й. 01.01.)**

№	ММТПлар номи	Жами фермер хўжаликли ри сони	Шу жумладан							
			Пахта-фаллачилик йўналишида ги		Сабзавот-полизчилик йўналишида ги		Боғдорчили к-узумчилик йўналишида ги		Бошқа йўналишдаги	
			сон и	%	Сони	%	сон и	%	сони	%
1.	Қайчили механизатори	31,0	15	48,4		0	7	22,6	9	29,1
2.	Техника сардори	28,0	21	75,0	1	3,6	2	7,1	4	14,2
3.	Ровот қўргони	16,0	9	56,3		0	3	18,8	4	25,1
4.	Оқчурагоси баҳори	28,0	21	75,0		0	2	7,1	5	17,8
5.	Минглар қўргони	20,0	12	60,0		0	2	10,0	6	30,0
6.	Нурли қайнар булоқ	16,0	12	75,0		0	2	12,5	2	12,6
7.	Сариктепа техникалари	16,0	11	68,8		0	4	25,0	1	6,3
8.	Мопар техника	22,0	16	72,7		0	1	4,5	5	22,7
9.	Митан истиқлол	23,0	9	39,1		0	9	39,1	5	21,7
10.	Бешлик жавохири	18,0	8	44,4		0	9	50,0	1	5,6
11.	Одилов Шариф	34,0	18	52,9		0	14	41,2	2	5,9

12.	Бойлар техника	20,0	13	65,0		0	4	20,0	3	15,0
13.	Мехнат-Роҳат	57,0	23	40,4	2	3,5	30	52,6	2	3,5
14.	Бахрин каҳрамони	23,0	13	56,5		0	7	30,4	3	13,0
15.	А.Навоий	26,0	20	76,9		0	4	15,4	2	7,6
16.	М.Жўраев	50,0	25	50,0		0	18	36,0	7	14,0
17.	Зарбанд мевалари	21,0	17	81,0		0	4	19,0		0
18.	Жонроҳат механизатори	30,0	5	16,7	2	6,7	21	70,0	2	6,7
19.	Курлисой мадаткори	24,0	8	33,3	2	8,3	14	58,3		0
20.	Курлисой техникалари	19,0	6	31,6		0	13	68,4		0
21.	Хасан Ҳусан узумлари	15,0	3	20,0	1	1,5	10	66,7	1	6,7
	Ўрмон хўжалигидан	1,0		0		0		0	1	100
	Туман бўйича жами	538,0	285 ,0	53,0	8,0		180	33,5	65,0	12,1

Мазкур фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришлари учун жами 39270 гектар экин майдони ажратиб берилган. Ўртacha бир фермер хўжаликларига тўғри келадиган экин майдони 55,5 гектардан 73,0 гектарга қўпайди. Таҳлиллар қўрсатишича, пахта-ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларидан ташқари энг юқори улуш боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига тўғри келгани ҳолда жами фермер хўжаликларининг 33,5 фоизини (180 та) ташкил қиласди.

Иштихон туманида 2008-2010 йилларда олиб борилган пахтағаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг таҳлиллари қўрсатишича, 2008 йилда, яъни мақбуллаштиришнинг 1-босқичида жами фермер хўжаликлири 1253 тани ташкил қилгани ҳолда, унинг 1026 таси, яъни 81,9 фоизининг экин ерлари 30 гектаргачани ташкил қилган. 3,5 фоизи, яъни 44 тасининг экин ерлари 31-60 гектаргачани, 14,6 фоизи, яъни 183 таси 61-100 гектаргача экин майдонини эгаллаб турган. Мазкур

йилда 100 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмаган (6-жадвал).

#### **6-жадвал**

#### **Иштихон туманида мақбуллаштириш натижасида пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдонларининг гуруҳланиши**

№	Йил лар	Жами фермер хўжалик лари сони	Шу жумладан							
			30 гектаргача		31 гектардан 60 гектаргача		61 гектардан 100 гектаргача		100 гектардан юқори	
			Фермер хўжаликлар исони	%	Фермер хўжаликлар исони	%	Фермер хўжаликлар исони	%	Фермер хўжаликлар исони	%
1	2008	1253	1026	81,9	44	3,5	183	14,6	-	-
2	2014	358,0	0	0	168	46,9	160	44,7	30	8,4
3	2017	285,0	0	0	80	28,1	146	51,2	59	20,7

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2008 йилда тумандаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг аксариятининг экин майдонлари 30 гектаргача майдонни эгаллаган. Бу ўз навбатида, яъни кичик-кичик майдонларни эгаллаган фермер хўжаликларини бошқариш, уларни моддий-техник таъминотини яхшилаш, мавжуд барча ресурслардан самарали фойдаланишни назоратга олиш имкониятини чеклайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2009 йилда фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг 2-босқичи натижаларига кўра, 358 та фермер хўжаликлари сақлаб қолинди. Мазкур йилда 30 гектаргача бўлган пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари йириклиштирилиб, жами фермер хўжаликларининг 168 таси 31-60 гектаргача, 160 таси 31-60 гектаргача, 30 таси эса 100 гектардан юқори бўлган экин майдонларини ташкил қилмоқда. Сўнгги йилларда юз берадётган глобал иқлим ўзгаришлари дехқончиликни юритишда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш, экинларнинг ноқулай об-ҳаво

шароитларига чидамли навларини яратиш, сув тежовчи технологиялар ва агротехник тадбирларни амалга оширишда қиммат ресурслар ўрнини босувчи муқобилларини қидириб топиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади. Айни пайтда республика бўйича суғориладиган ерларнинг 65 фоизига яқини турли даражада шўрланганлиги, тупроқ унумдорлиги даражасининг пасайиб бориши, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини янада долзарблаштиромокда. Республикада суғориладиган ер майдонлари ҳудудлар доирасида нотекис жойлашган ва, айниқса, улар сифат даражаси жиҳатидан кескин фарқ қиласди. Айрим ҳудудларда сув ресурслари факат вегетация даврида талаб қилинса, бошқа ҳудудларда сув ресурслари қиши мавсумида ҳам шўр ювиш тадбирлари учун талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам сув ресурсларининг республика доирасида доимий мақсадли бошқаруви талаб этилади. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва суғориш учун ярокли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Шу жиҳатдан олганда туманда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш тадбирлари олиб борилмоқда. Тахлиллар қўрсатишича, туман қишлоқ хўжалигига пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Туман дехкон, фермер хўжаликлари ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғулланади. Туманда қишлоқ хўжалиги ерлари 49142 гектарни ташкил этгани ҳолда 2008 йилда унинг 11000 гектари (22,4 фоизи) пахта экин майдони, 6814 гектари (13,8 фоизи) жами дон экинларига мўлжалланган, 11310 гектари эса (23 фоизи) яйловлардан ташкил топган, 4346 гектари (8,8 фоизи) мевасабзавот экинлари бўлиб, қолган 15672 гектари эса (32,0 фоизи) бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини ташкил қиласди (7-жадвал). Туманда 2014-2017 йиллар давомида суғориладиган

ерларнинг ҳажми ўзгармагани ҳолда 24984,0 гектарни ташкил этади. Бу туман бўйича жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 50,8 фоизини ташкил этади.

**7-жадвал**  
**Иштихон туманида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг жойлашуви**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2014 йил	2017 йил	2017 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш суръати	
					Фоиз	Фарқи(+;-)
Жами қишлоқ хўжалик экин майдонлари	гектар	49142,0	49142,0	49142,0	100,0	0
	%	100,0	100,0	100,0	X	0
Шу жумладан:						
Чигит экиладиган майдон	гектар	10240,0	10240,0	10240,0	100,0	0
	%	20,8	20,8	20,8	X	0
Дон экиладиган майдон (жами)	гектар	8949,0	10130,0	10130,0	113,2	1181,0
	%	18,2	20,6	20,6	X	2,4 n-m
Яйловлар	гектар	11310,0	11310,0	11310,0	100,0	0
	%	23,0	23,0	23,0	X	0
Мева-сабзавот экин майдонлари	гектар	4410,0	5586,0	5586,0	126,7	1176,0
	%	9,0	11,4	11,4	X	2,4 n-m
Бошқалар	гектар	14233,0	11876,0	11876,0	83,4	-2357,0
	%	29,0	24,2	24,2	X	4,8 n-m
Суғориладиган ерлар	гектар	24984,0	24984,0	24984,0	100,0	0
Қишлоқ хўжалик экин майдонига нисбатан	%	50,8	50,8	50,8	X	0

Таҳлиллар кўрсатишича, 2017 йилда эса қишлоқ хўжалиги экин майдонларини жойлаштириш жараёнида, озиқ-овқат маҳсулотлар микдорини ошириш мақсадида жами қишлоқ хўжалиги экин ерларининг 20,8 фоизи пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришга ажратилди, яъни 2008 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 пунктга камайтирилди. Аксинча дон экин майдонлари 2008 йилга нисбатан кенгайтирилган бўлиб, 2012 йилда бу майдонлар жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 20,6 фоизини ташкил қилгани ҳолда 2008 йилга нисбатан қарийб 7 пунктга оширилган.

Худди шунингдек, мевасабзавот экинлар майдони ҳам 2008 йилга нисбатан 2012 йилда қарийб 3 пунктга ошган. Умуман олганда 2008-2012 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда экин майдонларини жойлаштириш тенденцияси асосан пахта экин майдонларини камайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини эса кўпайтириш ҳисобида амалга оширилган. Бугунги кунда туманда 196800 нафар аҳоли истеъмол қиласиди. Юқори таъкидлангадек, аҳолининг ўсиб бориши, мазкур ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли жон бошига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан саналади. Шунинг учун ҳам туман аҳолисининг эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлили кўрсатишича, 2014 йилда сабзавот ишлаб чиқариш учун 945 гектар ажратилгани ҳолда мазкур йилда ялпи ҳосил 39520 тоннани ташкил этган. 2017 йилда эса сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳосилдорлиги бир мунчага ошган бўлиб, 463,8 ц/га ни ташкил қилгани ҳолда ялпи ҳосил 46762 тоннага ошган. Яъни 2017 йилда ялпи ҳосил 118 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига эҳтиёж 113,9 кгни ташкил этгани ҳолда, ишлаб чиқариш талабга нисбатан 24504 тоннани ташкил қилган. Шунингдек, узум етиштиришда ҳам мазкур тенденция қузатилгани ҳолда, 4846 гектар ажратилган майдонда 2012 йилда 55875 тонна ҳосил олинган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 2259 тонна кўп маҳсулот етиштирилган. Аҳоли истеъмолига жон бошига 13,9 кг маҳсулот етказиб берилган. Худди шунингдек, мева, полиз, картошка маҳсулотларини етиштириш ҳолатларида ҳам юқори қайд этилган ўзгаришлар кузатилади (8-жадвал).

**Иштихон туманида дехқончилик маҳсулотларини етиштириш  
динамикаси**

№	Экин турлари	2008 йил	2014 йил	2017 йил	тонна	
					Фоиз	Фарқи(+; -)
1	Пахта	25786,0	26957,0	26892,0	104,3	1106,0
2	Дон маҳсулотлари	45586,0	49199,0	45253,0	99,3	-336,0
3	Сабзавот	39520,0	46742,0	50493,0	127,8	10973,0
4	Картошка	26715,0	29648,0	32699,0	122,4	5984,0
5	Полиз	7555,0	7905,0	9939,0	131,6	2384,0
6	Мева	13281,0	13604,0	16072,0	121,0	2791,0
7	Узум	53616,0	55875,0	58948,0	109,9	5332,0

Пахтачилик фермер хўжаликларида ғўза қатор орасига ишлов беришда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш натижасида чигит экиладиган дала тупроғига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш пахта ҳосилдорлигини ошишига имконият яратмоқда. Аммо бу агротехник тадбирлардан фойдаланаётган фермер хўжаликлари кўп миқдорда моддий-техникавий харажатларни сарфламоқда, яъни бир гектар ерда ғўзани етиштириш учун 150-200 литр ёқилғи, 5000-6000 м<sup>3</sup>/га сувдан фойдаланиб 70-80 фоиз техникавий ишлар тупроққа ишлов беришга қаратилмоқда. Самарқанд вилоятида пахтачилик мажмуасини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласида кенг ишлар олиб борилмоқда. Аммо вилоят пахтачилик фермер хўжаликларида пахта хомашёсини етиштириш маълумотлари таҳлил қилинганда ҳудудда илғор фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштиришни фойда билан чиққан бўлса, айrim фермер хўжаликлари ишлаб чиқариши молиявий зарар билан якунлаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Самарқанд вилояти Иштихон туманининг «Мамадиёров Наби» ва «Абдуллаев Дўстмурод» илғор фермер хўжаликлари ҳамда «Фарход Ҳосилот Барака» ва «Сокин»

колоқ фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари турлича бўлмоқда, (6-жадвал). Жумладан, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги —Фарҳод Ҳосилот Барака‖ фермер хўжалигида 2009 йилда ғўза қатор орасига ишлов беришда биринчисини 6-8 см, кейингиларини 14-16 см чуқурликда, суғоришни қатор оралатиб 5 марта олиб борилганда пахта ҳосили гектарига ўртacha 30,3 центнерни, 2013 йил ғўза қатор орасига ишлов беришни 4 марта ўтказилганда эса пахта ҳосили гектаридан эса пахта ҳосили гектаридан ўртacha 26,1 центнер бўлди. Пахта хомашёсини етишириш учун сарфланган харажатлар «Фарҳод Ҳосилот Барака» ва «Сокин» фермер хўжалигида моддий ресурслардан, жумладан уруғлик, ўғит сарфи, ёқилғи мойлаш сарфини анъанавий агротехнологияларни қўлланилаётганлиги ҳисобига ресурслардан тежамли равишда фойдаланилмаяпти. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, бир жойда ва имкониятлари тенг бўлган мазкур фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқланмоқда. Масалан, «Сокин» фермер хўжалигида 2013 йилда мавжуд 54,0 гектар экин майдонидан олинган даромад 117126 минг сўмни ташкил этган бўлса, «Мамадиёров Наби» фермер хўжалигида эса 2013 йилда 67,5 гектар экин майдонидан олинган даромад 224100 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилади. Шунингдек, «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжалигида эса ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаш ҳисобига моддий ва молиявий ресурслардан тежамли фойдаланишга эришилаяпди. «Фарҳод Ҳосилот Барака» фермер хўжалигида 2013 йил 2008 йилга нисбатан олинган фойда 1,8 марта, «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжалигида эса 3,7 марта ошган. «Фарҳод Ҳосилот Барака» фермер хўжалигида 2008 йилда ишлаб чиқаришни рентабеллик даражаси 11,1 фоизни, 2013 йилда бу кўрсаткич 5,3 фоизни ташкил этган.

**9-жадвал**

**Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги айрим фермер хўжаликларида пахта хомашёси етиштириш самарадорлик кўрсаткичларининг таққослама таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					2011 й. 2007й.га нисбати,%		
		2007	2008	2009	2012	2013			
<b>Илгор фермер хўжаликлари</b>									
<b>“Абдуллаев Дўстмурод” фермер хўжалиги</b>									
Экин майдони	Га	230,0	250,5	260,0	280,7	280,7	122,0		
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	32,2	32,7	34,4	38,3	40,6	115,8		
Ялпи ҳосил	Тонна	740,6	817,5	895,0	1075	1139	138,6		
Олинган даромад	млн.сўм	260,6	351,4	535,5	738,0	863,0	3,3		
Жами сарф-харажатлар	млн.сўм	205,2	277,6	402,6	531,3	604,1	2,9		
Олинган фойда	млн.сўм	57,3	73,7	129,9	206,7	258,9	3,7		
Рентабеллик даражаси	%	28,2	26,8	32,3	38,9	42,8	1,6		
<b>“Мамадиёров Наби” фермер хўжалиги</b>									
Экин майдони	га	16,5	21,2	24,6	62,2	67,5	4,9		
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	41,8	44,5	42,7	41,2	40,5	105,1		
Ялпи ҳосил	тонна	68,9	94,3	118,1	256,2	273,3	3,9		
Олинган даромад	млн.сўм	24,2	40,5	61,3	191,3	224,1	9,3		
Жами сарф-харажатлар	млн.сўм	17,6	30,4	42,9	137,7	159,0	9,0		
Олинган фойда	млн.сўм	6,5	10,1	18,3	53,6	65	10,0		
Рентабеллик даражаси	%	37,2	33,3	38,8	38,9	40,8	1,1		
<b>Қолоқ фермер хўжаликлари</b>									
<b>“Фарход Ҳосилот Барака” фермер хўжалиги</b>									
Экин майдони	га	40,4	45,6	58,0	63,2	63,2	156,4		
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	25,2	24,8	30,3	25,6	26,1	103,5		
Ялпи ҳосил	тонна	101,8	113,0	16,0	162,0	165	162,0		
Олинган даромад	млн.сўм	35,8	48,5	90,1	97,2	131,3	3,6		
Жами сарф-харажатлар	млн.сўм	32,2	45,1	85,6	93,8	124,8	3,8		
Олинган фойда	млн.сўм	3,6	3,4	4,5	3,4	6,6	183,3		
Рентабеллик даражаси	%	11,1	7,5	5,3	3,6	5,3	-2,9		
<b>“Сокин” фермер хўжалиги</b>									
Экин майдони	га	18,0	23,5	29,3	49,0	54,0	3,0		
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	21,2	22,3	20,5	21,0	20,7	97,6		

Ялпи ҳосил	тонна	38,1	52,4	60,6	102,9	111,7	3,1
Олинган даромад	млн.сўм	13,4	22,5	30,2	69,9	78,8	5,8
Жами сарф-харажатлар	млн.сўм	10,9	18,0	24,6	59,4	66,2	6,0
Олинган фойда	млн.сўм	2,4	4,5	5,5	10,5	12,6	5,2
Рентабеллик даражаси	%	21,9	25,0	22,5	17,6	19,0	0,8

Иштихон туманининг «Фарҳод Ҳосилот Барака» ва «Сокин» фермер хўжаликларида анъанавий агротехнологиялар қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги сезиларли ҳажмда ошмаслиги ва рентабеллик даражасини меъёрга нисбатан ошмаслигидан далолат бермоқда. Ушбу тумандаги «Мамадиёров Наби» ва «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжаликларида эса, ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни мақсадли йўналишларда ташкил этилиши асосида экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик ва рентабеллик даражаси ошишини кўришимиз мумкин. Манбалардан олинган сув экин майдонларига етиб келгунга қадар эгатлаб суғориш усули натижасида суғориш техникасининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,5 дан юқори бўлмайди далага берилган сувнинг 3040 фоизи зое кетади. Суғориш техникасининг ФИК 0,5 дан юқори бўлмаслиги ва далага берилган сувнинг 30-40 фоизи зое кетиши бу —суғориш техникаси ва технологияси деб аталувчи бўғинга боғлиқдир. Бу марказий функционал бўғин сувни суғориладиган дала бўйлаб тақсимлайди ва бунда 4 та асосий усул: - устки суғориш яъни эгат бўйлаб суғориш; - томчилатиб суғориш; - ёмғирлатиб суғориш; - тупроқ остидан ва эгилувчан шланглар ёрдамида суғориш. Эгат бўйлаб суғоришда бутун дунё суғориладиган дехқончилигига ҳали амалий ҳал этилмаган иккита муаммо мавжуд у ҳам бўлса: суғориш шахобчаларидан сув суғорилаётган майдонлар кенглиги бўйлаб бир текис тақсимланмаслиги ҳамда даланинг узунлиги бўйлаб сувнинг бир маромда оқиб бормаслигидир. Эгат бўйлаб суғориш пайтида исроф бўлган сувлар шунчаки йўқотишлар эмас балки заарли

чиқиндилардир, уларни тозалаш талаб этилади. Шундай исрофгарчиликларни олдини олишда ёмғирлатувчи машиналарни кўллаган ҳолда суғоришнинг илгор усулларига ўтиш туфайлигина эришиш мумкин. Бунда суғориш нормаси 750 м<sup>3</sup>/га дан юқори бўлмаслиги керак. Бутун дала бўйлаб суғоришнинг 0,7-0,9 дан кам бўлмаган бир текисликка эришиш мумкин. Маълумки, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш зарурӣ ишлардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда туманда ирригация тизимлари ва мелиорация тармоқларини реконструкция ҳамда тозалаш ишларини олиб бориш ишлари таҳлили кўрсатишича, туман сұғорма дехқончилигига 1258 км ирригация тизимлари ва 389 км мелиорация тармоқлари хизмат кўрсатади. 2008 йилда мавжуд ирригация тизимларининг 87 фоизи, мелиорация тармоқларининг эса фоизи тозалангани ҳолда, 2017 йилда уларнинг мос равища 83 фоизи, 8 фоизлари тозаланганди (10-жадвал). Таҳлиллар кўрсатишича, 2017 йилда 2008 йилга нисбатан ирригация тизимларининг тозаланиш ҳолати 96 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2008 йилга нисбатан 48 кам ирригация тизимлари тозаланганди. Мазкур йилларда 1258 км ирригация тизимларининг 1080 км қўл кучида, 178 кам механизмлар билан тозаланганди бўлиб, мос равища 2017 йилда 2008 йилга нисбатан 50 кам ирригация тизимлари кам тозаланганди. Яъни, 2008 йилга нисбатан 2012 йилда мазкур кўрсаткич 96 фоизда бажарилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мавжуд 389 км мелиорация тармоқларининг барчаси механизмлар билан тозаланганди бўлиб, 2017 йилда 2008 йилга нисбатан 44 кам мелиорация тармоқлари тозаланганди. Умуман олганда 2017 йилда 2008 йилга нисбатан ирригация мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишларида салбий тенденция кузатилмоқда. Сувни тежаш катталиги жойнинг табиий-икълими ва тупроқ шароитлари, етиштирилаётган экин

тури ва қўлланилаётган томчилатиб суғориш тизимининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқ бўлади.

## 10-жадвал

### Иштихон туманидаги мавжуд ирригация тизимлари ва мелиорация тармоқларининг ҳолати,км

№	Тадбирлар	2008 йил			2014 йил			2017 йил			2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш суръати	
		Мавжуд	Тозаланди	Фоиз	Мавжуд	Тозаланди	Фоиз	Мавжуд	Тозаланди	Фоиз		
1	Ирригация тизимлари	1258	1097	87	1258	1039	83	1258	1049	83	96	-48
	Кўл кучида	1080	1052	97	1080	993	92	1080	1002	93	95	-50
	Механизмда	178	45	25	178	46	26	178	47	26	104	2
2	Мелиорация тармоқлари	389	77	20	389	69	18	389	33	8	43	-44
	Кўл кучида	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Механизмда	389	77		389	69	18	389	33	8	43	-44

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва уларни такомиллаштириш бўйича ғўзани томчилатиб суғориш усулида 40-50 фоиз сувни тежаш билан бирга ёнилғи мойлаш маҳсулотларини 20-25 фоиз иқтисод қилиш, тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий ва микробиологик хусусиятини яхшилаш, органик ва минерал ўғитлардан ресурстежовчи фойдаланиш натижасида кўсаклар пишиб етилиши 10-15 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 5-6 ц/га ошиши таъминланади. Шунингдек, сув танқислиги олдини олишда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда қатор оралатиб ёки алмаштириб суғориш усули қўлланилганда 15-20 фоиз сувни тежаш билан бирга эртаги ва мўл пахта ҳосили етиштириш имконияти яратилади. Бунда томчилатиб суғориш усулининг самарадорлиги сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш пахта

экинлари ҳосилдорлигини ошириш минерал ўғитлар ўстирувчи ва ривожлантирувчи моддалар гербицидларни сув билан аралаштириб беришга имконият берувчи истиқболли усуллардан бири ҳисобланди. Бу усулда аввало тупроққа ишлов бериш ишлари кескин камаяди ёнилғи мойлаш материаллари сарфи эса 20-25 фоизга камаяди. Мавсумий суғориш миқдори 40-50 фоизга тежалади тупроқнинг юқори қатлами донадор ҳолда сақланиб унумдорлиги яхшиланади.

Иштихон туманининг “Фарҳод ҳосилот барака” ва “Сокин” фермер хўжаликларида замонавий агротехникаларни қўллаганда пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошмаганлиги ва рентабеллик даражасини меъёрига нисбатан ошмаганлиги кузатилди. Ушбу тумандаги “Мамадиёров Наби” ва “Абдуллаев Дўстмурод” фермер хўжаликларида эса ресурс тежовчи технологияларни, жумладан сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни мақсадли йўналишларда ташкил этиш асосида экин майдонларидан олинган ҳосилдорлик ва рентабеллик даражаси ошганлигини кўриш мумкин.

### **3.2. Суғоришнинг тупроқ унумдорлигига таъсири**

Суғориш суви тупроққа, қишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг ҳосилдорлигига чуқур, ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Бу ҳолат кўпгина олимлар ва улар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Хусусан, сўҳориши сувининг таъсирида тупроқларнинг агрономик хусусиятлари, сув-ҳаво, иссиқлик ва озуқланиш микробиологик фаоллиги кўп жиҳатдан ўзгаради, суғориладиган худуднинг микроиклим шароитида катта ижобий ижобий ўзгаришлар юз берди.

Сув, яъни суғориш суви тупроқ пайдо бўлиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Бунда у тупроқнинг физик ҳолатини катта миқдорда ўзгаришига, тузланиш режимига ва иссиқлик хусусиятига ва ҳаво режимига, кимёвий ва микробиологик жараёнларга, тупроқда органик

моддаларни тўпланиши ва емирилишига юқори даражада ўзининг таъсирини ўтказади. Бундай тупроқларни ишлашда улар яхши ювилмайди ва майдаланади, тортилишда унча катта механик таъсир кўрсатмайди.

Суғориш суви билан тупроққа майда заррачалар(коллоидлар) келади, уларни йиғилиши ва маълум жойларда тўпланиши натижасида унумдор қатлам вужудга келади. Сув жуда яхши эритувчи суюқликдир, бу ҳолат озуқа лементларини сафарбар бўлишига имкон беради ва ўсимликларнинг озуқа режимини яхшилади. Суғориш йўли билан мақбул сув-ҳаво режимини ушлаб туриш натижасида тупроқда микробиологик жараёнлар, амонификацияланиш ва нитрофикацияланиш жараёнлари, эркин ҳаёт кечиравчи азотланган бактериялар ривожланиш жараёни кечади, натижада ўсимликларнинг озиқланиши анча яхшиланади.

Суғориш натижасида ўсимликларни ўсиш жараёни анча кучаяди, ўсимликларда кучли илдиз тизими вужудга келади, бу ҳолат тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан, органик моддалар билан бойишига имкон беради.

Суғоришни тупроққа, унинг унумдорлигига таъсири билан бир қаторда салбий таъсири ҳам баъзан кузатилади. Далаларни тартибга солинмаган тарзда суғориш(ўз вақтида суформаслик, суғориш меъёрини бузган ҳолда кам ёки ортиқча суғориш) катта салбий оқибатларга олиб келади. Хусусан, ернинг устидан суғоришда сув оқимининг таъсирида ёки ёмғирлатиб суғориш усули билан суғоришда сув томчиларининг таъсирида тупроқнинг таркиби емирилади, тупроқнинг устки қисмida ғоваклар пайдо бўлади, сув ва озиқланиш режими бузилади. Тупроқ тубига синган сув ўзи билан тупроқ юзасидаги лойқа ва каллоид заррачаларни ҳам тубига олиб кетади, бунинг натижасида қаттиқ қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам сув, ҳаво ва ўсимликнинг илдизларини чуқурроқ киришига тўсқинлик қиласи.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, катта нишабликларга эга бўлган ер участкаларида ер устидан суғориш тупроқ қатламларини ювилишига, яъни тупроқларни сув эрозиясига учрашига олиб келади. Тартибсиз суғоришлар натижасида ер ости сувлари қўтарилади, бу эса ўз навбатида, тупроқларнинг ботқоқланишига ёки шўрланишига ва натижада ҳосилдорлик пасайиб кетишига олиб келади. Экинлар учун ўта зарали бўлган суғориш ва минералланган сизот сувларининг тузлари ўсимликларнинг илдиз қатламида иккиласми шўрланишни вужудга келишига замин яратади.

Суғориш сувини кўп миқдорда берилиши озуқа моддаларини йўқолишига, атроф-муҳитни ифлосланишига, айниқса сунъий ва табиий сув ҳавзаларини ифлосланишига омил бўлади, негаки сув билан нитратлар ҳам сув ҳавзаларига бориб қўйилда.

Суғориш жойнинг микроиклимига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бунда ҳарорат, ҳавонинг ер усти қатламининг намлиги ва тупроқнинг устки қатламининг намлиги ўзгаради. Суғориш суви ўсимлик танаси ва баргларида тўхтаб туриб, уларни ҳароратини пасайтиради. Намланган тупроқ аста-секинлик билан қизийди ва совийди, яъни уни иссиқлик ҳажми ошади, маданий ўсимликларнинг танаси, катта барглари тупроқни яхши соялайди. Натижада у ҳам қизийди, тупроқнинг ҳарорат режимияхшиланади.

Дала ихотазорлари, ўрмон полосалари мавжуд бўлган шароитда суғориш микроиклимга янада яхшироқ таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам ўрмон полосаларининг аксарият қисми суғориш ва коллектор-зовурлар бўйлаб ўтказилади. Ўрмон дарахтзорлари билан ҳимояланган далалар устида, одатда шамолнинг эсиши паст бўлади, ер усти қатламининг намлиги эса юкори бўлади.

Суғориш ҳосилнинг миқдори ва сифатига кўп томонлама ўз таъсирини кўрсатади. Одатда, суғориладиган экинларда йирик барглар

бақувват ҳолда шакланади, кучли илдиз тизими шакланади. Бу умумий вегетатив массани вужудга келишини таъминлайди, қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ва ҳосил сифатини ошишига имкон яратади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўтказилагн кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, сугориш натижасида уч йил давомида маккажўхори донининг ҳосилдорлиги гектарига 68,0 центнерни, сугорилмаган ҳолда эса 32,0 центнерни ташкил этди. Сугориш натижасида ҳосилдорликни 2,0-3,0 марта суғормасдан ҳосил олишга нисбатан юқори бўлганлиги тўғрисида мисолларни жуда кўп марта келтириш мумкин. Ўзбекистоннинг суғорма дехқончилиги шароитида баъзи бир экинлардан суғормасдан ҳосил олиш умуман мумкин эмас.

Ҳосилдорлик билан бир қаторда сугориш натижасида экинлар ҳосилининг сифатини оиши ҳам кузатилади.

Сугориш натижасида тупроқнинг иссиқлик режими ўзгаради, яъни, кўтарилади, сувни испарения натижасида нам кўп бўлган тупроқлар кўпроқ совийди, шундай экан йилнинг жарима иссиқ пайтларида сугориладиган тупроқлар сугорилмайдиган тупроқларга нисбатан совукроқ, совук пайтларида эса аксинча, иссиқроқ бўлади. Сугориш тупроқнинг физик, қисман тупроқнинг кимёвий хоссаларини ўзгартиргани ҳолда унумсиз ёки унумдорлиги паст бўлган тупроқларни юқори унумдор тупроқларга айлантиради. Сугоришнинг таъсири тупроқларнинг биологик режимига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади: тупроқнинг бактерияларининг ҳаёт фаолияти ошади, тупроққа бошқа бактериялар ўрнатади, тупроқда термитлар ўрнига чувалчанглар пайдо бўлади. Кузги сугориш тупроқда мавжуд бўлган заракунандаларини музлашига замин яратади. Сугориш сувлари ёрдамида тупроққа янги заррачалар тушади, бунинг натижасида янги тупроқлар вужудга келади. Масалан, Марказий Осиё ёки Ўзбекистон Республикасининг қадимдан сугориладиган ҳудудларидағи қадимдан сугориб келинаётган

тупроқларида қалинлиги бир неча метрга тенг келадиган янги тупроқларнинг сунъий қатлами вужудга келган. Суғориш экинларнинг ривожига ва ҳосилдорликка иккита йўл билан таъсир кўрсатади: экинларни намлик ва озуқа моддалари билан таъминлангани ҳолда тўғридангтўғри таъсир кўрсатади ҳамда тупроқ ва микроиклим орқали иккиласми чарзда таъсир кўрсатади. Юқорида эътироф этилганидек, суғориш натижасида ҳосилнинг сифати кескин ошади, экинлар органларидаги углеводларнинг миқдори кўпаяди. Хусусан, оптимал миқдорларда суғориш лавлаги илдиз мевасидаги шакар миқдорини оширади. Узум, олма, қулупнай, олча, шафтоли, олхўри дараҳтларини камроқ миқдорларда суғориш улардаги шакар миқдорини оширади, ҳосилдорлигин кескин ошиши эса улар таркибидаги шакар миқдорини ҳам катта миқдорларида ошишига олиб келади. Кунгабоқар, кунжут, соя каби экинларни суғориш натижасида уларни ёғлилик миқдори ошиши кузатилади.

Сунъий суғоришни амалга ошириш учун суғориш тизимларидан фойдаланилади. Суғориш тизимлари деганда, одатда, суғориш манбаларидан сувни олиш, уни суғориш даласигача олиб бориш ва суғориш ишларини ўтказиш учун зарур бўладиган иншоотлар, механизmlар ҳамда турли қурилмалар тўпламига айтилади.

Суғориш манбаларидан сувни олиш усулларига қараб суғориш тизимлари икки гуруҳга, яъни ўзи оқар ва механик тарзда сув кўтаришга бўлинади. Ўзи оқар суғориш тизими, асосан суғориш массиви сиртининг отметкаси суғориш манбасидаги суғориш суви сиртининг отметкасидан паст бўлган ҳолатларда қўлланилади. Бунда суғориш суви далаларга ўз оқими билан тарқатилади. Механик тарзда сув кўтариш асосидаги тизим асосан суғориш далаларининг юзасини отметкаси суғориш манбасидаги сув сиртининг отметкасидан юқори бўлган ҳолатларда қўлланилади.

Бундай ҳолда суғориладиган майдонга суғориш сувини бериш учун сувни механик тарзда кўтариш усулидан фойдаланилади.

Суғориш тўғрисида сўз юритганда, асосан суғориш турлари алоҳида ўрин тутади. Суғоришнинг асосий тури бу – намлантириш, яъни тупроқда экинлар учун ер устини ўзи оқар усулда суғориш, ёмғирлатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилатиб суғориш усулларидан фойдаланилади. Суғориш усуллари ва уни ўтказиш техникаси маълум талабларга жавоб бериши зарур:

- Ерни устикки қисмидан ортиқча сувларни чиқариб ташламасдан даланинг барча қисмларидаги илдиз ривожланадиган қатламни тенг микдорларда намланишини таъминлаш;
- Тупроқнинг таркибини бузмаслиги ҳамда эрозияланишига йўл қўймаслиги;
- Кишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаштиришга тўсик бўлмаслиги;
- Кам энергия ва материаллар сарфлаган ҳолда суғоришда юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш.

Ўзиоқар суғориш – бу эгатлар бўйлаб суғориш ва далани тошириб суғоришdir. Эгатлар бўйлаб суғориш асосан пахта, картошка, озуқа экинлари, баъзи бир сабзавот экинларини етиштиришда кенг кўлланилади. Далаларни тошириб суғориш асосан, шоли етиштиришда, далаларни шўрини ювишда ҳамда лиманли суғоришда кўлланилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида пахта, ғалла, полиз, картошка, шоли ва бошқа озуқа экинларни етиштиришда асосан юқоридаги суғориш усулларидан кенг фойдаланилади.

Тупроқларни сунъий намлантиришнинг анчагина такомиллашган усули – ёмғирлатиб суғориш, бунда сув далага ёмғир кўринишида берилади. Кишлоқ хўжалигининг энергия таъминоти органи сайин юқори унум билан таъминлайдиган ёмғирлатиб суғориш механизмларини

жорий этиш кўлами оша боради. Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида ҳам ёмғирлатиб суғориш усулидан фойдаланилади. Бу усул бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида далаларни етарли даражада намлик билан таъминлашда бизнингча, асосий суғориш усулларидан бири сифатида ривожлантирилиши мақсадга мувофик бўлади.

Тупроқ ичидан ва томчилатиб суғориш усуллари боғлар, узумзорлар, сабзавот экинларини сугоришда катта самара беради. Уларни катта далаларда қўллаш ишлари қурилиш тизимларнинг қимматлиги сабабли кечикмоқда, аммо қайд қилиш зарурки, бу усуллари анъанавий суғориш усулларга қараганда ўзларининг юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси сингари жарима иссиқлик шароитида бу ууллар сувни катта микдорларда иқтисод қилиш имконини беради. Бундан ташқари бу усулларни автоматлаштириш, яъни суғоришни автоматлашган тизимга ўтказиш мумкин.

Суғориш сувини тупроқ унумдорлигига ижобий таъсири тўғрисида сўз юритилар экан, ўз навбатида, ушбу суғориш турларини ҳам алоҳида қайд қилиш зарур бўлади. Хусусан, республиканинг сугориладиган минтақаларида қуйидаги суғориш турлари кенг тарқалган:

- Экинлар вегетация давридаги суғориш, намликни сарфланишга қараб уни заҳирасини тиклашга имкон беради;
- Экиш олдидан суғориш, экиш олдидан тупроқлар намлигини таъминлайди.

Булардан ташқари, шўрланган тупроқларни шўрини ювиш мақсадларида шўр ювиш суғоришлари ҳам амалга оширилади. Шўр ювиш натижасида ҳам тупроқ маълум даражада намланади ва яхшиланади. Аммо бу холатда тупроқнинг шўрланиш даражаси бирмунча камайишига шароит яратилади. Тупроқ таркибидағи туз микдорининг камайиши ҳам унинг унумдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, сугоридадиган тупроқларни суғориш

суви билан таъминланиш даражаси қанчалик юқори бўлишига эришиш унинг унумдорлигини оширишга замин бўлади. Бу холат бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида катта амалий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжаликлари ерларини иқтисодий (норматив) қийматини аниқлашда, айниқса, суғориладиган тупроқлар бонитировкасини ўтказишида бу холатларни албатта эътиборга олиш зарур, деб хисоблаймиз.

## **4 БОБ. ЧЕКЛАНГАН СУВ ТАҚСИМОТИ ШАРОИТИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **4.1. Чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган тупроқларниң ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш**

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни ташкил этиш тизимида бугунги бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган тадбирлар занжирида тупроқларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, яъни тупроқ бонитировкасини объектив тарзда ўтказиш ҳамда унинг натижаларидан ерларни норматив қийматини аниқлаш, фермер хўжаликларининг қатор масалаларини ҳал қилиш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Республикаиздаги суғориладиган худудларга сув тақсимотини белгиланган лимитларга асосан амалга оширилаётганлиги эса бундай ерларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолашга алоҳда эътибор билан ёндашишни талаб қиласди, негаки чекланган сув тақсимоти шароитида далаларни уларда етиштирилаётган экинларнинг талабларига мос сув билан таъминлаш учун худуддаги барча суғориш тизимлари бут бўлиши, сув тежамкор технологияларга эга бўлиши зарур. Аммо ҳозирги кунга қадар мамлакат ҳудудларидаги суғориш тизимларининг аксарият қисми юқоридаги талабларга жавоб бермайди. Бу эса, ўз навбатида,

белгиганган микдорларда далаларга суғориш сувини етиб бормаслигига ва охир-оқибатда тупроқларнинг табиий ишлаб чиқариш имкониятларини пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам айнан чекланган сув тақсимоти шароитида бу масалани илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ҳал қилиш бажарилаётган тупроқ бонитировкаси натижаларига ижобий таъсир кўрсатади, суғориладиган ерларнинг норматив қийматини анчагина объектив тарзда баҳолашга имкон беради.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга айланган фермер хўжаликлари ер майдонларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, улар худудида тарқалган тупроқлар унумдорлигини яхшилаш, мавжуд моддий техника базасидан, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга, энг аввало, суғориш сувидан мумкин қадар яхшироқ фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қайд қилинганлар ичида охирги омил шу билан алоҳида аҳамиятга эгаки, мамлакат қишлоқ хўжалигини кейинги йиллари чекланган сув тақсимотига ўтганлиги ҳам айнан ушбу ресурсдан мумкин қадар тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Иккинчи томондан, суғориладиган тупроқларга ўсимликлар ўсиши етарли микдорларда сув бермаслик улар унумдорлигини пасайишига ва суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини чекланишига замин яратади [30]. Шу сабабли ҳам фермер хўжаликлари ерларининг норматив қийматини аниқлашда ушбу шароитни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Олиб борилган тадқиқотлар жараёни шуни кўрсатадики, “Давергеодезкадастр” давлат қўмитасининг расмий маълумотларга қараганда, республика бўйича фермер хўжаликларининг умумий сони 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 153385 тани, шу жумладан пахта-ғаллачиликда 50651 тани, ғаллачиликда 7914 тани, чорвачиликда 8915 тани, боғдорчиликда 48159 та, узумчиликда 13441 та, сабзавотчилик-

полизчиликда 6772 та, тутчиликда 3372 та ва бошқа йўналишларда 14162 тани ташкил этади [9, 146]. Улар тасарруфидаги ер майдонларининг умумий майдони 6839,4 минг гектарни, шу жумладан экин ерлари 3400,9 минг гектарни, кўп йиллик дараҳтзорлар 290,2 минг гектарни, бўз ерлар 32,7 минг гектарни, яйлов ва пичанзорлар 2522,9 минг гектарни ва бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 952,7 минг гектарни ташкил эжтади [9, 156]. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу майдонларнинг аксарият қисми (68,9 фоизи) сугориладиган ерларни ташкил этади. Улардан фойдаланиш даражаси эса айнан ушбу ҳудудларда тарқалган тупроқларнинг унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тупроқшунослик назариясидан маълумки, тупроқнинг энг муҳим хусусияти унинг унумдорлигидир [20, 266]. Ҳар бир тупроқнинг унумдорлиги бевосита уни вужудга келиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, тупроқни ривожланиш жараёнида унинг унумдорлиги доимий равишда ўзгариб туради. Унинг ўзгариши айниқса инсон фаолияти таъсирида тезроқ кечади.

Республикамиз тупроқ-иқлимий, геоморфологик ва гидрогеологик шароитларининг ўзига хослиги, хусусан, тупроқлар унумдорлигини кўп жиҳатдан инсон фаолияти билан бир қаторда табиий омиллар билан ҳам боғлиқлиги ўзининг миңтақавий хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам сизот сувлари табиий оқими чегараланган ҳудудларда иккиламчи шўрланиш кузатилса, нишаблини катта ерларда сув эрозияси кузатилади. Бу жараёнлар, сўзсиз, тупроқлар унумдорлигига катта сальбий кўрсатади. Юқоридагилар билан бир қаторда, жойнинг тупроқ-иқлим шароитига, айниқса ўсимлик талабига мос равишда сугориш меъёрларига ва муддатларига риоя қилинмаслик ҳам тупроқлар унумдорлигини пасайишига олиб келади [20, 24].

Қатор тупроқшунос олимлар эътироф этишича [22,24,25,26], республика ҳудудларида тарқалган сугориладиган тупроқлар табиатан

кам гумуслидир. Шунга қарамасдан, унинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти каттадир. Тупроқлардаги мавжуд гумус ва озиқа моддаларини экинлар эркин ўзлаштиришида суғориш сувининг ўрни алоҳидадир. Шу сабабли ҳам экинларни вегетация даврида ўз вақтида этарли миқдорда суғориш тупроқлар унумдорлигини оширади, тупроққа солинган минерал ва органик ўғитларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилишига имкон яратади.

Шуни қайд қилиш жоизки, суғориладиган дехқончилик шароитида тупроқларни сифат жиҳатидан баҳоси доимий равишда ўзгариб туради. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ҳисобига уларнинг унумдорлик дарачаси ва сифат баҳоси ошиши кузатилади. Бунда суғориш суви билан далаларни меъёрида таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи томондан, далаларга экилган қишлоқ хўжалик экинларини ҳам суғориш сувига бўлган талаби ҳам ҳисобга олиниши зарур. Масалан, ғўза экини ўзининг вегетация даврида жойдаги тупроқларнинг хусусиятларига ва экин навига қараб, гектарига 4000-6000 м<sup>3</sup>, маккажӯҳори 3000-4000 м<sup>3</sup>, сабзавот экинлари 6000-8000 м<sup>3</sup> сув талаб қиласди. Экинларнинг сув сарфи меъёрлари ҳам ушбу ҳудудда тарқалган тупроқлар унумдорлиги билан узвий боғлиқдир. Демак, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ушбу экинларни ўз меъёрлари даражасида суғориш суви билан таъминлаш юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бу қатор тупроқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан тасдиқланган [23,24,25]. Хусусан, суғориш сувининг таъсирида тупроқларнинг агрономик хусусиятлари, сув-ҳаво, иссиқлик ва озукаланиш режимлари, микробиологик фаоллиги кўп жиҳатдан ўзгаради, суғориладиган ҳудуднинг микроиқлим шароитида катта ижобий ўзгаришлар юз беради [24,25,35].

Суғориш суви билан тупроққа лойқа заррачалар келади, уларни йиғилиш ва маълум жойларда тўпланиш натижасида унумдор қатlam вужудга келади. Сув жуда яхши эрувчан суюқликдир, бу ҳолат тупроққа солинган минерал ва органик ўғитлардаги озуқа элементларини ўсимликларга тўла сафарбар бўлишга имкон беради ва ўсимликларнинг озуқа режимини яхшилайди [22]. Суғориш йўли билан мақбул сув-ҳаво режимини ушлаб туриш натижасида тупроқда микробиологик жараёнлар, аммонийфикацияланиш ва нитрофикацияланиш жараёнлари, эркин ҳаёт кечиравчи азотланган бактерияларнинг ривожланиш жараёни кечади, натижада ўсимликларни азот билан озиқланиши анча яхшиланади.

Суғориш натижасида ўсимликларни ўсиш жараёни анчагина кучаяди, ўсимликларда кучли илдиз тизими вужудга келади, бу ҳолат тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан, органик моддалар билан бойишига имкон беради [22,25,28].

Юқоридаги тадқиқотлардан хulosа қилиш мумкинки, суғориш сувидан меъёр даражасида фойдаланилганда тупроқларнинг унумдорлиги яхшиланади, сифат хусусияти ижобийлашади. Бу эса, сўзсиз ушбу суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятини оширади, норматив қийматини кўтаради. Аммо бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида барча суғориладиган экин майдонларида бунга эришиш жуда мушкул, негаки бу факат магистрал ва маҳаллий суғориш тармоқлари замонавий типда қурилган, суғориш суви фойдасиз энг кам миқдорларда сарф бўладиган, лимит асосида юборилгаг сувнинг асосий қисми айнан экин далаларига етиб борадиган худудлардагина кузатилиши мумкин. Қайд қилиш зарурки, бугунги кунда республикамизнинг суғориладиган минтақаларида бундай шароитга эга бўлган худудлар унчалик кўп эмас. Қадимдан суғориладиган дехқончилик қилинадиган минтақалардаги аксарият суғориш тармоқлари тупроқ асосли, яъни ер қаъридан қазилган, улардан оқадиган сувларнинг 36,0-38,0 фоизи оқим йўлида, далага

боргунга қадар ерга сингиб кетади. “Суввойиха” институтининг берган маълумотларида қараганда, республикадаги мавжуд магистрал каналларнинг 28,0 фоизи, маҳаллий суғориш каналларининг 36,0 фоизи қайта таъмирлаш, бетонлаштиришга муҳтож [ 29 ].

Демак, экин далаларининг бир қисмига белгиланган меъёрлардаги суғориш суви етиб бормайди. Бу эса, сўзсиз, суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятларида ва иқтисодий қийматига салбий таъсир кўрсатади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бугунги кунда суғориладиган тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини, яъни табиий унумдорлигини қиёсий баҳолаш (бонитировка қилиш) нинг амалдаги мавжуд услубияттдаги тузатма коэффициентлар қаторига яна битта, суғориш суви билан таъминланиш бўйича ҳам тузутма коэффициент киритиш мақсадга мувофик бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, тупроқ бонитировкаси - бу тупроқларнинг табиий унумдорлигини, яъни табиий ишлаб чиқариш имкониятларини қиёсий баҳолашдир. Бундай баҳолаш услубияти, яъни тупроқ бонитировкасини хисоблаш услубияти республикамизнинг суғориладиган тупроқлари учун ўтган, XX асрнинг ўрталарида яратилган ва кейинчалик у анчагина такомиллаштирилган [32]. Бугунги кунда суғориладиган тупроқлар бонитировкасини аниқлаш айнан ушбу такомиллашган услубият асосида амалга оширилмоқда. Бунда, биринчи навбатда, бонитировка шкаласидан фойдаланилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқларининг бонитировка шкаласи кўп йиллик тупроқларни ўрганиш, агрехимиявий, агрохўжалик кузатувлари маълумотларини жамлаш асосида тузилган. Хамма тупроқлар учун уларнинг келиб чиқиш генезиси, суғорилиш ва маданийлашганлик даври баҳолаш шкаласида умумий баҳолаш мъезонлари сифатида эътиборга олинган.

Оптималь шароитда, яъни шўрланиш ва эрозияга учрамаган механик таркиби қониқарли, тоғ замини яхши дренажланадиган

тупроқларнинг сифат кўрсаткичлари асосида айнан шундай асосий баҳолаш шкаласи тузилган ва амалиётга киритилган. Ушбу услубиятга биноан асосий баҳолаш шкаласидан олинган бонитет баллига тупроқлар аниқ жойлашган ҳудудларининг термик ресурслари, шунингдек, аниқ тупроқларнинг қатор диагностик белгилари, жумладан, тупроқларнинг механик таркиби, шўрланиш даражаси, тупроқ ости қатламининг дренланганлиги, тупроқларнинг ювилиш даражаси, гипс қатламининг чуқурлиги, ер ости сувларининг чуқурлиги ва жойнинг тошлоқлиги бўйича тузатма коэффициентлар киритилади [32]. Улар маҳсус лаборатория шароитида тупроқларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва тупроқ бонитировкасини ўтказиш жараёнида хисобга олинади. Демак, баҳолаш шкаласидан олинган бонитет баллига тупроқларнинг юқоридаги хусусиятлари бўйича киритиладиган тузатма коэффициентларни кўпайтириш орқали ҳар бир аниқ тупроқнинг бонитет балли аниқланади.

Яъни:

$$B_t = B_{sh} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_n, \dots \dots \dots \quad (12)$$

Бугунги кунда ҳам суғориладиган тупроқлар бонитировкасини аниқлаш ушбу услубиятда амалга ошириляпти.

Аммо биз таклиф этаётган суғориш суви билан таъминланиш бўйича киритиладиган тузатма коэффициентни юқоридаги коэффициентлар қаторига қўйиш муаммони ижобий ҳал қилишга имкон бермайди. Гап шундаки, тупроқлар чегаралари фермер хўжаликлари ер участкаларининг ёки далаларининг чегараларига мос келмайди, негаки тупроқлар чегаралари ушбу жойда кечадиган табиий жараёнларга боғлиқ ҳолда шаклланган, далаларининг чегаралари эса сунъий чегаралардир. Одатда фермер хўжаликлари далаларининг чегаралари бўлиб суғориш каналлари, йўл тармоқлари, коллектор-зовурлар хизмат қиласи. Шундай экан, ҳар бир далаларни суғориш суви билан таъминланиш даражаси

ушбу далага сугориш сувини олиб келишга имкон берувчи сугориш тармоқлари, каналларнинг мавжуд ҳолатига боғлиқдир. Демак, сугориш суви билан таъминланиши бўйича киритилиши кўзда тутиладиган тузатма коэффициентлар фақатгина ҳар бир экин даласи бўйича тупроқларнинг ўртача бонитет қўрсаткичи аниқланганидан кейингина киритилиши мумкин бўлади, яъни, олдинига ҳар бир даланинг ўртача бонитет балли ушбу тенглик билан аниқланади[1]

$$B_{\text{урт.д}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + P_3 + \dots + P_n}, \quad (13)$$

бу ерда:  $B_1, B_2, \dots, B_n$ - далада тарқалган тупроқларнинг бонитет балли,

$P_1, P_2, \dots, P_n$  - тупроқлар эгаллаган майдон, га

Шундан кейингинадаларни сугориш сувини билан таъминланиши бўйича қобул қилинган тузатма коэффициентлардан фойдаланган холда далада тарқалган тупроқларнинг ўртача бонитетини хисоблаш мумкин, яъни:

$$B_{\text{урт.д}} = B_{\text{урт.д}} * K_c, \quad (14)$$

бу ерда,  $K_c$ - сугориш сувини билан далаларни таъминланиш даражасига киритиладиган тузатма. Бу тузутмалар қуидагича бўлиши тавсия қилинади (11-жадвал)

Далаларни сугориш сувини билан таъминланиш даражасига қараб тузатма коэффициентлар.

Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	$K_c$	Сув билан таъминланиш даражаси, фоиз	$K_c$
--------------------------------------	-------	--------------------------------------	-------

100,0	1,00	50,0	0,75
90,0	0,95	40,0	0,70
80,0	0,90	30,0	0,65
70,0	0,85	20,0	0,60
60,0	0,80	10,0	0,55

Ушбу коэффициентларни қўллаш учун олдинига фермер хўжалигининг ҳар бир даласи ва умумий хўжалик бўйича мавжуд тупроқларнинг ўртacha бонитет баллари ҳисобланади ва шундан кейингина ушбу ҳисобланган ўртacha бонитет баллига фермер хўжалиги далаларини суғориш суви билан таъминланиш даражасига қараб тегишли тузатмаларни киритиб ушбу хўжалиқда тарқалган тупроқларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш имкониятлари аниқланади. Шундан кейингина тупроқларнинг охирги ҳисобланган тупроқ бонитировкаси маълумотлари асосида суғориладиган экин ерларининг норматив қийматини мавжуд услубият бўйича ҳисоблаб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб юқорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса қилиш мумкинки, таклиф этилаётган услубият билан суғориладиган тупроқларнинг табиий унумдорлигини ёки табиий ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш бугунги чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган ер майдонларининг ишлаб чиқариш қобилиятини, яъни норматив қийматини анчагина тўғри аниқлашга имконият яратади. Демак, бугунги чекланган сув тақсимотида суғориш сувидан мумкин қадар самарали фойдаланиш ерларнинг иқтисодий унумдорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб қолаверади.

## **4.2. Фермер хўжаликлари ерларини иқтисодий (норматив) қийматини аниқлаш**

Ерларни иқтисодий баҳолаш-ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги солиштирма қийматини аниқлаш дегани. Бу кўрсаткичлар ҳам нисбий катталиқда (балларда) ҳам абсолют кўрсаткичларда, яъни ерга ҳисоблаб чиқилган шартли нархларда бўлади.

Шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, ери иқтисодий баҳолаш ва тупроқларни бонитировка қилиш ўртасида узвий боғлиқлик ва бир-бирига нисбатан кескин фарқ мавжуд. Тупроқларни бонитировка қилишда ишлаб чиқариш шароитлари эмас, асосан ўсимлик ўсиши учун зарур бўлган табиий хоссалари ҳисобга олиниб, гурухларга бўлинади. Иқтисодий баҳолашда эса ернинг табиий сифати ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари унинг табиий - иқтисодий шароитларига мос равища ҳисобга олинади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, тупроқларни бонитировка қилиш натижалари ерларни иқтисодий баҳолашда асос сифатида олинади. Яъни ҳар бир бир контурда ҳар хил балл бонитети мавжуд бўлиб, фермер хўжалигидаги контурларда ўртacha балл бонитети меъёрий қийматни ҳисоблаб чиқиш асосий кўрсаткич қилиб олинади.

Қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш натижалари асосан ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, ер солиги ставкаларини аниқлаш, ер майдонларини белгиланган меъёрда ажратилганидан ташқари қишлоқ жойларда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалигига бериш, банк томонидан кредит бериш, ким ошди савдоси (аукционлар) орқали сотиш учун бошланғич баҳосини белгилаш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар учун қўлланилади.[22]

Барча қишлоқ хўжалик ер майдонлари ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш объекти бўлиб хизмат қиласди. Бунда ерларни баҳолаш бўйича белгиланган ҳудудий ҳисоб бирликлари қуидагилардир:

-ички хўжалик миқъёсида: тупроқ сифати бўйича (бонитети) бир хил бўлган ҳайдалма ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари. Бундай ҳолда ерларнинг баҳоси ички хўжалик масалаларини ҳал қилиш, дехкон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, курилишлар, сугориладиган ерларни текислаш мақсадлари учун аниқланади;

-умумий жиҳатдан (жами ер майдони бўйича) ерларнинг баҳоси ер учун солиқ ставкаси миқдорларини ҳисоблаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиб банкдан кредит олиш, учун ҳисоблаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчилар ерларни иқтисодий баҳолаш субъектлари ҳисобланадилар.

Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш жараёнида сугориладиган ерларни баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Экинларни етишириш учун муҳим ҳисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоси (тупроқ бонитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатидаги меъёрий соф даромад сугориладиган ерларнинг баҳосини аниқлаш учун асос қилиб олинади. [22]

Норматив қийматни аниқлаш норматив кўрсаткичларни, ер кадастрига оид статистик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда фойдани капиталлаштириш асосидаги даромадли ёндашувдан фойдаланиб бажарилади. Норматив қийматни аниқлаш натижалари ишлаб чиқилиб,

ягона ер солигини ҳисоблаш учун Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив - қийматни аниқлаш обьекти ҳисобланади.[8]

Норматив қийматни аниқлаш даври ҳар йили ўтказилади. Норматив қийматни аниқлаш даврлари оралиғида норматив қийматни аниқлаш бўйичаахолини эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ва давлатнинг қонунларига зид бўлмаган ҳолда хужжатларга ўзгартириш киритиб борилади. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш ва ягона ер солигини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарори билан тасдиқланган“Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби” куйидаги босқичларга мувофиқ амалга оширилади.

Ерларнинг норматив қийматини аниқлаш босқичларини бажаришга масъул идоралар томонидан белгиланган вазифасига кўра тегишли маълумотларни шакллантиради.

Жумладан:

1-босқичда Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар ойда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртacha йиллик нархлари ва экин майдони тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан йил мобайнида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштириш ҳаражатларини ва ўртacha фойда нормасини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб ишлари ҳисоблаб чиқилади;

2-босқичдаңар йили 1апрелга қадар Давлат статистика қўмитаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртача йиллик нархлари ва экин майдони тўғрисидаги маълумотлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишнинг асосий турлари бўйича фойданинг ўртача нормалари ҳақидаги маълумотлар Давергеодезкадастр қўмитасига тақдим этилади.[8]

3-босқичдаңар йили 1июнгача Давергеодезкадастр қўмитаси ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш ишлари билан шуғулланади.

4-босқичдажорий йилнинг июн ойи биринчи ўн кунлигига Давергеодезкадастр қўмитаситомонидан қишлоқ хўжалиги экин майдонларини норматив қийматини аниқлаш ишлари амалга оширилиб, натижалари Молия вазирлигига тақдим этилади.

5-босқичдаңар йили 15 октябргача Молия вазирлигигата тақдим этилган маълумотлар асосида келгуси календар, йил учун ягона ер солиғи ставкаси микдори аниқланиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

6-босқичдаңар йили 31 декабргача Молия вазирлигига келгуси йил учун ягона ер солиғи ставкасини тасдиқлаш учун Хукуматга киритади.

7-босқичда Давергеодезкадастр қўмитаси ягона ер солиғи тасдиқлагандан кейин январ ойининг биринчи 10 кунлигига даңар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқувчиси қишлоқ хўжалиги экин майдонларини қийматини аниқлаш ҳақидаги материалларни Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этади.

8-босқичда Давлат солиқ қўмитасимай ойигача ҳисоблаш тўлов муддатлари, 1-босқич-1 июлгача, 2-босқич-21 сентябргача, 3-босқич-

1 декабргачаягона ер солиғини ҳисоблаш ва унинг тушишини назорат қилиш ишларини тартибга солади.[8]

Норматив қийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти “Ўздаверлойиҳа” томонидан амалга оширилади.

Норматив қиймат ишлаб чиқариш ресурси сифатида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифатини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

1 га қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- тупроқнинг сифатини ва табиий ем-харакат экин майдонлари (пичанзорлар ва яйловлар)ни баҳолаш кўрсаткичлари;
- асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дараҳтлар тузилмаси;
- қишлоқ хўжалиги экинлари, кўп йиллик дараҳтлар ва ем-харакатбоп экин майдонларининг норматив ҳосилдорлиги;
- қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив унумдорлиги;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳисоблаб чиқилган фойда олиши;
- дехқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртача йиллик нархлари ҳамда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг ўртача харид нархлари;
- фойданинг капиталлашуви фоизи.

Норматив қийматни аниқлашда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг индивидуал рента ҳосил қилувчи омиллари - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлиги, тупроқнинг сифати, экин майдонлари тузилмаси ва суғориш учун сув чиқариш усули (оқар сув ёки машина усули), сув билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.[8]

Биз асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив ҳосилдорлиги тупроқларнинг ўртача бонитет бали билан қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқ бонитетининг бир бонитет балига мос норматив ҳосилдорликнинг йиғиндиси сифатида кўйидаги ҳосилдорлик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқамиз.

12-жадвал

### **Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг бир бонитет балга нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги**

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дараҳтлар	Тупроқнинг бир бонитет балига нисбатан норматив ҳосилдорлиги, ц/га
Суғориладиган ерларда	
Ғўза	0,4
Бошоқли дон экинлари	0,6
Тамаки	0,45
Шоли	0,7
Бир йиллик ўтлар (яшил ем-хашак)	3,0
Сабзавотлар	3,0
Полиз махсулотлари	2,7
Ўтган йиллардаги беда	2,0
Дон учун маккажӯхори	0,75

Ем-хашакбоп илдизмевали ўсимликлар	9,0
Картошка	2,0
Боғлар (ўрта ҳисобда)	0,6
Токзорлар (ўрта ҳисобда)	0,8
Лалми ерларда	
Кузги буғдой	0,25
Кузги арпа	0,20
Баҳорги нўхат	0,12

12 - жадвалдан кўриниб турибдики қишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дараҳтларнинг бир бонитет балиги нисбатан норматив ҳосилдорлигини ҳисоблаш учун бир гектар ер майдонидан олинган ҳосилни центинерга айлантириш орқали жадвалдаги рақамлардан фойдаланамиз.

1 га майдондаги асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги тегишли маъмурий минтақадаги норматив қийматни аниқлаш давридан олдин юзага келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг ўртача йиллик нархларига боғлиқ равишда қиймат ифодасида қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$Н_{ПСК} = Н_у \times Ц_{РК}, \text{ бунда:} \quad (1)$$

Н<sub>ПСК</sub> - 1 га қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги, минг сўм;

Н<sub>у</sub> - қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив ҳосилдорлиги, ц/га;

Ц<sub>РК</sub> - деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишли турига ўртача йиллик нарх, минг сўм/ц, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг харид нархи минг сўм/ц;

Озуқа әкинларининг норматив унумдорлигини 13-жадвалда келтирилган маҳсулотларимизнинг ҳосилдорлигини буғдой эквивалент ҳосилдорлигига айлантириш ёрдамида ҳисоблаб чиқамиз.[8]

### **Озуқа әкинларининг озуқа бирлигига ифодаланган норматив унумдорлиги**

13-жадвал

<b>Қишлоқ хўжалиги озуқа әкинлари</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги әкинларининг бир килограмми маҳсулотидаги озуқа бирликлари таркиби (кг)</b>
Бошоқли дон әкинлари	1,2
Бир йиллик ўтлар (яшил ем-хашак)	0,17
Ўтган йиллардаги беда (яшил ем учун)	0,21
Хашаки беда	0,49
Дон учун маккажӯҳори	1,34
Ем-хашакбоп илдизмевали ўсимликлар	0,12

Суғориладиган 1 га ҳайдов ердан олинадиган ҳисоблаб чиқилган фойдани аниқлашда ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашнинг шу йилдан олдинги йилда шаклланган экин майдонлари тузилмаси қўлланилади.[8]

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича олдинги йил учун қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика маълумотлари асосида аниқланади. Маълумотлар статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига ҳар йили 1 апрелгача тақдим этилади. Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойихалаш институти “Ўздаверлойиха” ушбу статистик маълумотлар асосида меъёрий қиймат ишлаб чиқади.

Ўтган йилдаги экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг минтақавий бўлинмалари томонидан тақдим этилган маълумотлари бўйича жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режасига мувофиқ экин майдонлари тузилмаси қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари бўйича фойданинг ҳисоблаб чиқилган миқдори қишлоқ хўжалиги экин майдонлари сифатидан келиб чиқиб фоизларда маҳсулот қийматига ва туман бўйича ўртacha тупроқларнинг ҳар бир класс бўйича маҳсулотларни етиштиришга ўртacha харажатларга боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Тупроқларнинг алоҳида паст унумдорли класслари бўйича салбий қийматларда фоизларда фойданинг ҳисоблаб чиқилган миқдори олинган тақдирда салбий қийматли ернинг қийматини истисно қилиш учун 0,01 фойда фоизи қўлланилади.

Маҳсулот қиймати тўғрисидаги ўртacha маълумотлар ва бирор-бир ўсимлик бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўртacha харажатлар мавжуд бўлмаган тақдирда бошоқли дон экинлари бўйича ҳисоблаб чиқилган маълумотлар қўлланилади.

Сифати турлича бўлган ерлар бўйича 1 га сугориладиган ҳайдов ердан олинадиган фойданинг ҳисоблаб чиқилган миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{np} = \frac{\frac{Ниск_1 \times Пк_1}{100} \times Рн_1 + \dots + \frac{Ниск_n \times Пк_n}{100} \times Рн_n}{Пк_1 + \dots + Пк_n}, \text{ бунда: } \quad (2)$$

Пр-1 га сугориладиган ҳайдов ердан олинадиган ҳисоблаб чиқиладиган фойда, минг сўм;

Нпск<sub>1</sub>-Нпск<sub>н</sub>- қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги, минг сўм/га;

Пк<sub>1</sub>-Пк<sub>н</sub> - экин майдонлари, га

R<sub>H1</sub>-R<sub>Hn</sub> - тупроқ сифати турлича бўлган ерларда турли хил экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фойдасининг ҳисоблаб чиқилган миқдори, фоизларда.[8]

1 га сугориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_n = \frac{Pr \times K_1 x K_2 x K_3}{P} \times 100, \text{ бунда: } \quad (3)$$

C<sub>n</sub> - сугориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати, минг сўм/га;

Pr - сугориладиган ҳайдов ердан олинадиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм/га;

P - ҳисоблаб чиқиладиган фойданинг капиталлашуви фоизи;

K<sub>1</sub> - хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлиги даражаси ҳисобга олинадиган мантақавий коэффициент;

K<sub>2</sub> - сугориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинадиган коэффициент;

K<sub>3</sub> - ҳосилнинг нобуд бўлиш фоизи ҳисобга олинадиган коэффициент;

Ҳисоблаб чиқилган фойданинг капиталлашуви фоизи 5% миқдорида қабул қилинади. Массивнинг норматив

қийматикўрсаткичларини ҳисоблашда бизга ҳар бир массивнинг ишлаб чиқариш интенсивлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда минтақавий коэффицентлар ҳисобга олинади.[8]

Хўжалик юритиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интенсивлигини ҳисобга оладиган минтақавий коэффициент ( $K_1$ ) кўрсаткичлари 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

**Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши  
интенсивлиги даражаси ҳисобга олинган минтақавий  
коэффициентлар**

<b>Маъмурий-худудий тузилмалар ва минтақалар</b>	<b>Минтақавий коэффициентлар (<math>K_1</math>)</b>
<b>Қашқадарё вилояти</b>	0,8
<b>Тоғолди минтақаси</b> (Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Қамаши, Чироқчи туманлари)	0,8
<b>Чўл минтақаси</b> (Қарши, Нишон, Миришкор, Касби, Косон, Муборак туманлари)	0,7
<b>Дехқонобод тумани</b>	0,6

3-жадвалда Қашқадарё вилояти бўйича хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интенсивлиги даражаси ҳисобга олинган фақат Қашқадарё вилоятига мансуб минтақавий коэффицентлар келтириб ўтилган ва биз бу кўрсаткичлардан 1 га ер майдонининг норматив қийматини ҳисоблаш учун фойдаланамиз.

15- жадвалда Товар ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан сугориш учун хўжалик ички сугориш тизимиға сув чиқариш усули (оқар сув ёки машина усули) ҳисобга олинган коэффициент ( $K_2$ ) республика бўйича ягона ифодада барча сугориш майдонлари бўйича оқар сув билан сугориш

## **Суғориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинадиган коэффициентлар**

15-жадвал

<b>Оқар сув улуши, %</b>	<b>Коэффициент (<math>K_2</math>)</b>
0 - 9	0,883
10 - 19	0,893
20 - 29	0,904
30 - 39	0,915
40 - 49	0,926
50 - 59	0,938
60 - 69	0,950
70 - 79	0,962
80 - 89	0,974
90 - 99	0,987
100	1

улуси келтириб ўтилган ва ушбу кўрсатгичлар фермер хўжалигининг 1 га ер майдонининг норматив қийматини ҳисоблашда кенг кўлланилади.[8]

16-жадвалда Кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган тақдирда ҳосил нобуд бўлиши ва тегишли равишда қимматилик йўқотилишини ҳисобга оладиган коэффициенттартибида мажбуриятлар билан чекланган ер участкасидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг бонитет бали ва улушкига қараб республика бўйича ягона кўрсаткичлар кўрсатиб ўтилган.

## Хосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффициентлари( $\kappa_3$ )

16-жадвал

Бонитет бали	Заҳарли кимёвий дориларни қўллаш чекланган худудлар улуши, %									
	1 - 10	1 - 20	1 - 30	1 - 40	1 - 50	1 - 60	1 - 70	1 - 80	1 - 90	- 100
<b>3</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 40</b>	,948	,895	,843	,790	,738	,685	,633	,580	,528	475
<b>4</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 50</b>	,959	,918	,878	,837	,796	,755	,714	,674	,633	592
<b>5</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 60</b>	,967	,933	,900	,866	,833	,800	,766	,733	,699	666
<b>6</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 70</b>	,972	,943	,915	,887	,859	,830	,802	,774	,745	717
<b>7</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 80</b>	,976	,951	,927	,902	,878	,853	,829	,804	,780	755
<b>8</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 90</b>	,978	,957	,935	,914	,892	,870	,849	,827	,806	784
<b>9</b>	0		0	0	0	0		0	0	0,
<b>1 - 100</b>	,981	,961	,949	,923	,904	,884	,865	,846	,826	807

1 га суғориладиган бўз ерларнинг норматив қиймати 0,1 коэффициенти қўлланилган ҳолда суғориладиган ҳайдалма ерларнинг қиймати бўйича аниқланади.

Кишлоп ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғориладиган ҳайдов ери бўлмаган тақдирда, суғориладиган бўз ерларнинг норматив қиймати туман (шахар) суғориладиган ҳайдов ерлари ўртача асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Мевазорлар, тутзорлар ва бошқа суғориладиган кўп йиллик дарахтлар экилган ерларнинг норматив қиймати ушбу ҳўжаликнинг суғориладиган ҳайдов ерлари норматив қиймати бўйича, (пахта 0,4, боғзор 0,6) коэффициентини қўллаш билан қабул қилинади.[8]

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисида суғриладиган ҳайдов ери бўлмаган ҳолларда бундай ерларнинг норматив қиймати туман (шаҳар) суғориладиган ҳайдов ерлари бўйича асосий экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда шартли равишда ҳисоблаб чиқилади.

Иссиқхоналар бўйича 1 га ернинг норматив қиймати суғориладиган ҳайдов ерлар қийматига ўхшаш тартибда туман, шаҳар бўйича ўртacha кўрсаткич асосида 2,2 коэффициентини қўллаш билан аниқланади.

Кўп йиллик лалми дарахтлар лалми ҳайдов ер сифатида, лалми бўз ерлар эса лалми ҳайдов ерлари сифатида 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда баҳоланади.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчисида лалми ҳайдов ерлар бўлмаган ҳолларда, унинг норматив қиймати шартли равишда туман, шаҳар лалми ҳайдов ерлари бўйича ўртacha экин майдонлари тузилмасидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматни ҳисоблаб чиқишининг бевосита бирламчи обьектлари ҳисобланади. Норматив қийматни аниқлаш обьектлари деганда юридик шахснинг ер участкаси чегараларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тушунилади.

Норматив қийматни аниқлаш обьектлари алоҳида массивлар чегараларида гурухларга бўлинади, улар бўйича картография материаллари нашр этилади ҳамда уларда тупрокқа оид ва геоботаник тадқиқотлар натижалари акс эттирилади. Ҳар бир контур бўйича бонитети балл акс эттирилган ҳолда тақдим этилади.

Норматив қийматни аниқлаш бирламчи объектларининг дастлабки ер-хисобига олиш ва натижали ер-баҳолаш ахборотлари маъмурий минтақалар бўйича умумлаштирилади. Ҳар бир фермер хўжаликларининг ўртача бонитет бали ҳисоблаб чиқилади ва шу асосда меъёрий қиймат натижалари ҳисоблаб чиқилади.

Норматив қийматни аниқлашга алоқадор барча ҳисоб-китоблар технологик нормалар бўйичабажарилади. У қўйидаги босқичларда турланади:

### **1. Тайёргарлик ишлари.**

1.1. Ишлар мазмуни ва дастурини ишлаб чиқиш.

1.2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳамда норматив қийматни аниқлаш объектларининг рўйхатини ва жойлашиш чизмасини тузиш.

1.3. Норматив қиймати аниқланадиган объектлар бўйича дастлабки ер-хисобга олиш ва статистик ҳамда натижали ер-баҳолаш ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва тайёрлаш.

1.4. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда дастлабки ва қиймат кўрсаткичларининг автоматлаштирилган ҳисоб-китоби дастурини ўрганиш ва ўзлаштириш.

**2. Тупроқ унумдорлиги, табиий озуқа экин майдонларининг унумдорлиги, сугориш учун сув бериш усули бўйича бирламчи маълумотлар базасини тайёрлаш ва норматив қийматини аниқлаш объектларининг кўрсаткичларини ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш.**

2.1. Норматив қийматни аниқлаш объектининг тупроқ унумдорлигини ўртача кўрсаткичини аниқлаш.

2.2. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича маҳсулот етиширишдан олинадиган фоизларда ҳисоблаб чиқилган фойдани аниқлаш.

2.3. Норматив қийматни аниқлаш обьекти яйловларининг озуқа қимматлилиги кўрсаткичларини аниқлаш.

2.4. Суғоришнинг ички тизимида суғориш учун сув бериш усули кўрсаткичини аниқлаш.

2.5. Захарли кимёвий дориларни қўллаш чекланган майдонларни аниқлаш.

### **3. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китоби.**

3.1. Бирламчи кўрсаткичларни компьютер дастурига киритиш.

3.2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив қиймати: норматив унумдорлик, ҳисобланган фойда ва норматив қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоби.[8]

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчilarининг рўйхати ва маъмурий туман бўйича қишлоқ хўжалиги экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар норматив қийматни аниқлаш даври ўтказиладиган йилнинг 1 январь ҳолатига ер фонди маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўйича унинг номи, солик тўловчининг идентификация рақами қишлоқ хўжалик экин майдонлари тафсилотлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ерининг кадастр рақами, умумий майдони ва бошқалари кўрсатилади, суғориладиган ва суғорилмайдиган экин майдонлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Қишлоқ хўжалиги товар

ишлиб чиқарувчиларининг географик жойлашуви йирик масштабли чизмаларда акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишилаб чиқарувчилари рўйхати, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва уларни ҳудудий жойлаштириш схемаси ташкилот - ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича ушбу туман бўлимлари бўйича ишларни бажарувчилар томонидан тузилади ҳамда улар билан келишувдан ўтказилади.

Ушбу технологик нормалар асосида фермер хўжалигининг норматив қийматини аниқлашда қишлоқ хўжалиги товар ишилаб чиқарувчиларининг географик жойлашуви йирик масштабли чизмаларда акс эттирилади. Ҳар бир товар ишилаб чиқарувчиси бўйича унинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами қишлоқ хўжалик экин майдонлари тафсилотлари ва сугорилмайдиган экин майдонлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.[8]

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш натижалари бўйича олинган фойданинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан олдинги йил якунларига биноан туманбўйича ялпи даромадга нисбатан фоизларда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғишириб олиш давомида фойда миқдори ўртача йиллик нархлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришга норматив харажатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Туман бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришга норматив харажатлар бонитет балига боғлиқ равишда ўсимликларни ўстиришнинг агротехнологик хариталари асосида

хисоблаб чиқилади, бунда иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш харажатлари ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар йили 1 апрелгача Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига 9-жадвалда келтирилган нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари Қашқадарё вилояти **Шахрисабз тумани** бўйича дехқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ўртacha йиллик нархлар ва сотиш ҳажмлари, шунингдек пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг ўртacha харид нархлари тўғрисидаги маълумотларни юборади. Қўмита ўз навбатида шу юборилган нархлар асосида Шахрисабз туманида мавжуд қишлоқ хўжалик бозорларида мавжуд қиўлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртacha йиллик сотиш нархлари асосида фермер хўжалигидан олинадиган фойда меъёрини хисоблаб чиқади.

**Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани бўйича дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2019 йил учун ўртacha бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлар**

#### 17-жадвал

т/р	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг номи	1 кг учун ўртacha йиллик нархлар	Ишлаб чиқариш ҳажми, тоннада
1.	Пахта	2300	2300
2.	Буғдой	2172,2	38132
3.	Сабзавотлар	-	64933
	помидор	3921,4	27212
	Бодринг	4154,8	4136

	сабзи	1932,4	12586
	пиёз	1048,1	6441
	карам	1633,1	3630
	ошқовоқ	1951,2	-
4.	Полиз маҳсулотлари	-	3094
	тарвуз	1232,1	-
	қовун	2004,8	-
5.	Картошка	5248,8	44043
6.	Мевалар	-	25132
	олма	5711,1	19048
	олхўри	2268,3	983
	гилос	10888,9	692
	ўрик	3272,2	737
	шафтоли	6400,0	309
.	<b>Узум</b>	6225,0	10485
.	<b>Гуруч</b>	7244,4	-

17 - жадвалда кўриниб тўрибдики, массивнинг 1 қгқишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртacha йиллик нархлари ва ишлаб чиқариш ҳажмлари (тоннада) бериб ўтилган. Ушбу нархларни Давлат солиқ қўмитаси туманнинг олдинги қишлоқ хўжалик бозорларидаги нархларнинг ўртacha қийматидан келиб чиқсан ҳолда хисоблаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг, полиз маҳсулотлари, сабзавотлар, меваларнинг норматив қийматини ҳисоблаб чиқишида

қўлланиладиган ўртача йиллик нархлар, уларнинг турлари нархлари ва сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳар йили 1 апрелгacha қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш натижалари бўйича олинадиган фойда миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига юборади. Ушбу маълумотлар 18-жадвалда келтирилган.[8]

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани бўйича қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларининг асосий турлари бўйича фойда миқдори

### 18-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг номи	Маҳсулот етиштиришда 1 га ердан олинган фойда миқдори, тупроқ бонитети балига боғлиқ тарзда ялпи даромадга нисбатан фоизларда								
	10-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100
Пахта	0,01	0,01	4,43	8,99	13,42	17,84	22,41	25,76	27,91
Буғдой, суғорма	0,00	0,00	6,97	3,43	2,30	1,73	1,38	1,20	1,11
лалми	0,01	0,01	0,01	3,35	5,59	7,83	11,18	13,42	16,77
Шоли	0,01	0,01	2,86	5,81	8,68	11,54	14,49	16,66	18,05
Сабзавотлар	0,01	5,36	10,71	16,07	21,43	26,78	32,14	37,50	42,85
Полиз маҳсулотлари	0,01	0,01	4,59	9,31	13,90	18,49	23,22	26,69	28,92
Картошка	0,01	0,01	5,84	11,86	17,71	23,55	29,57	34,00	36,83
Мевалар, суғорма	0,01	7,58	15,17	22,75	30,34	37,92	45,51	53,09	60,68
лалми	0,01	0,01	0,01	7,59	12,64	17,70	25,28	30,34	37,93
Узум, суғорма	0,01	5,95	11,90	17,85	23,80	29,75	35,70	41,66	47,61
лалми	0,01	0,01	0,01	5,95	9,92	13,89	19,84	23,81	29,76

18- жадвалдан кўриниб турибдики келтирилган бонитетбалларида ҳосилнинг ҳисоблаш фойда миқдорлари келтирилган. Мисол келтирадиган бўлсак, етиштирган ҳосилимиз қанча балл бонитетида бўлса шундаги коеффицентлар ҳисобида фойда миқдори белгиланади.

Биз юқорида келтирилган статистик маълумотларни ўзимизнинг массив ерни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Парда Шербоев массивининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда ушбу қишлоқ хўжалик ерларининг норматив қиймати қўрсаткичларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўллари мавзусидаги услугубий ва назарий қисмларда келтирилган жадваллар асосида аниqlаймиз.

Массивдаги фермер хўжалигидаги суғориладиган ерларнинг 1 гектар ер майдони учун ва умумий ер майдони учун норматив қиймат баҳосини ҳисоблаб чиқамиз. Бунинг учун бизга хўжаликнинг тупроқ бонитетининг ўртача бонитет бали, банк ссудасининг фоизи, хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини даражаси бўйича коеффиценти, массивнинг жойлашган ўрни бўйича коэффиценти, маҳаллий шароити бўйича коэффицент ва фермер хўжалигининг умумий майдонини асосий қўрсаткичи сифатида оламиз.

Бу жараённи биз “Мўминобод Барака” фермер хўжалиги мисолида қўйидаги босқичлардан иборат эканлигини қўрсатамиз:

1 - босқич, фермер хўжалигиниг норматив қийматини топиш учун фермер хўжалигининг ўртача балл бонитети (76) ни бир тонна пахта қийматига (0,4) кўпайтирамиз. Чиқсан жавоб центнер ҳисобида чиқади (30,4) ва биз уни тоннага ўтказиш учун чиқсан жавобни 10 қийматга бўламиз (3,04). Кейин чиқсан жавобни бир тонна пахтани тан нарҳининг қийматига (2.300.000) кўпайтирамиз ва натижани 0,661 коэффицентга кўпайтирамиз. Натижада Бир гектар ҳайдалма ердан олинадиган ялпи

маҳсулотнинг меъёрий баҳоси (4621712) келиб чиқади ва ушбу қийматни қисқартириб олиш учун минг сўм қийматга бўламиз (4621,7).[8]

2 -bosқичда биз фойда меъёрини аниқлаймиз. Бунинг учун фермер хўжалигининг ўртача балл бонитетини бир балл фойда меъёри (0,3) қийматига кўпайтирамиз ва фойда меъёри (22,8)% ҳисобида келиб чиқади.

3- босқичда меъёрий соф фойдани топишимиз керак бўлади. Унинг учун бир гектар ҳайдалма ердан олинадиган ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳосига (4621,7) фойда меъёридан чиқсан қийматни (22,8) кўпайтирамиз ҳамда умумий кўрсаткичга нисбати 100 қийматга бўламиз ва меъёрий соф даромад қиймати (1053,7) келиб чиқади. Бу меъёрий соф даромад қийматининг натижаси ҳисобланади.

4- босқичда банк ссудаси (5) ва хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини даражаси бўйича коэффицентлари (0,8) бизда бор эди.

5- босқичда бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳосини топамиз. Бунинг учун меъёрий соф даромад (16859,2) ни хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини даражаси бўйича коэффиценти (0,8)га кўпайтирамиз ва чиқсан жавобни 100 қийматга кўпайтирамиз ва жами қийматни банк ссудаси (5) қийматига бўлиб юборамиз. Натижада бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси (16859,2) келиб чиқади.

6- босқичда бизда массивнинг жойлашганий баҳоси бўйича коэффиценти (0,8) ва маҳаллий шароити бўйича коэффицент қийматлари (1) мавжуд.

7- босқичдабир гектар ернинг меъёрий баҳосини топишимиз керак бўлади. Бунинг учун бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳосидаги қиймат (13487,36) ни массивнинг жойлашган ўрни бўйича коэффиценти (0,8) га кўпайтирамиз ҳамда чиқсан жавобни маҳаллий шароит бўйича коэффицент (1) га йўли билан бизга керакли бўлган бир гектар ернинг

меъёрий баҳосини (13487,3) топамиз ва шу қиймат натижасида ягона ер солиги ставкаларини аниқлашда қўллаймиз.

8- босқичда ер учксткасининг ялпи меъёрий баҳосини аниқлашимиз керак бўлади. Бунинг учун бир гектар ернинг меъёрий баҳоси (13487,3) ни фермер хўжалигининг умумий ер майдони (108,3) га кўпайтирамиз ва натижада фермер хўжалигининг ялпи (умумий) меъёрий баҳоси (1460681,0) келиб чиқади. Ушбу жадвалда юқоридаги ҳисоб-китоб ишларидан фойдаланиб фермер хўжалигининг норматив қийматини аниқлаймиз.[8]

19 – жадвалдаги ҳисоб-китоб ишларини кўриб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки: биз норматив қийматни хўжаликлар кесимида 1 гектар ер майдонидан олинадиган фойда ва шу фойда асосида умумий ер майдонидан олинадиган Ер участасининг ялпи меъёрий баҳосини ҳисоблаб чиқдик ва уларнинг натижалари келтириб ўтдик. Массивда суғориладиган ерларининг меъёрий қийматини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики массивнинг умумий балл бонитетига эга бўлган жами фермер хўжаликларининг бир гектар ернинг норматив қиймати 29886,1 минг сўмни умумий ер майдонининг норматив қиймати 318543,1 минг сўмни ташкил этишини ҳисоблаб чиқдик.[8]

Қўйида шуни таъкидлаб ўтишмиз керакки: Ер солиги ставкалари Ўзбекистон Республика Давлат солик қўмитасининг “Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиги ставкалари тўғрисида” ги қарорига асосан белгиланади ва солик тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

Кишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиги ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Ер солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиги ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

**Парда Шербобоев номли массивидаги фермер хўжаликлари суғориладиган ерларининг норматив  
қийматини хисоблаш**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>	<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>						
Фермер хўжаликлари номи				Ёртча бали Бир гектар хайдалма ердан олинган ялни маҳсулотнинг мельрий баҳоси, минг сўм				Фойда мельри, % Мельрий соф даромад, минг сўм				Фоизи, % Хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариши интенсивлигини дарражаси бўйича коэффициент Бир гектар ернинг базавий мельрий баҳоси, минг сўм				Жойлашган ўрни бўйича коэффициенти Махаллий шарорт бўйича коэффициент Бир гектар ернинг мельрий баҳоси, минг сўм Умумий майдони, га			
1	Мироб Рауп бобо	70	4256,8	21	893,9	5	0,8	14302,4	0,8	1	11441,9	108,3	1239157,7						
2	Замин фидойиси	70	4256,8	21	893,9	5	0,8	14302,4	0,8	1	11441,9	105,5	1207120,4						
3	Латипов Элёр	69	4196,0	20,7	868,5	5	0,8	1389,6	0,8	1	11168,8	79,7	890153,3						
4	Мўминобод Барака	76	4621,7	22,8	1053,7	5	0,8	16859,2	0,8	1	13487,3	108,3	1460647,5						
5	Обиджон Фазиенда	69	4196,0	20,7	868,5	5	0,8	1389,6	0,8	1	11168,8	67	748309,6						
6	Раупов Хушбек	60	3648,7	18	656,7	5	0,8	10507,2	0,8	1	8405,7	68	571587,6						
7	Рахматов Акбар	69	4196,0	20,7	868,5	5	0,8	1389,6	0,8	1	11168,8	64,1	759478,4						
8	Тўраев Миробид	72	4378,4	21,6	945,7	5	0,8	1513,1	0,8	1	1210,4	211,1	255515,4						

<b>9</b>	Биғмилек Файзуло	70	4256,8	21	893,9	5	0,8	14302,4	0,8	1	11441,9	56,4	645323,1
<b>10</b>	РахматовъЭлёр	69	4196,0	20,7	868,5	5	0,8	13896	0,8	1	11168,8	10	111168
<b>11</b>	Нафасов Абдурауф	80	9518,4	24	2284,4	5	0,8	36550,4	0,8	1	29240,3	13,5	394744,0

Энди биз Парда Шербобоев номли массив ҳудудида жойлашган 11 та фермер хўжаликлари суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига ягона ерсолиғи ставкаларини аниқлаймиз. Бунинг учун уларнинг бонитет баллари келтирилган меъёрий баҳолаш қийматлари ва уларнинг шу бонитет баллари бўйича коэффициентларига кўпайтириш орқали аниқлаймиз. Уни қўйидаги 20-жадвалда келтириб ўтамиз:

Парда Шербобоев номли массивидаги фермер хўжаликларнинг ягона ер солиғи ставкаларини аниқлаш

20-жадвал

т/р	Фермер хўжаликлари номи	Умумий майдони,га	1 га ер майдонининг меъёрий қиймати, минг сўм	Ягона ер солиғи		
				Кишилек хўжалиги товарищаб чиқрувчи	Га стратигияни келтиришган ягона ер солиғи ставкаси, минг сўм	Чернер хўжалигининг умумий ер майдонига нисбатан ягона ер солиғи қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
1	Мироб Рауп бобо	108,3	11441, 9	0,95	108,6	11761,3
2	Замин фидойиси	105,5	11441, 9	0,95	108,6	11457,7
3	Латипов Элёр	79,7	11168, 8	0,95	106,1	8456,1
4	Мўминобод Барака	108,3	13487, 3	0,95	128,1	13873,2
5	Обиджон	67	11168,	0,95	106,1	7108,7

	Фазиенда		8			
<b>6</b>	Раупов Хушбек	68	8405,7	0,95	79,8	5426,4
<b>7</b>	Рахматов Акбар	64,1	11168, 8	0,95	106,1	6801,0
<b>8</b>	Тўраев Миробид	211,1	1210,4	0,95	1149,8	242722,7
<b>9</b>	Биғмилик Файзулло	56,4	11441, 9	0,95	108,6	6125,0
<b>10</b>	Рахматов Элёр	10	11168, 8	0,95	106,1	1061
<b>11</b>	Нафасов Абдурауф	13,5	29240, 3	0,95	264,0	3564,0

Энди биз 17-жадвалда массив ҳудудларидаги фермер хўжалиги ва ишлаб чиқарувчи ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган ягона ер эгалиги ставкаларини аниқлашни келтириб ўтамиз. Улар қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Бунинг учун олдинги жадвалимизда келтириб ўтган бир гектар ер майдонининг меъёрий қийматини 13487,3 Давлат солиқ қўмитасининг барча юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаси яъни 0,95% улушини оламиз. Шунда бир гектар ерга тўғри келадиган ягона ер солиғи ставкаси (128,1) келиб чиқади.

2-босқич. Фермер хўжалигининг умумий ер майдонига нисбатан ягона ер солиғи қийматини аниқлаш учун 1 гектар ерга тўғри келадиган ягона ер солиғи ставкаси қийматини фермер хўжалигининг умумий ер майдонига (108,3) кўпайтирамиз. Натижада фермер хўжалигининг умумий ер майдонига нисбатан ягона ер солиғи қиймати (13873,2) келиб чиқади.[8]

20-жадвалдан кўришимиз мумкини; массивдаги фермер хўжаликларининг фойдаланишдаги ер майдонларига нисбатан уларнинг ягона ер солиқларини аниқладик.

Шунга кўра ҳар бир фермер хўжалигининг бонитет балларига нисбатан ишлаб чиқилган меъёрий қийматларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ягона ер солиғи ставкалари ҳам ҳар хил қийматларга эга эканлигини кўриб тўрибмиз. Биз ушбу фермер хўжаликлардан 2 та яъни “Мўминобод Барака” ва Раҳматов Элёр номли фермер хўжаликлари мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу фермер хўжаликлидан яъни “Мўминобод Барака” пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ер майдонларининг ўртача бонитет бали 76 балга эга бўлиб, унинг бир гектар ернинг майдонининг меъёрий баҳоси 128,1 минг сўмни ташкил этди. Умумий майдонга нисбатан эса 13873,2 минг сўмни ташкил этди.

Шунга кўра ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси “Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаларини белгилашдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун меъёрий қийматини ҳисобга олган ҳолда 0.95 % миқдори (яъни 1 % дан кам бўлмаган коеффицент)да коэффициент қўлланилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда иккинчи бир Боғдорчилик-узумчиликучун ихтисослашган Раҳматов Элёр номли фермер хўжалигининг бир гектар ерига тўғри келадиган ягона ер солиғини солиштирма сифатида қўрсатмоқчимиз. Ушбу хўжаликниг 1 гектар ер майдонига тўғри келадиган ягона ер солиғини ставкаси 106,1 минг сўмни ташкил этди. Умумий майдонга нисбатан эса 6801,0 минг сўмни ташкил этди.

Фермер хўжаликларининг солиши тирма жадвали

21-жадвал

т/р	Фермер хўжаликларининг номи	Умумий ер майдони, га	1 гектар ер майдонидан олинадиган ягона ер солиғи, минг сўм	Умумий майдонидан олинадиган ягона ер солиғи, минг сўм
1	2	3	4	5
1	Мироб Рауп бобо	108,3	108,6	11761,3
2	Замин фидойиси	105,5	108,6	11457,7
3	Латипов Элёр	79,7	106,1	8456,1
4	Мўминобод Барака	108,3	128,1	13873,2
5	Обиджон Фазиенда	67	106,1	7108,7
6	Раупов Хушбек	68	79,8	5426,4
7	Рахматов Акбар	64,1	106,1	6801,0
8	Тўраев Миробид	211,1	1149,8	242722,7
9	Бифмилик Файзулло	56,4	108,6	6125,0
10	Рахматов Элёр	10	106,1	1061
11	Нафасов Абдурауф	13,5	264,0	3564,0

21 – жадвалдан кўриб шуни маълум қилмоқчимизки Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли массивининг таркибидаги пахтачилик-ғаллачилик; боғдорчилик – узумчилик; чорвачилик

ихтисослигига мўлжалланган 11 та фермер хўжаликларининг 1 йиллик ишлаб чиқаришдаги фойда меъёрларидан келиб чиқиб бир гектардандан олинадиган ягона ер солиғи 29886,1 минг сўмни ҳамда умумий майдон ҳисобида эса 318543,1 минг сўмни ташкил этар экан.[8]

#### **4.3 Қишлоқ хўжалик ерлари норматив қиймати кўрсаткичларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш**

Норматив қийматни аниқлаш бўйича Ўздаверлойиҳа ДИЛИ нинг худудий бўлинмалар томонидан Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш” ишлари бўйича 2019 йилда амалга оширилиши кўзда тўтилган ишларни нг мақсади тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Қўмитанинг 2019 йил 5 апрелда тузулган 2019-20-сонли шартнома шартларини бажариш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш ишлари айни вақтда бажарилмокда.

Мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан туман (шаҳар)лар бўйича юзага келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштиришнинг ўртача фойда нормаси ва қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили тўғрисидаги маълумотларни ҳар йилнинг 1 апрелгача Давергеодезкадастр қўмитасига тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган. [8]

Тақдим этилган маълумотларга кўра “Ўздаверлойиҳа” дастурий таъминотга киритиб, хар бир қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив

қийматини аниқлаш” натижалари бўйича жорий йил июн ойининг биринчи ўн кунлигига Молия вазирлигига тақдим қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматини аниқлаш натижалари”нинг яқуний маълумотлари асосида келгуси календарь йил учун ягона ер солиғи ставкаси миқдорини Вазирлар Маҳкамасига киритилиши кўрсатиб ўтилган. Вазирлар Маҳкамаси бегилаб берилга мукдорни Солик кўмитаси томонидан соликларни давлат бюжитига ундирилади кузда тутилган.

Ушбу ўринда қишлоқ хўжалик ерлари норматив қиймати кўрсаткичларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш бўйича норматив қийматни ишлаб чиқариш дастурини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар беришни лозим деб топдик. Бу таклифлар З босқичдан иборат;

1 – босқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235 -сонли қарорнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг бир бонитет балга нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги, озуқа экинларининг озуқа бирлигига ифодаланган норматив унумдорлиги ва туман дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йиллик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш бўйича ҳар бир маҳсулотларнинг турига қараб коэффицент белгилаб беришлари ва умумий тонна ҳажмида йиллик сўмма нархларини аниқлаб беришни янада такомиллаштириб, унга яна бошқа маҳсулотлар ва ем-ҳашак ўсимликларини киритиш кераклигини айтиб ўтиш керак. Сабаби ушбу жадвалларимизда мисол таъриқасида оладиган бўлсак беда ва маккажўхори маҳсулоти ва ўсимлиги киритилмаган. Ушбу маҳсулотни етиштирган фермер хўжаликларининг норматив қийматини аниқлашда ғалланинг кўрсаткичларидан фойдаланилади. Яъни фермер етиштирган маҳсулот бошқа бўлиб, бошқа маҳсулотнинг нисбатида солик тўлайди ва бу

қандайдир маънода фермерлар маҳсулотларини тўғри ҳисоб – китоб ишларини амалга оширишга бироз тўсқинлик қиласди.[8]

2 – босқичда эса ерларни баҳолаш ишларини амалга ошириш дастурини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар ишлаб чиқдик. Дастурнинг камчилиги ҳар бир ташкилот ўз фаолиятидан келиб чиқиб маълумотлар ишлаб чиқади. Вазирлик ва қўмиталар ушбу маълумотларни “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ нинг ерларни баҳолаш бўлимига ёзма ҳат асосида тақдим этилади. Келган маълумотларни бўлим мутаҳасислари қўлда киритишлари билан бироз вақтдан ютқазиш ҳамда маълумотларни киритишда билиб билмай ҳатолар юзага келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Юқоридаги айтиб ўтилган вақтдан ютқазиш ва ҳатоликларни бартараф этиш мақсадида амалдаги дастурнитакомиллаштириш керак. Бунинг учун биз қўйидагича таклиф киритишни лозим топдик.

Норматив қийматни ишлаб чиқиш учун ягона дастурни ишлаб чиқиш керак ҳамда ҳар бир Вазирлик ва қўмита томонидан киритилиши лозим бўлган маълумотларни жойнинг ўзида дастурга бемалол киритишни йўлга қўйиш яъни Давлат статистик қўмитаси ўзининг йиллик статистик маълумотларини, Молия Вазирлиги иқтисодий маълумотларни, Тупроқ бонитировка институти ўзининг тупроқ бўйича маълумотларни ўзи учун бириктирилган ячейкага киритади ва бошқа бўлимнинг маълумотларига ўзгартириш киритолмайдиган тарзда жами натижаларни онлайн тарзда кўриб тўриш имконини яратади. Ушбу ойланур дастур ососида тўғридан – тўғри Вазирлар Маҳкамасининг онлайн дастурида кўриниб туради ва бошқармалар орасидаги қоғозбозликни олдини олишга анчагини ёрдам ҳам беради.[33]

3 – босқич. Бугунги кунда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан табақалашшишини илмий ва услубий томондан

асослаш зарурати ошиб бормоқда. Бу эса, ушбу хўжаликларни кўп тармоқли корхоналарга айлантиришга хизмат қиласиган адолатли солиқ солиш, инвестиция, ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, ердан фойдаланувчининг манфаатдорлиги кучайиши, шунингдек инновацион ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир қиласиди. Айни шунинг учун ҳам, бугунги кундагидек қишлоқ хўжалиги ерларининг “меъёрий қиймати”ни баҳолаш натижаларидан фақат ягона ер солиги тизимини шакллантиришда фойдаланмаслик керак. [18] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул вилиниб бу учун бир нечта Давлат бошқарув ташкилотлари ишлаб чиқсан норматив қийматдан биз фақатгина ягона ер солигини ундиришда фойдаланиб келинмоқда. Шу жараёндан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадида ерларнинг меъёрий баҳосидан кенгроқ фойдалаиш мумкинлигини таҳлил қиласидик ва уни иложи борича кенгроқ ёритиш мақсадида жадвал кўринишида ифоладаладик. Шу ўринда норматив қиймат аниқлангандан кейин уни яна бир қатор йўналишларда кўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар мавжуд. Ушбу йўналиш орқали ернинг топилган норматив қийматини янада керакли йўналтириш билан ернинг фадрини оширишимиз мумкин ва фермер ва ишлаб чиқариш хўжаликларининг фойдаланишдаги кўрсаткичларини яхшилашга эришамиз.

## **Хулоса**

“Ўзбекистон иқтисодий тадқиқотлар маркази”нинг расмий маълумотларига қараганда, дунёning қуруқлик қисми, яни дунё ер фонди 13,4 миярд гектарни ташкил этади, унинг атиги 1,5 миярд гектари, яни 11,0 % қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. Аммо уларнинг миқдори ва сифати турли табиий ҳамда антропоген омиллар ва жараёнлар таъсирида йилдан йилга камаймоқда. Демак, глобал озиқ –овқат муаммосини ҳал қилиш ва чекланган сув тақсимоти шароитида чекланган ер ресурсларининг самарадорлигини оширишда интенсив йўлларни қўллаш, фермерлар томонидан интенсив фойдаланишга инвеститциялар киритиш, тупроқлар унумдорлигини барқарор ошириб бориш муҳим вазифалар туркумига киради. Бу вазифаларни бажариш учун, биринчи галда, сугориладиган ҳудудда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларни ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш ва шу асосда улардан фойдаланишни ташкил этиш катта ижобий самара беради.

## ГЛОССАРИЙ

**аграр ислоҳот** – ерга эгали қилиш ва ердан фойдаланиш тизимининг ўзгаришидан иборат бўлган давлат тадбири.

**гидротехник тадбирлар** - қуйидаги тўрт гурӯҳдан иборат иншоотларни лойиҳалашни назарда тутади: сув оқимини ушлаб қолувчи; сув оқимини йўналтирувчи; сув ташлагувчи; жарлик остки иншоотлари.

**давлат ер кадастри** – ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарага олувчилар ва мулқдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги зарурий ҳамда аниқ маълумотлар ва хужжатлар тизими;

**дараҳтлар** – битта кўп йиллик шохга эга бўлган ўсимликлар, бу шох «тана» (ствол) дейилади. Унинг баландлигига қараб катта ёшдаги дараҳтлар куйидагича туркумланиши мумкин: I – 25 м≤; II – 16 – 25 м; III – 5 – 15 м.

**ер фонди** – ер сиртининг, хусусан, сув обьектлари тубининг, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар маъмурий чегаралари ичida жойлашган қисми;

**ер мониторинги** - ер таркибидаги узгаришларни уз вактида аниклаш, ерларга баҳр бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва окибатларини тугатиш учун ер фондининг холатини кузатиб туриш тизими;

**ер муносабатлари** – давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатлар;

**ер низоси** – ер муносабатлари субъектлари ўртасидаги, хусусан ер участкаси ёки унинг бир қисмининг қайсиdir шахсга мансублиги, шунингдек сервитутнинг белгиланиши ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши борасидаги низолар;

**ер ресурсларини бошқариш** – жамият ва давлатнинг ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мунтазам, оғнли ва аниқ мақсадга қаратилган таъсир қўрсатишидир;

**ер тоифалари** - ер фондининг ер участкалари уларнинг асосий максад вазифалари буйича киритилган кисмлари;

**ер тузиш** – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, кулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик лойиҳаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими;

**ер участкаси** – ер сиртининг қайд этилган берк чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларга эга бўлган қисми;

**ер участкаси билан боғлиқ битимлар** - жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари;

**ер участкаси гарови (ипотекаси)** – юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер участкасини ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятни таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказилиши;

**ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, бекор қилинишининг давлат томонидан эътироф қилиниши ва тасдиқланиши юридик акти;

**ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши** - юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларининг давлат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан фойдаланиш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарага олувчилари ва мулкдорлари, шунингдек қонунда

назарда тутилган холларда аҳоли хавфсизлиги манфаатлари йўлида қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда чекланиши;

**ер участкасини ижарага берувчи** – ер участкасини белгиланган тартибда ижарага берган юридик ёки жисмоний шахс;

**ер участкасини ижарага олиш-** ер участкасидан ижара шартномасининг шартлари бўйича вақтинча ҳақ эвазига фойдаланиш;

**ер участкасини ижарага олувчи** – ер участкасини белгиланган тартибда ижарага олган юридик ёки жисмоний шахс;

**ер участкасининг эгаси** – ер участкасидан якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўжалигини, шунимнгдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида фойдаланувчи фуқаро;

**ер фонди** – ер сиритининг, хусусан сув объектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурий чегаралари ичida жойлашган қисми;

**ердан оқилона фойдаланиш** - қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун - ерлардан уларнинг мақсад вазифаси бўйича ерларнинг табиий-қишлоқ хўжалик жиҳатдан районлаштирилишини, ерларнинг кўп жиҳатли хусусиятларини инобатга олган ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилган ҳолда худудни меҳнат унумдорлигининг ошишини ва қишлоқ хўжалиги махсулотларининг кўпайишини таъминлаш йўлида мақсадга мувофиқ ташкил этиб фойдаланиш, қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар учун - ерлардан уларнинг мақсад вазифаси бўйича фойдаланиш, ер участкаларидан иморатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда максимал зичлигини таъминлаган ҳолда тежамли фойдаланиш;

**ердан фойдаланиш коэффициенти** - фойдаланиладиган ер майдонини умумийр майдонга нисбати

**ердан фойдаланишнинг тежамли тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш** – агросаноат мажмуасида ва умуман иқтисодиёт тармоқларида ер фондидан фойдаланишнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини, ерни тежаш ва фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш мезони бўйича давлат ер захирасини, ер тоифалари бўйича табақалаштирилган мезонни таъминлашдан иборат;

**ерларнинг ифлосланиши** – тупроқларда таркибида кимёвий бирикмалар, радиактив элементларнинг атрофдаги табиий муҳитга, тупроқ унумдорлигига ва инсон соғлигига зарарли таъсир кўрсатадиган миқдорларда мавжудлиги;

**ерларнинг ҳосилдан қолиши** – ерлар хусусиятларининг табиий ва антропоген таъсирлар натижасида ёмонлашуви;

**ерни муҳофаза қилиш** - ерлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими;

**ерни рекультивация қилиш** - бузилган ерларни вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш борасидаги техник, мелиоратив ва агротехник тадбирлар комплекси;

**ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** - ерлардан ер участкасига бўлган хуқуқни тасдиқловчи хужжатларсиз фойдаланиш;

**ер участкасидан вақтинчалик фойдаланиш хуқуқи** – юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мулкидаги ер участкасидан давлат хокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатларда фойдаланиш хуқуқи;

**ернинг асосий мақсад вазифаси** - ерлардан ер-кадастр хужжатларида акс эттирилгани каби мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиби ва шартлари;

**иқтисодий-математик усул** - қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамларини аниқлашда қўллаш, белгиланган мезон бўйича барча мумкин бўлган ечимлардан энг яхисини танлаш имконини беради. Бунинг учун белгиланган ишлаб чиқариш йўналишидаги қишлоқ хўжалик корхонаси ер эгалигининг мақсадли функция ва чеклашларни ўз ичига олган математик модели тузилади. Тайёрланган модель компьютерга киритилади ва маҳсус дастур бўйича ишлов берилганидан кейин тайёр натижага босмага чиқарилади.

**иқтисодий-статистик усул** - чуқурроқ асосланган натижаларга эришиш учун бу усул иқтисодий-статистик усул билан тўлдирилади. Шу мақсадда ўрганилаётган минтақада (вилоятда) жойлаштирилган, белгиланган ишлаб чиқариш туридаги барча (ёки кўпчилик) хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятлари натижалари бўйича маълумотлар танланади.

**капитал харажат** - бир марта сарфланадиган харажат

**капитал харажатлар самарадорлиги** - соғ даромаднинг ўсишининг капитал харажатларга нисбати;

**кўчмас мулк** - ер участкаси ва у билан чамбарчас боғланган барча объектлар ва шундай объектларнинг қисмлари, қайсики уларни бир жойдан иккинчисига кўчириш ўзининг қийматига teng харажатларсиз бўлмайди;

**қишлоқ хўжалик ерлари** - қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ёки ем-хашак базаси сифатида фойдаланилаётган ёхуд фойдаланилиши лозим бўлган асосий қисми, қишлоқ хўжалик ерлари ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дaraohтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташкил топади.

**мелиоратив ўрмон ва гидротехник тадбирлар** - ер тузиш лойиҳаларида асосан схема тариқасида ишланади, кейинчалик ишчи лойиҳа сифатида ишланади ва амалга оширилади.

**мелиоратив ўрмон тадбирлар** - мелиоратив ўрмон дaraohтларини лойиҳалашга қаратилган. Бу тизим таркибиға қўйидагилар киради: далаларни ихота (ҳимоя) лайдиган ўрмон дaraohлари чизими; жарлик ва дара

(балка) лар атрофидаги ўрмон дарахтлари чизими ва бошқалар. сув оқимини тартибга солувчи ўрмон дарахтлари чизими;

**муаллифлик назорати** – ер тузиш илмий лойиҳалаш институти мутахассислари томонидан лойиҳанинг тўғри амалга оширилишини назорат қилиб туриш.

**нормал эрозия** - рельеф ва метеорология омиллари таъсирида табиий ўсимликлар билан қопланган тупроқ юзасида вужудга келади. Сув ва шамол доим тупроқ ва тоғ жинслари заррачаларини бир жойдан иккинчи жойга, кўпроқ баландликдан пастликка қараб сураверади. Бу жараён инсониятнинг иштирокисиз жуда ҳам секин ўтади ва катта зарап етказмайди.

**оптимал майдон** - ер эгалигининг (ердан фойдаланувчи) шундай ер майдонини оптимал деб ҳисоблаш керакки, бунда хўжаликнинг белгиланган ишлаб чиқариш йўналишида унинг максимал самарадорлигини, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни таъминласин.

**рекреацион фойдаланиш** – ўрмон ва миллий боғ (парк) лар барпо қилиш, уларда оммавий дам олиш ва туризмлар ташкил қилиш билан одамларнинг жисмоний ва маънавий соғлигини тиклашни, табиат манзараларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш.

**сервитут** – юридик ва жисмоний шахснинг бир ёки бир нечта бегона ер участкаларидан келишув ёки суд қарори асосида белгиланадиган чекланган фойдаланиш ҳуқуқи;

**соғ даромад** - бу ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш харажатларининг айирмаси.

**статистик гурухлаш** - статистик гурухлаш ёрдамида ер эгалари (ердан фойдаланувчилар) ер майдонларининг хўжалик самарадорлиги нисбий қўрсат-кичларига (рентабеллик, ялпи ва товар маҳсулотлари ҳажми, 100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига олинган ялпи даромад ва фойда, фондлар қайтиши ва бошқ.) таъсири таҳлил этилади. Оптимал сифатида корхоналар ер

эгаликларининг юқорида келтирилган кўрсаткичлари юқорилари тан олиниади.

**сув эрозияси** - ёмғир ва эриган қор сувларининг оқиб тушиши натижасида пайдо бўлади;

**суғориладиган ерлар** - ерларни суғориш учун етарли микдордаги сув ресурсларига эга суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки вақтингачалик суғориш тармоғи мавжуд бўлган қишлоқ, хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

**суғориладиган минтақа** - суғориладиган ерларда ўрмон дараҳтларини ўстириш дала экинлари, боғлар-узумзорларни «Гаримсел» ва кучли шамолларнинг салбий таъсиридан сақлаш, аҳоли пунктлари, йирик саноат корхоналари марказини кўкаламзорлаштириш ва қурилиш материали сифатида ёғочлар тайёрлаш имконини беради.

**табиий ўрмонлар** – бу маълум бир шароитда табиат қонунига мувофиқ жойда вужудга келган ўсимликлар қоплами.

**ташкилий – хўжалик тадбирлар** - тупроқни эрозиядан сақлашга қаратилган худудни ташкил этиш лойиҳасининг барча таркибий қисмлари ва элементларини ўзаро боғланган ҳолда жойлаштиришни назарда тутади.

**тезлашган эрозия** - нормал эрозия жараёни инсоннинг араласиши натижасида кескин ўзгарди. Табиий ҳолатдаги ерларни ҳайдаш ёки ўзлаштириш, ўрмон дараҳтларини керагидан ортиқча кесиш, яйловларда чорвани меъридан ташқари боқиш ва бошқа инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган сабаблар эрозияни кучайтиради.

**топография** – ер сатҳини ўлчаш ва рельефларни аниқлаб уларни харита ва тархга тасвирилаш усулларини ўрганадиган фан.

**трансформация** – ер турларини бир турдан иккинчи турга ўтказиш;

**тупроқ бонитировкаси** – тупроқларни муҳим агрономик хусусиятлари асосида қиёсий баҳолаш (балл ўлчамида). У ерларни иқтисодий тавсифи, ер

кадастрини юритиш, мелиорация, дехқонсилик тизимларини такомиллаштириш учун муҳимдир;

**тупроқ дефляцияси** – кучли шамоллар таъсирида тупроқ заррачаларини бир жойдан бошқа жойга учирилиб кетиши, ётқизилиши;

**тупроқнинг механик таркиби**–тупроқдаги турли катталиклардаги механик фракция заррачаларининг ( минералогик ва кимёвий таркибини хисобга олмагандаги) нисбий микдори. У тупроқнинг оғирлигига нисбатан фоизларда ифодаланади;

**тупроқ сифатини нормаллаштириш** - тупроқлар унумдорлиги, ерларнинг ифлосланиши ва бузилиши соҳасида нормаларни белгилаш; чуқур ҳайдаш; тупроққа ишлов беришни ва экинлар экишни қияликка кўндаланг қилиб ўтказиш, қор қатламини сақлаш ва х. к). Бу тадбирлар маҳсус харажатни талаб қилмайди, тупроқда намликни сақлашга қаратилган ишлов беришлар киради, (яъни: эгатлаш – бороздование; микролиманлар барпо қилиш; ҳайдалган ерда валиклар ташкил қилиш; тупроққа «плоскорез» ёрдамида ишлов бериш; экинларни тасма қилиб жойлаштириш ва х.к.).

**ўрмон** - деганда табиий равишда пайдо бўлган ва муҳит бирлигига ривожланаётган экологик ва биологик ўзаро бир - бирови билан боғлиқ дараҳтлар ўсимлиги ва бошқа организмлар тўда (уюшма) си тушунилади. Бошқача қилиб айтганда ўрмон – ўзаро боғлиқ ва бир – бировига, эгаллаган худудига ҳамда иқлимига таъсир қилувчи дараҳтлар, буталар, ўт ўсимликлари, мох ва ҳайвонлар тўдаси (уюшмаси).

**ўрмон мелиорацияси** – ўрмон ўтқазувларини ташкил қилиш йўли билан атроф муҳитни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шароитини яхшилашга қаратилган тадбир.

**ўрмоннинг тузилиши** - ўрмон дараҳтлари ўсимлиги қаватли жойлашади. Катта ёшдаги ўрмонларнинг юқори (чодир) қисмини тик дараҳтлар (древостой) ташкил этади. У баландлигига кўра бир – бировидан фарқланувчи 2 – 3 қаватли дараҳтлардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Юқоридаги энг биринчи қаватни ўрмон дарахтларининг бош насли – «ўрмон ташкил қилувчилар» эгаллади. Ўрмон ташкил қилувчи бош насл ўрмоннинг номини белгилайди, яъни, ўрмоннинг номи ушбу насл номи билан боғлиқ (дубли, қарағайли, ельли ва х.к.). Ўрмон дарахтларининг ҳаммаси ҳам ўрмон ташкил қилишга қобилиятли эмас. Иккинчи ва учунчи қаватларда одатда сояга чидамли дарахтлар насли ўсади (заранг - клен, аргувон – липа, қайрағоч – вяз ва х.к.).

**ўхшашик усули** - оптимал ўлчамлари белгиланаётган хўжаликникига ўхшаш табиий ва иқтисодий шароитларда ишлаётган ва бир хил ихтисосликка эга, илғор қишлоқ хўжалик корхоналари тажрибалари ўрганилади.

**ҳисоб-конструктив усули** - хўжалик ресурсларини баланслаш имконини ва ечимларини ишлаш билан биргаликда хўжаликнинг оптимал ўлчамига яқинлашишга ёрдам беради

**хўжаликлараро ер тузиш** ерларни қайта тақсимлаш, рационал ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерларни олиш ва ажратиш, корхоналар ва фуқароларни ер билан таъминлаш, уни ижарага беришнинг асосий механизми ҳисобланади.

**шамол эрозияси** - шамол (ҳаво оқими) таъсирида пайдо бўлади. **эрозия** – бу сув ва шамол оқимлари таъсирида тупроқ ва унинг остки қатламларини емирилиши, емирилиш маҳсулотларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва қолдириш жараёнларининг йигинидиси.

**эрозияга қарши қўлланиладиган тадбирлар** -ташкилий-хўжалик; маҳсус агротехник; ўрмон мелиоратив ва маҳсус гидротехник.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **1.Қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ( асосий қонуни), Т.: Адолат, 2012
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Т.: Адолат, 2014
- 3.Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот. Т., Давергеодезкадастр, 2018.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни, Т., 1993.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонуни, Т., 1998.
- 6.Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4041 сонли фармони “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”. Т., 2008
- 7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9-январдаги 14-сон қарори “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”.
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 8 февралдаги ПФ-5065 сонли фармони.
- 9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш

тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199 сонли фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18-августдаги 235-сон қарори “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўзказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 23 апрелдаги 299 сонли қарори. Тошкент, 2018

## **II. Китоб ва рисолалар**

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017,

13. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2017

14. Абдурахимов И.А., Умурзаков Ў.П. Сув хўжалиги менежменти. Т., Иқтисод-молия, 2008.

15. Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолашнинг ахборот таъминоти асослари. Тошкент, “Фан”, 2008

16. Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Тошкент, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013

17. Авезбоев С.А. Рациональное использование земель в низовьях Амударыи. Ташкент, Мехнат, 1990

18. Авезбоев С.А., Волков С.Н. Ер тузишнинг илмий асослари. Тошкент, Янги аср авлоди, 2004
- 19.Бабажанов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Фофиров А.Ж. Ер кадастри. Т, ТИМИ, 2012
20. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Камолова Д. Ер кадастри.1-қисм. Т., ТАҚИ, 2015.
21. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Камолова Д. Ер кадастри. 2-қисм. Т., ТАҚИ, 2016.
- 22.Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв. Почвы Узбекистана. Ташкент, Фан, 1975
- 23.Гречихин В.Н., Кочубий М.И. Земельный фонд Узбекистана и перспективы его использования. Ташкент, Мехнат, 1988
- 24.Кочубей М.И. Почвы Узбекистана и пути повышения их плодородия. Ташкент, Фан, 1985
- 25.Кузиев Р.К., Сектеменко В.Е. Почвы Узбекистана. Ташкент, ИПА, 2010
26. Ли В.Н. Плодородие орошаемых земель Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989
27. Намозов Ҳ.Қ., Шодраимова Қ.И., Турдиметова Ш.М., Тупроқ бонитировкаси. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000.
- 28.Землю оценивать по плодородию. Сельское хозяйство Узбекистана, 1973, №11
- 29.Сучков С.П. Эволюция почвы под влиянием мелиораций. Тр. Почв института им. Докучаева, 1973, Часть – IV
- 30.Расулов А.М. Повышение плодородия почв хлопковой зоны. М, Колос, 1976.
- 31.Почвы Узбекистана, их районирование и качественная оценка. Ташкент, Мехнат, 1985
- 32.Сугориладиган ерлардаги тупроқлар бонитировкасини ўтказиш бўйича услугубий кўрсатмалар. Тошкент, Ўздаверлойиха – ҚСХВ, 1998

- 33.Мухамеджанов М.В. Охраны и рациональное использование природных ресурсов Узбекистана. Ташкент, Фан, 1989
- 34.Талипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования . Ташкент, АгроИнформ, 1992
- 35.Турсунов Х.Х. Генетик туроқшунослик муаммолари. Маъruzалар матни, Тошкент, 2000
- 36.Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ҳолати бўйича Миллий ҳисобот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2018

### **III.Интернет сайтлари**

37. [www.prom.kz](http://www.prom.kz) - Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ.
- 38.[www.rosfirm.ru](http://www.rosfirm.ru) - Управления земельных ресурсов и землеустройства.
- 39.[www.kadastr.ru](http://www.kadastr.ru) - Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования.
- 40.[www.baseref.ru](http://www.baseref.ru)-Управление земель использованием сельскохозяйственного назначения в условиях
41. [www.ygk.uz – Госкомземкадастр](http://www.ygk.uz)

## Мундарижа

Кириш .....	3
1-Боб. Ерларни баҳолашнинг назарий ва услубий асослари.....	10
1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида ерларни баҳолашнинг аҳамияти....	10
1.2. Ерлар сифатини баҳолашнинг илмий ва амалий масалалари.....	19
1.3. Суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолашнинг мавжуд услубиятлари.....	29
1.4. Фермер хўжалиги – қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъекти сифатида.....	36
2-Боб. Республикализнинг қишлоқ хўжалиги ерлари ва улардан фойдаланиш.....	40
2.1. Республика ер фонди ва ундан фойдаланиш.....	40
2.2. Фермер хўжаликлари ер майдонларидан фойдаланиш.....	44
2.3. Суғориладиган тупроқлар ва уларнинг унумдорлик динамикаси....	51
2.4. Фермер хўжаликлари ерларида тарқалган тупроқлар ҳолатини ўрганиш.....	56
3-Боб. Тумандаги фермер хўжаликлари ва улардаги суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг ҳолати.....	61
3.1. Тумандаги фермер хўжаликлари суғориладиган ерларидан фойдаланиш.....	61
3.2. Суғоришнинг тупроқ унумдорлигига таъсири.....	76
4-Боб. Чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш.....	83
4.1. Чекланган сув тақсимоти шароитида суғориладиган тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш.....	83
4.2. Фермер хўжаликлари ерларини иқтисодий (норматив) қийматини аниқлаш.....	92

4.3. Қишлоқ хұжалик ерлари норматив қиймати күрсаткичларидан фойдаланиш күламини кенгайтириш.....	122
Хулоса.....	126
Глоссарий.....	127
Фойдаланилган адабиётлар.....	136